


Үқұв-услубий мажмұа

ТТЕСИ ҳүзүридаги
ПК ҚТ ва МО тармоқ маркази

Түкимашылық өнімдердегі
инновациялар
Машинасозлигінде



Ш.Хакимов, Д.Мухаммадиев, Ҳ.Абдуғаффаров

2019

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 02 ноябрдаги 1023-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар: ТТЕСИ т.ф.д., доц. Ш.Ҳакимов
ТДТУ т.ф.д., проф. Д.Мухаммадиев
ТТЕСИ т.ф.н., доц. Х.Абдугаффров

Тақризчилар: “Пахта саноати илмий маркази” АЖ
бош илмий ходими,
т.ф.д. Р.Ш.Сулаймонов

Ўқув - услугбий мажмуа Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Кенгашининг ____ йил _____ даги ____-сон қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	Ошибка! Закладка не определена.
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	9
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	14
АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАР	33
Адабиётлар:	139

ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №797-сон Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Ушбу дастурда пахта, тўқимачилик, енгил саноатида янги техника ва технологиялар, пахта, тўқимачилик, енгил саноати машиналари ва жиҳозлари (пахтани дастлабки ишлаш, йигириш, тўқиши, тикув ва тикув-трикотаж ва ипак ишлаб чиқарувчи машина ва жиҳозлар) уларнинг ишлаш усуллари, замонавий пахта, тўқимачилик, енгил саноат ишлаб чиқаришда қўлланиладиган машиналар, уларнинг афзаллик ва камчиликлари, замонавий тўқимачилик, енгил ва пахта саноати корхоналаридаги техника ва технологиялар ёрдамида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини таҳлил қилиш, корхоналарда хизмат кўрсатиш техника ва технологиялари, тўқимачилик, енгил ва пахта саноат машиналари ва жиҳозларига хизмат кўрсатиш жараёнларини қамраб олади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Тўқимачилик ва енгил саноат машинасозлигида инновацион техника ва технологиялар **модулнинг мақсад ва вазифалари:**

Модулнинг мақсади: Тўқимачилик ва енгил саноат машинасозлигида инновацион техника ва технологиялар.

Модулнинг вазифаси: пахтани дастлабки ишлаш, йигириш, тўқиши, тикув ва тикув-трикотаж ва ипак ишлаб чиқарувчи машина ва жиҳозлар уларнинг ишлаш усуллари, замонавий пахта, тўқимачилик, енгил саноат ишлаб чиқаришда қўлланиладиган машиналар, уларнинг афзаллик ва камчиликлари. замонавий тўқимачилик, енгил ва пахта саноати

корхоналаридаги техника ва технологиялар ёрдамида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини таҳлил қилиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, қўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Тўқимачилик ва енгил саноат машинасозлигида инновацион техника ва технологиялар” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- тўқимачилик, енгил ва пахта тозалаш корхоналаридаги янги техника ва технологияларни;
- тўқимачилик, енгил ва пахта саноати машина ва жиҳозлари ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолатини;
- замонавий ишлаб чиқариш технологияларидан фойдаланишининг самарали усулларини **билиши** керак.

Тингловчи:

- тўқимачилик, енгил ва пахта саноатида инновацион техника ва технологиялардан фойдаланиш;
- маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнидаги технологик машина ва жиҳозларининг долзарб муаммоларини таҳлил қилиш;
- замонавий технологик машина ва жиҳозларнинг фарқлари, афзаллик ва камчиликларини таҳлил қилиш **қўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- замонавий технологик машина ва жиҳозларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнидаги кетма-кетлик учун машина ва жиҳозлар танлаш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- тўқимачилик, енгил ва пахта саноати машина ва жиҳозлардан фойдаланишда инновацион технологияларни амалиётда қўллаш;
- хорижий технологик машина ва жиҳозларни ишлаб чиқариш жараёнига жорий қилиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Тўқимачилик ва енгил саноат машинасозлигида инновацион техника ва технологиялар” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимотлар, видеоматериаллар ва электрон-дидақтика технологиялардан; ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, “SWOT-таҳлил”, «Холосалаш» (Резюме, Beep), “Тушунчалар таҳлили”, “Брифинг” методи ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулининг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модуль мазмуни ўқув режадаги “Тармоқдаги хорижий технологик машиналар ва жиҳозлар”, “Тармоқ машина ва жиҳозларини лойиҳалашнинг замонавий усуллари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг шахсий ахборот майдонини шакллантириш, кенгайтириш ва касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласди.

Модулининг олий таълимдаги ўрни

Модуль Тўқимачилик ва енгил саноат машинасозлигида инновацион техника ва технологиялар ва улардан таълим тизимида фойдаланиш орқали таълимни самарали ташкил этишга ва сифатини тизимли орттиришга ёрдам беради.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Жами	назарий	амалий	кўчма машғулот
1.	Тўқимачилик ва енгил саноат машинасозлигида инновацион техника ва технологиялар	2	2		
2.	Механик ишлов бериш жараёнини лойиҳалаш.	2		2	
3.	Тармоқ машинасозлигида янги инновацион технологик воситалар – металл қирқувчи дастгоҳлар, мосламалар, кесувчи ва ўлчов асбоблари.	2		2	
4.	Тармоқ машинасозлигида технологик машиналарни тайёрлашда янги конструкцион материаллардан фойдаланиш.	4		4	
5.	Тўқимачилик ва енгил саноат машинасозлигида инновацион техника ва технологиялар билан жиҳозланган корхоналарда амалга оширилади	6			6
	Жами	16	2	8	6

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1- Мавзу: Тұқимачилик ва енгил саноат машинасозлигіда инновацион техника ва технологиялар

Технологик машиналар ва жиҳозлар ишлаб чиқариш. Машинасозлиқда ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлар. Машинасозлик ишлаб чиқариш турлари ва уларни технологик жараёнларини таснифи. Аниқлик ва ишчи юза сифатини таъминлаш. Юза ғадир-будурлигини меъёрлаш ва белгилаш тизими. Юза қатламини физик-механик хоссалари. Юза ғадир – будурлигига таъсир этувчи омиллар. Юза сифатини машина деталларини эксплуатацион хусусиятларига таъсири.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАЗМУНИ

1- амалий машғулот:

Механик ишлов бериш жараёнини лойихалаш.

Технологик жараённи лойихалаш учун дастлабки маълумотлар ва лойихалаш кетма-кетлиги. Дастроҳли операцияларни тузиш. Механик ишлов бериш кетма-кетлиги ва технологик воситаларни танлаш. Машинасозлиқдаги техник меъёрлаш, техник асосланган вақт меъёрлари. Технологик жараённи иқтисодий самараға эришиш усууларини танлаш.

2- амалий машғулот:

Тармоқ машинасозлигіда янги инновацион технологик воситалар – металл қирқувчи дастроҳлар, мосламалар, кесувчи ва ўлчов асбоблари.

Металларни кесиб ишлаш ва дастроҳлар. Кесувчи асбобларни асосий қисмлари. Металларни кесиб ишлаш түғрисида умумий тушунчалар. Кескич, унинг қисмлари ва элементлари. Кескич бурчаклари. Кескичлар олдинги юзасининг геометрик шакли. Асбобсозлик материаллар, кимёвий таркиби, турлари, хусусиятлари, құлланилиш доиради. Кесиш жараёнининг асосий элементлари. Кесиш тартибининг элементлари. Абразив материаллар. Механик хоссалари ва құлланилиш доиради. абразив асбобларининг қаттиқлиги, донадорлиги ва структураси. Металлқирқувчи дастроҳларнинг класификацияси ва уларда бажарыладын операциялар.

3- амалий машғулот:

Тармоқ машинасозлигіда технологик машиналарни тайёрлашда янги конструкцион материаллардан фойдаланиш.

Нометалл, композицион ва кукунли материаллар. Замонавий нометалл материаллар. Полимерлар хоссалари, ишлатилиши түғрисида умумий тушунчалар. Кукунли материаллар. Қаттиқ қотишималар ва минералокерамик қаттиқ қотишималар. Резина түғрисида маълумот. Композицион материаллартүғрисида умумий маълумотлар. Синчловчи материаллар ва уларнинг хоссалари. Нанотехнологияларни фундаментал асослари. Наноўлчамли кукунларни йигишиш усуулары.

Күчма машғулот мазмуни

Тұқимачилик ва енгил саноат машинасозлигіда инновацион техника ва технологиялар билан жихозланган корхоналарда амалга оширилади.

ҮҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги үқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиягини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хуносалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиягини ривожлантириш).

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

«ФСМУ» методи.

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуносалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуносалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникумларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хуноса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Тўқимачилик ва енгил саноат машинасозлигида инновацион техника ва технологиялар”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Кейс-стади” методи.

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади.

Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетидаги амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни камраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижা (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишириш	✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлашириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлашириш ва ўкув топшириғни белгилаш	✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўкув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсикларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ якка ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс. Америка Кўшма Штатининг «Samuel Djekson» машинасозлик фирмаси тайёрлаган технологияси билан «Kontinental Igl» машинасозлик фирмаси тайёрлаган технологияси заводга урнатилди. Маълум вактдан кейин «Kontinental Igl» машинасозлик фирмаси тайёрлаган технология нуқсонли ишлай бошлади. Яъни технология бизни толага тўғри келмади.

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гурӯҳда).
- Технологияни толага мослаштириш кетма-кетлигини изохлаб беринг

«Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи.

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари

бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу

Намуна:

Йигириш жарёнидаги технологияни ишлаб чиқарувчи фермалар

Truetzscher		Marzolli		Rieter	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

Хулоса:

“Брифинг” методи.

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишлиланган қисқа пресс-конференция.

Ўтказиш босқичлари:

- Тақдимот қисми.

2. Мұхокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг яқунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мүмкін. Шунингдек, амалий үйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо мұхокамасига бағишлиланган брифинглар ташкил этиш мүмкін бўлади. Тингловчилар томонидан тўқимачилик в енгил саноат соҳалари бўйича инновацион технологиялар бўйича тақдимотини ўтказишида ҳам фойдаланиш мүмкін.

“Ассесмент” методи.

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиликнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникумаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиликнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникумалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида таълим олувчиликнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мүмкін.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мүмкін.



Тест

Тилчаси бор игнали машиналарда ҳалқа хосил килиш жараёнини 10 та операцияси

- Тугаллаш,
- Ипни кўйиш,
- Ипни киритиш
- Илгакни сиқиши, Эски ҳалкани суриш, Ҳалқаларни бирлашиши



Қиёсий таҳлил

- Тилчали игналарда ҳалқа хосил қилиш жараёнини таҳлил қилинг?



Тушунча таҳлили

- Икки орқа томонли (тескари) ҳалқа хосил қилиш жараёни изоҳланг...



Амалий қўникум

- Ясси игнадонли трикотаж машинаси stoll (германия) ни тушунириб беринг


Венн Диаграммаси методи.

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишиган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишиган қисмига ёзадилар.

Намуна: Пиллага ишлов бериш машиналар турлари бўйича



III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

Маъруза: Тўқимачилик ва енгил саноат машинасозлигида инновацион техника ва технологиялар.

Режа:

1. Технологик машиналар ва жиҳозлар ишлаб чиқариш.
2. Аниқлик ва ишчи юза сифатини таъминлаш.

1. Технологик машиналар ва жиҳозлар ишлаб чиқариш

1.1 Асосий тушунчалар

«Технология» (грекча икки сўз: техне-санъат, моҳирлик, усталик ва логос-сўз, илм) сўзи тайёр маҳсулот олиш мақсадида тегишли ишлаб чиқариш воситалари билан хомашё, материаллар, ярим хомашёни ишлаш (қайта ишлаш) усулларини йиғмасини тизимлаштирадиган фанини англатади. Технология таркибига ишлаб чиқаришни техник назорати ҳам киради. Технологик жараённи техник-иктисодий самараборлигини таснифловчи энг муҳим кўрсаткичлар: битта маҳсулотга хомашё ва энергияни сарфи; меҳнат унумдорлиги даражаси; жараён жадаллиги; ишлаб чиқариш харажатлари; маҳсулот, буюм таннархи.

Машинасозлик технологиясини тадбиқ этиш ва ишлаб чиқиш предмети ишлов бериш турлари, тайёрламаларни танлаш, ишлов бериладиган юза сифати, ишлов бериш аниқлиги, ишлов беришдаги куйим, тайёрламаларни асослаш, юзаларни ясси цилиндрик, мураккаб шаклли ва ҳоказоларга механик ишлов бериш усуллари, кўп ишлатиладиган-корпуслар, валлар, тишли ғилдираклар ва ҳакозо деталларни тайёрлаш усуллари; йиғиш жараёнлари (деталь ва қисмларни бирикмалари таснифи, йиғиш ишларини механизасиялаш ва автоматлаштириш тамойиллари); мосламаларни лойиҳалаш ва бошқалар.

Машинасозлик технологияси техникани ривожланишига кўра доимий янгиланиб ва ўзгариб туради. Технологияни такомиллаштириш-халқ хўжалигида техник тараққиётни тезлаштиришни муҳим шартидир.

Замонавий технологияни ривожланишини асосий йўналишлари: ишлаб чиқариш кўламини ва маҳсулот сифатини таъминлаш мақсадида узилувчан, дискретли технологик жараёнлардан тинимсиз автоматлаштирилганига ўтиш; машиналар ва жиҳозларни самарали қўллаш; хомашёни, материаллар, ёқилгини тежамкор ишлатиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун чиқиндисиз технологияларни жорий этиш; мосланувчан ишлаб чиқариш тизимларини яратиш, машинасозликда роботлар ва роботлаштирилган технологик мажмуаларни кенг қўллаш ва бошқалар.

1.2. Машинасозликда ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлар.

Материаллар ва ярим хомашёдан ўзини хизмат вазифасига мос келувчи тайёр машина (буюм) олиш учун амалга оширилган барча айrim жараёнлар йиғиндисига ишлаб чиқариш жараёни дейилади.

Машинасозлик заводларида амалга ошириладиган ишлаб чиқариш жараёни, табиат буюмларини машинага айлантирувчи ҳамма ишлаб чиқариш жараёнларининг бир қисми ҳисобланади.

Тайёр машинага айлантирилгунга қадар хомашё ва ярим хомашёларни босиб ўтган барча босқичларнинг йигиндиси машинасозликдаги ишлаб чиқариш жараёни деб аталади.

У қуидагиларни ўз ичига олади:

- ишлаб чиқариш воситаларини тайёрлаш ва хизмат кўрсатиш, иш жойини ташқил қилиш;
- материал ва ярим хомашёларни қабул қилиш ва саклаш;
- машина деталларининг тайёрлашнинг барча босқичлари;
- буюм ва узелларни йифиши;
- тайёр буюм ва деталларни ташиш;
- техник назорат;
- йигилган буюмни бўлакларга ажратиш;
- тайёр маҳсулотни қадоқлаш ва бошқалар.

Берилган техник талабларга мос келадиган деталь ёки буюм олиш мақсадида материал ёки ярим хомашёни шаклини, ўлчамини, хоссаларини маълум кетма-кетликда ўзгартириш технологик жараён дейилади.

Машиналарга механик ишлов бериш технологик жараёни бутун машинани таёrlаш умумий технологик жараёнини қисми ҳисобланади. Машиналарни ишлаб чиқаришни кўпайтириш ишлаб чиқаришни оддий кенгайтиришни (экстенсификация) йўли билан эмас, балки биринчи навбатда технологик жараёнини жадаллаштириш (интенсификация) хисобига таъминланиши керак, шунинг учун машинасозлик технологиясини асосий вазифаси – юқори унумдорли технологик жараён қуришдан иборатdir.

Тайёрламаларни тайёрлаш, термик ишлов бериш, механик ишлов бериш, йифиши каби технологик жараёнларни ажратадилар. Тайёрлов таснифидаги технологик жараёнларда бошланғич материални берилган ўлчамлар ва кўринишдаги машиналар деталлари тайёрламасига айланиши қўйиш, босим остида ишлаш, сортли ёки маҳсус прокатни кесиш ҳамда комбинациялашган усулларида амалга оширилади. Термик ишлов бериш жараёнида деталь материалыни хоссларини ўзгартирувчи тузилмавий ўзгаришлар содир бўлади. Механик ишлов бериш технологик жараёни дейилганда тайёр деталь олгунча тайёрламани ҳолатини (эни геометрик шакллари, ўлчамлари ва юзалари сифатини) кетма-кет ўзгартирилиши тушунилади. Ишлов бериш учун тайёрламани дастгоҳга ўрнатилади ва маҳкамланади. Ишлов берилгандан сўнг тайёрлама дастгоҳдан есхилади, бу харакатлар тайёрлама ҳолатини ўзгартирмайди, аммо улар шунчалик ишлов бериш билан боғланганки, уларни технологик жараёндан ажратиб бўлмайди. Йифиши технологик жараёни бевосита буюм элементларини малум кетма-кетликда қисмларга (қисмни йифиши), қисмлар ва айрим деталларни буюмга йифиши (умумий йифиши) билан боғлиқ, уни амалга ошириш учун ҳам бир қатор

элементларни бирлаштириш жараёни билан узвий боғлиқ бўлган, ёрдамчи харакатларни бажариш зарур бўлади.

Технологик жараённи бажариш учун иш жойини ташқил қилиш ва жихозлаш зарур бўлади.

Бир ёки ишсхилар жамоаси иш бажариши учун белгиланган, деталь ва асобблар сақлаш стеллажи, мосламалар, технолоригик дастгоҳ жойлашган цех майдонининг бир қисми иш жойи деб аталади.

Технологик жараён операцияларга бўлинади. Бир ишчи ёки ишсхилар жамоаси бир иш жойида бажарадиган технологик жараённи тугаллаган қисмiga технологик операция дейилади.


Операциялар мазмунини бажариш кетма-кетлигини белгилаш технологик жараён лойихалаш вазифасига киради. Бу ишлаб чиқариш учун катта аҳамиятга эга, чунки технологик жараённи унумдорлиги, назорати ва режалаштириш операциялар бўйича ҳисобга олинади. Ташқилий нуқтаиназардан операция технологик жараённи асосий ва ажралмас қисми ҳисобланади. Операцияларга асосан жараённи меҳнат ҳажми, талаб этилган ишлаб чиқариш ишсхилари ва уни материал-техник таъминоти (дастгоҳлар, мосламалар, асобблар) аниқланади.

Операция бир ёки бир неча ўрнатишда бажарилиши мумкин.

Ўрнатиш деб, тайёрлама ёки йиғилаётган қисмни маҳкамлашни ўзгартирасдан бажариладиган операциянинг қисмiga айтилади.

Масалан: «деталь айланма сиртига ишлов бериш» операцияси икки марта ўрнатишга эга бўлиши мумкин (1.1-расм)

- 1-ўрнатиш – патронда бир томондан ишлов бериш (a);
- 2-ўрнатиш – патронда бошқа томондан ишлов бериш (b).



1.1-расм. Детални патронга ўрнатиш


Ишлов бериладиган деталь мосламада туриб, бурувчи қурилма ёрдамида, дастгохнинг ишчи элементига (масалан кесувчи асбоб) нисбатан ўз ҳолатини ўзгартириши ва ҳар хил ҳолатни эгаллаши мумкин.

Маҳкамланган детални қўзғатмасдан ўзгартириш жихозга нисбатан эгаллаган ҳолатларининг ҳар бири ҳолат деб аталади.

Масалан: З-шпинделли вертикал пармалаш дастгохини тешикга ишлов бериш (1.2-расм).

- I- ҳолат – тайёр детални олиб, тайёрламани махкамлаш;
- II- ҳолат – пармалаш;
- III- ҳолат – зенкерлаш;
- IV- ҳолат – разверткалаш.

Үрнatiш ва ҳолат орасидаги фарқ шундан иборатки, үрнatiшда детални мосламага нисбатан ҳолати ўзгарса, ҳолат алмаштирилганда эса деталь мосламага нисбатан ўз ҳолатини ўзгартирумайди.



1.2 -расм. Уч шпинделли вертикал пармалаш дастгохда ишлов бериш.

Операция бир ёки бир неча ўтишда бажарилиши мумкин.

Бир юзага бир ёки бир вактда таъсир қилувчи бир нечта асбобларда ишлов беришни ўз ичига олган операциянинг бир қисмига технологик ўтиш деб аталади ва у ишлов берилаётган юза, ишчи асбоб ва ишлаш тартибини доимийлиги билан таснифланади.

Ўтиш бир ёки бир неча ишчи юришда амалга оширилиши мумкин.

Юриш – ўтиш қисми бўлиб, агар юришлар бир нечта бўлса, унда бир қатламдан кесилади, улардан дастгоҳ иш тартибини ўзгартирмасдан фойдаланилади.

Тайёрламага нисбатан асбобни бир карра силжишдан ташқил топган, тайёрлама хоссаси ёки юза сифатини, шаклини, ўлчами ўзгариши билан кечадиган Технологик ўтишни тутгаллаган қисмига ишчи юриш деб аталади. Масалан: Валикни цилиндрик юзасини йўниш операцияси, бу ҳолда қора ва тоза йўниш, ҳар хил кесиш тартибига эга бўлганлиги учун операциянинг алоҳида ўтишлари бўлади.

Агар қора йўнишда қўйимни ҳаммасини бирданига олиб бўлмаса ва бир неча мартада олишга тўғри келса, ўзгармас кесиш тартибида, ҳар қатламни олиш билан боғлиқ қисми ишчи юриш бўлади.

Жилвирлашда жуда кўп юриб ўтишлар амалга оширилади. Ўтиш услубларга бўлинади.

Ишчини иш бажариш жараёнида ва унга тайёргарлик кўриш жараёнида бажариладиган алоҳида ҳаракатларни йигиндиси услуб дейилади.

Масалан: Валикни қора юнишдаги ўтиш қуйидаги услублардан ташқил топади: детални патронга ўрнatiш, детални махкамлаш, орқа бабка

марказини келтириш, дастгох ҳаракатини қўйиш, кесувчи асбобни келтириш, йўниб бўлгандан кейин дастгох ҳаракатини тўхтатиш ва хоказолар.

Ишчи услугуб ва услуг элеменларига сарф бўладиган вақтни ўрганиш асосида, янги технологик жараёнларни ишлаб чиқишида қўлда бажариладиган услубларни меъёрлаш учун фойдаланиладиган турли меъёрий жадваллар ишлаб чиқилади.

1.3. Машинасозлик ишлаб чиқариш турлари ва уларни технологик жараёнларини таснифи.

Ишлаб чиқариш дастури ҳажми, маҳсулот таснифи ҳамда ишлаб чиқаришни амалга оширишни техник ва иқтисодий шароитларга кўра барча турли –туман ишлаб чиқаришлар шартли равишида уч турга бўлинадилар: доналаб (индивидуал) серияли ва оммавий. Ишлаб чиқаришнинг бу хар хил турларида ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлар ўзига хос хусусиятларга эга ва уларни ҳар бирига ишларини ташқил этишни маълум шакли тегишли бўлади. Шуни таъкидлаш лозимки, корхонани ўзида, ҳатточи бир цехни ўзида ишлаб чиқаришни турли турлари бўлиши мумкин, яъни алоҳида маҳсулот ёки деталлар корхона ёки цехдан турли технологик тамойилларга кўра тайёрланниши мумкин: айрим деталларни тайёрлаш технологиясини доналаб, бошқалари, масалан оммавий ишлаб чиқаришга мос келади ёки айримлари-оммавийга, бошқалари эса-сериялига оид ва ҳоказо. Масалан ишлаб чиқаришни сериялисига тегишли бўлган тўқимасхилик машинасозлигига кўп миқдорда талаб этиладиган майдага деталлар оммавий ишлаб чиқариш тамойилига кўра тайёрланади.

Шундай қилиб, бутун корхона ёки цехни ишлаб чиқаришини таснифлаш ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларни устунли тасниф белгиси асосида бажарилади.

Тайёрланадиган буюм умуман такрорланмайдиган ёки ноаниқ вақт оралиғига такрорланадиган бўлса, бундай ишлаб чиқариш дейилади.

Бир иш жойида даврий такрорланишларга эга бўлмаган турли операцияларни бажарилиши, қўлланиладиган жихозларнинг универсаллиги нинг ўзига хос белгиси ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришни бу турида деталларни тайёрлаш технологик жараёни зичланган таснифга эга: битта дастгоҳда бир нечта операциялар бажарилади ва кўпинча турли конструкция ва турли материаллардан тайёрланадиган деталларга тўлиқ ишлов берилади. Турли хил ишларни бир дастгоҳда бажарилишда уни созлаш ва ростлаш ишларига кўп вақт сарфланади. да мослымалар, кесувчи ва ўлчов асбобларини универсал турлари, асосан стандартга мослари, қўлланилади.

да ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни таннархи нисбатан юқори бўлади.

Бундай ишлаб чиқариш турига буюмнинг тажрибавий намунасини тайёрлайдиган экспериментал цехлар, йирик гидротрубиналар, жуда катта металл киркувчи дастгоҳлар, прокатлаш дастгоҳлари, кемасозлик ва бошқа

шу каби маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган оғир машинасозлик корхоналари киради.

Маълум вақт оралиғида доимо такрорланиб турадиган буюмларни сериялаб ва деталларни партиялаб тайёрлашни амалга оширадиган ишлаб чиқариш сериялаб ишлаб чиқариш деб аталади. Иш жойида бир нечта даврий такрорланадиган операцияларнинг бажарилиши, деталлар партиясининг катталиги сериялаб ишлаб чиқаришнинг асосий белгиси ҳисобланади.

«Партия» тушунчаси деталлар сонига, «серия» тушунчаси эса бир вақтда ишлаб чиқаришга тушириладиган машиналар сонига тегишилдири. Партиядаги деталлар сони ва сериядаги машиналар сони турлича бўлиши мумкин.

Серияли ишлаб чиқаришда сериядаги маҳсулотлар сони, уларни таснифи ва меҳнат сарфи, йил давомида серияда қайталанишига боғлиқ ҳолда кичик серияли, ўрта серияли ва йирик серияли ишлаб чиқаришларни ажратадилар. Бундай бўлинеш машинасозликни турли тармоқлари учун шартлидир: сериядаги машиналарни сони бир бўлганда, аммо турли ўлчамли, ишлаб чиқаришни мураккаблиги, меҳнат сарфига қараб турли ишлаб чиқаришларга киритиш мумкин. (1.1-жадвал)

1.1-жадвал

Серияга кўра машиналар сонини тахминий тақсимоти

Ишлаб чиқариш тури	Сериядаги машиналар сони (катталигига кўра)		
	Йирик	ўртacha	Кичик
Кичик серияли	2-5	6-25	10-50
Ўрта серияли	6-25	26-150	51-300
Йирик серияли	25дан ортиқ	150дан ортиқ	30дан ортиқ

Серияли ишлаб чиқаришда технологик жараён асосан дифференцияллашган, яъни алоҳида дастгоҳларга бириктирилган, алоҳида бўлинган кўринишда амалга оширилади.

Бунда дастгоҳларни хар хиллари ишлатилади: универсал, ихтисослаштирилган, маҳсус, автоматлаштирилган ва ҳоказолар, айниқса сонли дастурли бошқариладиган замонавий дастгоҳлардан кенг фойдаланилади. Дастгоҳлар шундай танланиши керакки, бунда бир сериядаги машиналарни ишлаб чиқаришдан, конструкциясига кўра ундан нисбатан фарқ қиласидиган бошқа машиналар сериясини ишлаб чиқариш мумкин бўлсин.

Ихтисослаштирилган ва маҳсус мосламалар, кесувчи ва ўлчов асбобларини кенг қўлланиши, деталларни тайёрлаш технологик операциялари даврий такрорланиб туриши ҳисобига, уларга кетган харажатларни қоплайди. У ёки бу турдаги дастгоҳ, мослама кесувчи ва ўлчов асбобларини танлаш тегишли бирламчи иқтисодий ҳисоб-китоблар асосида бажарилиши керак.

Серияли ишлаб чиқариш доналабга қараганда иқтисодий нуқтаиназардан афзал, чунки бунда дастгоҳлардан ва ишсхилардан фойдаланишини

самаралиги, меңнат унумдорлигини юқорилиги маҳсулот таннархини камайтиришга олиб келади.

Бундай ишлаб чиқариш турига, одатдаги металл қиркувчи дастгохлар, күзғалмас ички ёнүв двигателлари, унча катта бўлмаган гидротурбиналар, шунингдек, тўқимасхилик машинасозлиги ишлаб чиқаришлари ва бошқалар киради.

Катта миқдордаги бир хил маҳсулотларни тайёрланиши битта ишчи жойида бир хил доимий қайталаңувчи операцияларни тинимсиз бажарилиши орқали амалга ошириладиган ишлаб чиқариш оммавий дейилади.

Оммавий ишлаб чиқариш икки күринишда бўлади:

-оқимли оммавий ишлаб чиқариш, бунда деталларни технологик жараёндаги операциялар тартибида жойлаштирилган ишчи жойлар бүйича белгиланған вақт оралығыда узлуксиз ҳаракати амалга оширилади.

Маҳсулот чиқаришга кетадиган вақт оралиғи тектеледі:

$$T = \frac{60Fg^*m}{N}, \text{ min}$$

Бу ерда: Fg –бир сменали ишда дастгоҳни йиллик иш вақти;

m-сменалар сони;

N-бир йилда ишлов бериладиган бир хил номдаги деталлар сони.

-оммавий түгри оқимли ишлаб чиқариш. Бунда хам технологик операциялар кетма-кетлигіда жойлаштирилған ишчи жойларыда деталга ишлов берилади, аммо айрим операцияларни бажаришга кетгандай вақт хил бўлади. Бунинг оқибатида баъзи дастгоҳлар олдида деталлар тўрежаиб қолади ва деталлар харакати тўхташлар билан боради. Катта сондаги маҳсулотлар чиқариш оммавий ишлаб чиқаришни ташқил этишга кетган харажатларни оқлайди ва маҳсулот таннархи серияли ишлаб чиқаришга нисбатан кам бўлади. Катта сондаги маҳсулотларни чиқаришдаги иктиносидий самародорликни қўйдагича аниқлаш мумкин:

$$n \geq \frac{C}{S_{\mathcal{E}} - S_{\mathcal{M}}}$$

бу ерда: n- маңсұлолар бирлиги сони;

S- сериялдан оммавий ишлаб чиқаришга ўтишидаги ҳаражатлар;

S_s – махсулотни серияли ишлаб чиқаришдаги таннархи;

S_m - махсулотни оммавий ишлаб чиқаришдаги таннархи:

Партиядаги деталлар сонига ва операцияни бириктириш коэффициенти қийматига боғлиқ ҳолда ишлаб чиқаришни у ёки бу турга мансублигини билиш мүмкін.

Операцияларни бириктириш коэффициенти:

$$K_{ob} = \frac{O}{P}$$

бу ерда: O - бир ой ичида бажарилиши керак бўлган ҳар хил технологик операциялар сони:

P - ҳар хил операциялар бажариладиган иш жойларининг сони.

Турли турдаги ишлаб чиқаришлар учун операцияларни биректириш коэффициенти ҳар хил қийматларга эга:

K_{ob} 1,0 - оммавий;

$1 < K_{ob} < 10$ - йирик серияли;

$10 < K_{ob} < 20$ - ўрта серияли;

$20 < K_{ob} < 40$ - майда серияли;

$K_{ob} < 40$ - доналаб.

2. Аниқлик ва ишчи юза сифатини таъминлаш

2.1. Юза ғадир-будурлигини меъёрлаш ва белгилаш тизими

Стандартга биноан **юзанинг ғадир-будурлиги** – юзанинг, масалан, асос узунлик ℓ ёрдамида ажратиб кўрсатилган нисбатан кичик қадамли нотекисликларнинг мажмуси.

Асос узунлик ℓ – юзанинг ғадир-будурлигини таснифловчи нотекисликларни ажратиш учун фойдаланиладиган асос чизик узунлиги.

Асос чизик (юза) – берилган геометрик шаклнинг чизиги (юзаси) бўлиб, профиль (юза)га нисбатан маълум тартибда ўтказилади ва юзанинг геометрик кўрсаткичларини баҳолаш учун хизмат қиласи.

Ғадир-будурлик деталь юзаки қатламларининг қириндиси ҳосил бўлиш натижасида пайдо бўлган пластик деформацияси, кесувчи қирраларнинг нотекисликлари деталь юзасида акс этиши, ишқаланиши, юзадан матерлал парчалари юлиб олиниши ва бошқа сабаблар туфайли пайдо бўлади, ғадир-будурликнинг сонли қийматлари ягона асос деб қабул қилинган профилнинг ўрта чизигидан ўлчанади.

Профилнинг ўрта чизиги – номинал профиль шаклига эга бўлган асос чизик, у шундай ўтказилганки, асос узунлик чегарасида профилнинг шу чизикдан ўртacha квадратига энг кам бўлади. Ғадир-будурликни профилнинг ўрта чизигидан бошлаб санашни ўрта чизик саноқ тизими деб атасади, бунда ўрта чизик м ҳарфи билан белгиланади. Агар ғадир-будурликни ўлчаш учун юзанинг ℓ узунлигига teng бўлган қисми танланган бўлса, қадами ℓ дан ортиқ бўлган нотекисликлар (масалан, тўлқинсимонлик) ҳисобга олинмайди. Прибор кўрсаткичлари ёйилишини ва нотекисликлар тузилиши бир хил бўлмаслигини ҳисобга олиб, ғадир-будурликни ишончли баҳолаш учун ўлчашни юзанинг ҳар хил жойларида бир неча марта қайтариш, ўлчаш натижаси сифатида бир нечта баҳолаш узунликларида ўлчанганд ғадир-будурликларнинг ўртacha арифметик қийматини қабул қилиш лозим.

Баҳолаш узунлиги L – ғадир-будурлик кўрсаткичларининг қийматлари баҳоланадиган узунлик. Унинг таркибида бир ёки бир нечта асос узунлик ℓ бўлиши мумкин. Асос узунлик ℓ нинг қийматлари қуйидаги қатордан танланади 0,01; 0,03; 0,08; 0,25; 0,80; 2,5; 8; 25 mm.

Ўзбекистон Республикаси Стандартига (O'zRST 646-95) биноан буюмларнинг қандай ашёдан ва усулда тайёрланганлигидан қатъи назар улар


юзасининг ғадир-будурлигини миқдорий равишда битта ёки бир нечта кўрсаткичлар орқали баҳолаш мумкин:

- профилнинг ўртача арифметиги - R_a ;
- профиль нотекисликларининг ўнта нуқтаси бўйича аниқланган баландииги - R_z ;
- профиль нотекисликларининг энг катта баландииги- R_{max} ;
- профиль нотекисликларининг ўртача қадами - S_m ;
- профиль маҳаллий чиқиқларининг ўртача қадами S , профилнинг нисбий таянч узунлиги l_p (3.1 расм).

R_a кўрсаткичи афзал ҳисобланади.

Стандарт тук билан қопланган ва шунга ўхшаш юзалар учун қўлланилмайди. Стандартга, шунингдек, материаллардаги нуқсонлар (ғоваклар, каваклар, дарзлар) ёки тасодифий пайдо бўлган шикастлар (тирналган, эзилган ва шунга ўхшаш жойлар) учун ҳам амал қилинмайди.

R_a кўрсаткичи ҳамма профиль нотекисликларининг баландиигини, R_z кўрсаткичи энг баланд профиль нотекисликларининг ўртача баландиигини, R_{max} кўрсаткичи профилнинг энг катта баландиигини таърифлайди. S_m , S ва l_p қадам кўрсаткичлари нотекисликлар ажralиб турадиган нуқталарнинг шакли ва жойлашишини ҳисобга олиш учун киритилган, бу кўрсаткичлар профилнинг спектрал таснифини таърифлайди ва уларни меъёrlаш имконини беради.



3.1-расм.Юзанинг профильограммаси ва ғадир-будурликнинг асосий кўрсаткичлари.

Нотекисликлар баландицлари билан боғлиқ ғадир-будурликларнинг кўрсаткичлари.

Профилнинг ўртача арифметик оғиши R_a – асос узунлик (ℓ) чегарасида профиль оғиши мутлақ ўлчамларининг ўртача арифметик қиймати, яъни:

$$R_a = \frac{1}{\ell} \int |y(x)| dx \text{ ёки}$$

$$R_a = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n |y_i|,$$

бу ерда; ℓ – асос узунлик; n – асос узунлик чегарасида танланган профиль нүкталарининг сони; y_i – профилнинг танланган нүктаси билан ўрта чизик орасидаги масофанинг мутлоқ қиймати.

Профиль нотекисликларининг ўнта нүктаси бўйича аниқланган баландииги R_z – асос узунлик(ℓ) чегарасида профилнинг энг катта бешта чўққи баландииги ва бешта чукурчаси чукурлиги ўртача мутлоқ қийматларининг йигиндиси,

$$R_z = \frac{1}{5} \left[\sum_{i=1}^5 |y_{pi}| + \sum_{i=1}^5 |y_{vi}| \right]$$

бу ерда; y_{pi} -профилнинг энг катта i чўққининг баландииги; y_{vi} - профилнинг энг катта i чукурчасининг чукурлиги.

Ғадир-будурлик кўрсаткичлари ва унинг сонли қийматларини танлаш. Деталлар юзаларининг ғадир-будурлигига бўлган талаблар буюмнинг сифатини таъминлаш учун юза вазифасига қараб жорий қилиниши лозим. Агар бунга зарурият бўлмаса, юзанинг ғадир-будурлиги назорат қилинмайди. Кўриб чиқилган кўрсаткичлар мажмуи ҳар хил вазифали юзалар учун асосланган ғадир-будурликларини белгилаш имконини туғдиради.

Масалан, маъсулиятли деталларнинг ишқаланувчи юзалари учун R_a (yoki R_z), R_{max} ва t_p нинг жоиз қийматлари ҳамда нотекисликларнинг йўналиши, даврий юкланган маъсулиятли деталларнинг юзалари учун R_{max} , S_m , S ва бошқалар тайинланади. R_a ёки R_z кўрсаткичларини танлашда шуни кўзда тутиш керакки, R_a кўрсаткичи ғадир-будурликни тўлароқ баҳолайди, чунки уни аниқлаш учун ҳақиқий профилнинг кўп нүкталаридан унинг ўрта чизигигача бўлган масофалар ўлчанади ва жамланади. R_z кўрсаткичини аниқлаш учун эса нотекисликларнинг фақат бешта чиқиқ ва чукурча орасидаги масофа ўлчанади холос [7].

R_a кўрсаткичи бўйича деталнинг фойдаланиш кўрсаткичларига нотекисликлар шаклининг таъсири бўлмайди, чунки нотекисликлар шакли ҳар хил бўлсада R_a нинг қиймати бир хил бўлиши мумкин. Масалан, 3.2-расмда кўрсатилган нотекисликлар ҳар хил шаклга эга, лекин R_a нинг қийматлари бир хил. Ғадир-будурлик хусусиятларини яхшироқ баҳолаш учун унинг баландиик, қадам ҳамда шакл кўрсаткичи t_p ни билиш лозим.

Маъсулиятсиз юзалар учун ғадир-будурлик техникавий эстетика, коррозион чидамлик ва ишлаш технологиясига қараб белгиланади. Юза ғадир-будурлигига бўлган талаблар кўрсаткичининг (битта ёки бир нечтасини) сонли қиймати (энг катта, энг кичик, ва номинал қийматлар оралиғи) ҳамда меъёрланиши лозим бўлган асос узунлигини кўрсатиш билан жорий қилинади. Умумий ҳолда ℓ нинг қиймати R_a , R_z , ва R_{max} кўрсаткичларининг жоиз қийматлари бўйича 3.1 жадвалга биноан танланади.

Тарангли ўтқизмаларнинг ейилишга чидамлилиги, контакт бикрлиги, мустаҳкамлиги ва биритирилган деталлар юзаларининг бошқа фойдаланиш хусусиятлари kontaktнинг ҳақиқий майдонига боғлиқ. Ишчи юкланиши остида ҳосил бўладиган таянч майдонини аниқлаш учун профиль нисбий таянч узунлиги t_p нинг эгри чизиклари кўринади. Бунинг учун чиқиқлар ва


чуқурчалар чизиқлари орасидаги масофа түнг тегишили қийматлари бўйича бир нечта профиль кесимининг сатхларига бўлинади, ҳар бир кесим учун t_p қиймати аниқланади ва таянч узунлиги ўзгаришининг эгри чизиги кўрилади t_p қийматини танлашда шуни кўзда тутиш керакки, унинг катталашиши билан ишлов бериш борган сари кўпроқ меҳнат талаб қиладиган жараёнлар кўлланади; масалан, $t_p = 25\%$ бўлса токар дастгоҳида тоза ишлов бериш, $t_p=40\%$ бўлса хонлаш (инглизча ҳонинг – чархлаш, яъни абразив чорқирра доиралар билан ишлов бериш, доиралар хам айланади хам олди-орқага ҳаракат қиласи) зарур.

R_a, R_{max}, R_z ва асос узунлиги ℓ ўртасидаги боғланиш

3.1-жадвал

R_a , mkm.	$R_z = R_{max}$, Mkm	ℓ , mm	R_a , mkm	$R_z = R_{max}$, mkm	ℓ , mm
0,025 gacha	0,10 gacha	0,08	3,2 dan	12,5 dan	2,5
0,025 dan ortiq 0,4 gacha	0,10 dan ortiq 1,6 gacha	0,25	ortiq 12,5 gacha	ortiq 50 gacha	
0,4 dan ortiq 3,2 gacha	1,6 dan ortiq 12, gacha	0,8	12,dan ortiq 100 gacha	50 dan ortiq 400 gacha	8

Агар R_a , R_z , ва R_{max} кўрсаткичлари 3.1 жадвалда кўрсатилган асос узунликда аниқланиши зарур бўлса, ғадир-будурликка бўлган талабларда унинг қиймати кўрсатилмайди. Кўрсаткичларнинг номинал қийматлари ғадир-будурлик кўрсаткичлари ўрта қийматларининг номинал қийматидан жоиз оғишлари % ҳисобида кўрсатилиши лозим, масалан, 10, 20, ёки 40 %. оғишлар бир томонлама ёки симметрик бўлиши мумкин [8].



3.2-расм. Ҳар хил шаклли, лекин R_a нинг бир қийматига эга бўлган юза нотекисликлари профилларининг схемаси

Кўрсаткичларнинг номинал қиймати кўрсатилган ғадир-будурликка бўлган талаблар факат маъсулиятли деталларга жорий этилиши тавсия қилинади. Юза ғадир-будурлигига талаблар жорий қилинмаган бўлса юза назорат қилинмайди.

Нотекисликлар йўналишига бўлган талаблар асосланган ҳолларда ва у юзанинг сифатини таъминловчи ягона усул бўлса, ишлов усули (ёки усууларнинг кетма-кетлиги) кўрсатилади. Энг кичик ишқаланиш

коэффициенти ва ишқаланувчи деталларнинг ейилиши ҳаракати ва нотекисликлар йўналишлари бир-бирига мос келмаганда, масалан, суперфинишлаш ёки хонлаш жараёнида ҳосил бўлган нотекисликларнинг ихтиёрий йўналишида таъминланади.

2.2. Юза қатламини физик-механик хоссалари

Машина деталлари юза қатламини физик-механик хоссалари ишлов бериш жараёнида куч ва иссиқлик омилларини йиғма таъсири натижасида ўзгаради. Тифли асбоблар билан ишлов беришда нисбатан куч омиллари кўпроқ таъсир кўрсатади, бунинг натижасида металл тузилиши бузилади, кристаллар бурилади ва силжийди ҳамда юза қатламида микроқаттиқликни ўсиши ва қовушқоқликни пасайишини ифодаловчи наклёт ҳосил бўлади.

Наклётлаш чукурлиги ва қолдик кучланиш ишлов берилаётган материал сифати ва механик ишлов бериш шароитларига боғлиқ бўлади, уларга шунингдек металл юза қатламларини маҳаллий қизиши катта таъсир кўрсатади.

Юза қатламда ишлов бериш тартибларига боғлиқ бўлган мусбат ёки манфий қолдик кучланишлар пайдо бўлади. Тайёрламаларга механик ишлов беришда юза қатламда қолдик кучланишларни пайдо бўлишига қуйидагилар сабаб бўлади:

-ишлов берилаётган материал юзасига кесувчи асбобни таъсири натижасида, уни юза қатламида пластик деформация боради ва у метални баъзи бир физик хоссаларини ўзгаришига ва метални мустаҳкамланишига олиб келади.

Пластик деформацияланган металлни юза қатламида зичлигини камайиши туфайли хажмини ошишига, у билан боғлиқ бўлган ва деформациялашмаган қуий қатламлари тўсқинлик қиласи, бунинг натижасида ташқи қатламда сиқувчи, қуий қатламларда эса – чўзилувчи қолдик кучланишлар ҳосил бўлади;

-кесиш жойида ҳосил бўлаётган иссиқлик металлни ингичка юза қатламларини бир зумда юқори температураларгача қизитади ва натижада уни нисбий ҳажми ортади.

Кесувчи асбобни таъсири тўхтатилгандан сўнг, металл юза қатлами тезда совийди ва у юзани сиқилишига олиб келади, бунга совуқ ҳолда қолган қуий қатламлар тўсқинлик қиласи. Бунинг натижасида металлни юза қатламларида чўзилувчан қолдик кучланишлар, а қуий қатламларда эса – уларни мувозанатловчи сиқилувчан кучланишлари ривожланади [7].

Кесиш тартибларини ва ишлов бериш шароитларини ўзгариши металлни қизиш хароратларини ортишига, иссиқлик омилларини ошишига ва чўзилиш – сиқилиш қолдик кучланишларини ўсишига сабаб бўлади. Шунингдек, асбобни ейилиши ва ўтмаслашиб қолиши уни орқа юзасини ишлов берилган юзага ишқаланишини оширади, бу эса нисбатан катта чукурликка тарқалувчи чўзилувчан қолдик кучланишларни шакланишига олиб келади.

Қолдиқ күчланишларини шаклланиши учун металларни кимёвий таркиби, уни мустаҳкамлиги, иссиқ ўтказувчанлиги ва бошқа физика ва механик хоссалари катта аҳамиятга эгадир.


2.3.Юзағадир – будурлигига таъсир этувчи омиллар

Механик ишлов берилган юзани ғадир – будурлигига таъсир этувчи барча турли – туман омилларни уч асосий гурухга бўлиш мумкин:

- кесиш жараёни геометрияси билан боғлиқ геометрик сабаблар;
- ишлов берилган материални пластик ва эластик деформацияланиши;
- ишлов берилаётган юзага нисбатан кесувчи асбобни титрашини пайдо бўлиши.

Геометрик сабабларга - нотекисликларни пайдо бўлишини кесувчи қирралар шакли ва ҳаракат траекториясини ишлов берилаётган юзага туширилиши билан изоҳланади. Геометрик нуқтаи–назардан нотекисликларни катталиги, шакли ва ўзаро жойлашуви кесувчи қирраларни шакли ва ҳолати ва кесиш тартибларини кесувчи тифини ишлов берилаётган юзага нисбатан ҳаракат траекториясини ўзгаришига таъсир кўрсатувчи элементлари билан аниқланади.

Тайёрламани бир айланишида кескич суриш катталигига силжийди (мм/айл) ва 1 ҳолатдан 2-чисига ўтади (а). бунда ишлов берилган юзада кескич билан олиб ташланмаган маълум металл қисми қолади ва қолдиқ нотекислик “ m ” ҳосил бўлади. Кўриниб турибдики, юза нотекисликларини шакли ва катталиги суриш C_1 ва кесувчи асбоб шакли билан аниқланади (3.8 – расм).



3.8 – расм. Ғадир-будурлик ҳосил бўлишини геометрик сабаблари

Масалан, суриш қийматини S_2 гача камайтирилганда нотекислик баландииги R_z камаяди (б). Режадаги бурчаклар ϕ ва ϕ_1 ни ўзгариши нафақат

баландиикка, балки юза шаклига ҳам таъсир күрсатади (в). Чүккиси думалоқлаштирилган кескичларни қўллаш юза нотекислигини камайтиради (д). Думалоқлаштириш радиусини катталаштириш ғадир-будурлик баландииги R_z ни камайтиради.

Токарлашда ғадир-будурликни ҳосил бўлишини геометрик нуқтаи-назардан юқоридагидек R_z нотекисликларни суриш қиймати S ва кескич учидаги думалоқлаштириш радиуси r га боғлиқ ҳолда аниқлаш таклиф этилган, яъни:

$$R_z = \frac{S^2}{8r}$$


Кесувчи асбобни тайёрлашда ва у ўтмаслашиб қолганда асбобни кесувчи қиррасида нотекисликлар ва ўйиқчалар ҳосил бўлиб, улар маълум тарзда ишлов берилган юза ғадир-будурлигини оширади. Асбоб тигини нотекислигини ишлов берилган юза ғадир-будурлигига таъсири айниқса кичик суришлар билан нафис токарлашда, тиф нотекислиги R_z катталиги билан яқин тенг бўлганда, айниқса сезиларли бўлади.

Кесувчи асбоб ўтмаслашиб қолганда ваунда ўйиқчалар пайдо бўлганда ишлов берилган юза ғадир – будурлиги токарлашда – 50-60%, фрезерлашда - 30-115%, пармалашда – 30-40% ва развёрткалашда – 20-30% ортади.

Ишлов берилган юза ғадир-будурлигини ошишига, шунингдек кесиш тифини думалоқлаштириш радиусини ошиши ҳам сабаб бўлади, у металл юзасидан деформацияланишини оширади ва натижада юза ғадир-будурлиги ҳам ортади. Юқоридаги салбий сабабларини йўқотиш учун асбоб сифатли ва ўз вақтида қайта чархланиши керак.

Металл юза қатламини пластик ва эластик деформацияланиши. Металларга кесиш билан ишлов берилганда металл юза қатлами пластик деформацияланади ва натижада ишлов берилган юза нотекисликлари шакли ва ўлчамлари кескин ўзгаради ва одатда бунда ғадир-будурлик ортади.

Мўрт металларга ишлов беришда метални айрим заррачаларини толиқиши кузатилади ва бу ҳам нотекисликлар баландииги ва шаклини ўзгаришига олиб келади. Кесиш тезлиги токарли ишлов беришда пластик деформацияланишни ривожланишига энг сезиларли таъсир кўрсатувчи омиллардан биридир (3.9-расм).




3.9-расм. Кесиш тезлигини юза ғадир-будурлигига таъсири

Кесиш тезлиги катталигини 40 м/мин гача оширишда микронотекисликлар баландииги энг юқори қийматга эга бўлади. Бунда катта

иссиқлик миқдори ажралиб чиқиши натижасыда, чиқаётган қиринді кескич орқа ва олдинги юзасыга босувчи күчлар таъсирида олдинги юзага пластик ёпишиб ўсимта ҳосил қиласылар. Тезликни янада оширишда ўсимта мұртлашади ва 60-70 м/мин. тезликдан сүнг йўқ бўлади, юза ғадир-будурликлари баландииги камаяди.

Турли хил ишлов бериш усулларида суришни юза ғадир-будурлигига таъсири турлича бўлади. Режадаги бурчаги 45^0 бўлган стандарт ўтувчи кескич ва чўққисини кичик радиус билан думалоқлаштирилганда суришни таъсири анча сезиларли бўлади (1-эгри чизик). Кенг кесувчи қиррали кескичлар ишлатилганда суриш ғадир-будурликка деярли таъсир кўрсатмайди (2-эгри чизик) (3.10-расм).

Тешикларни пармалаш ва зенкерлашда, ёнли ва цилиндрик фрезалашда ва бошқа ишлов бериш усулларида суриш катталигини юза ғадир-будурлигига таъсири нисбатан паст бўлади.



3.10– расм. Суришни юза ғадир-будурлигига таъсири

Кесиш чуқурлигини юза ғадир-будурлигига таъсири ҳам паст. Микронотекисликлар, шунингдек, асбобни орқа юзасини ишлов берилаётган юза бўйича ишқаланишидан ҳам келиб чиқади ва у кесувчи асбобни ейилиши билан ортади.


Юза ғадир – будурлигига тайёрлама материалини механик хоссалари, кимёвий таркиби ва тузилиши таъсир кўрсатади.

Ишлов берилаётган материал қаттиқлигини ортишида юза ғадир-будурлиги баландииги камаяди, қовушқоқлиги юқори бўлган материалларга ишлов беришда эса, ортади.

Ишлов бериш жараёнида мойловчи – совитувчи суюқликларни қўллаш юза ғадир – будурлигини, уларни ишлатмаган холга қараганда 25-40% га камайтиради.

DMAD технологик тизими бикрлиги юза ғадир – будурлигига таъсири. Ишлов бериш натижасыда олинадиган юза ғадир – будурлигига DMAD технологик тизими бикрлиги катта таъсир кўрсатади. Тайёрламани сиқиши шароитларидан келиб чиқсан турли хил кесимлардаги бикрликни доимий бўлмаслиги ғадир – будурликни ҳам ўзгаришига сабаб бўлади. Ишлов берилаётган вални консол маҳкамланганда юза ғадир – будурлиги вални эркин қисмида ортади. (3.11,а– расм). Вални марказларга ўрнатиб ишлов берилганда вал узунлигини уни диаметрига нисбатига кўра, юза ғадир – будурлиги 3.11 – расм, д,э қўрсатилгандек ўзгаради.

Юза ғадир-будурлиги, DMAD технологик тизимини бикрлигини ўйнаши ҳисобига, 1-2 синф оралиғида ўзгаради.



3.12 – расм. DMAD тизими бикрлигини юза ғадир-будурлигига таъсири

Технологик тизим элементларини титраши асбоб кесувчи тифи ҳолатини ишлов берилаётган юзага нисбатан даврий равишда ўзгартириб туради, яъни нотекисликлар яратади. Титраш жараёнига тизим бикрлиги, уни бўғинларидағи тирқишлиар, айланувчан қисмларни номувозанатлиги, юритмалар носозлиги ва бошқалар сабаб бўлади[13].


2.4. Юза сифатини машина деталларини эксплуатацион хусусиятларига таъсири.

Машинани талаб этилган сифатини таъминлаш ва уни бошланғич ҳолатини узоқ муддат сақлаш асосан уларни деталларини юзалари сифатига боғлик бўлади. Машиналарни ишдан чиқишига асосий сабаб (80% гача) – деталлар юзаларини ейилишидир.

Деталь юзаларини ейилишига макронотекисликлар, тўлқинсимонлик ва микронотекисликлар таъсир кўрсатадилар.

Макронотекисликлар ва тўлқинсимонликда юзаларни ейилиши нотекис боради. Олдин юзани чиқиб турган қисмлари ейилади. Микронотекисликларда ҳам биринчи навбатда чўққилар деформацияланади ва эзилади. Мойловчи қатлам юзада нисбий босим маълум қийматдан ошиб кетмагунча ушлаб турилади. Ишқаланувчи юзалар асосан чиқиб турувчи қисмлари билан контактда бўлганлари туфайли, бу ерда мойловчи суюқлик сизиб чиқарилади ва қуруқ ишқаланиш содир бўлади.

Ишқаланувчи юзаларни ейилиши маълум эгри чизик бўйича боради (3.13 – расм) I қисм-бирламчи ейилиш даври, II қисм – меъёрли, эксплуатацион ейилиш даври у ишни тўғри олиб боришида ва мойлашни яхши амалга оширишда узоқ муддат давом этади, III қисм – ҳалокатли ейилиш даври.



3.13 – расм. Ишқаланувчи юзаларни ейилиши

1 – әгри чизиқ ғадир – будурлиги юқори бўлган юза ейилишини, 2 – әгри чизиқ эса ғадир – будурлиги кичик бўлган юза ейилишини ифодалайди. Кўриниб турибдики, иккинчи ҳолда бирламчи ейилиш катталиги ва вақти камаяди, эксплуатацион меъёри ейилиш даври эса ўзгармай қолади.

Бирламчи ейилишга микронотекисликларни шакли ва баландииги таъсир кўрсатади. Ўткир қиррали микронотекисликлар ясси қирралига қараганда тезроқ ейилади. Бирикмадаги деталлар юзаларини ғадир-будурлиги асосан ейилишни бошланғич даврда таъсир кўрсатади. Меъёри эксплуатасия даврида ейилиш юза қатламларини физик-механик хоссалари ва ишқаланаётган жуфтликни ишлаш тартиблари (сирпаниш тезлиги, юклама, мойлаш таснифи) билан аниқланади. Кесиб ишлаш жараёнида ҳосил бўлган наклён юза ейилишини 1,5-2 мартага камайтиради. Ейилишни камайтиришга юза қатламини қаттиқлиги, тузилиши ва кимёвий таркиби таъсир қиласи.

Бирламчи ейилишни камайтириш орқали ишқаланаётган деталларни ейилишига бардошиигини ошириш учун ишлаган деталь юзаларидаги ғадир-будурликка мос юзалар яратиш керак. Қатламда сиқилувчан қолдиқ кучланишлар бўлиши ейилишни бирмунча камайтиради.

Қўзғалмас бирикмаларни сифати. Икки детални қўзғалмас, мустаҳкам бирикмасини олиш учун ғадир – будурлик синфи етарлича юқори, микронотекисликлар имкони борича кичик бўлишлари керак. Пресслаганда микронотекисликлар чўққилари эзилади ва бирлашаётган деталлар диаметри ўзгаради. Пресслаш кучи ва таранглик ҳисоб – китобларга қараганда кичикроқ бўлади, чунки ҳисоблар микронотекисликлар чўққилари бўйича ўлчангандан ўлчам асосида бажарилган. Бирлашаётган деталларни юзалари ғадир – будурликлари нисбатан паст бўлганда бирикмалар сифати ва пухталиги ортади. Пресслаш қайтарилигандан таранглик камаяди, нотекисликлар силлиқлашиб қолади ва бирикма кучсиз чиқади.

Деталлар мустаҳкамлиги. Юза сифати деталларни мустаҳкамлигига, айниқса ўзгарувчан юкламаларда, катта таъсир кўрсатади. Детални бузилишига олиб келадиган кучланишлар контсетрацияси уни юзасини нотекислиги натижасида келиб чиқади. Юза қатламида наклён ва сиқилиш кучланишларини бўлиши деталларни (пружиналар, ресорлар)

мустаҳкамлигини бир неча марта оширади, чўзилувчан кучланишларни бўлиши эса камайтиради. Юза ғадир-будурлиги, шунингдек, бирималарни мойлаш, ишқаланиш, иссиқлик ўтказувчанлик ва герметиклик шароитларига, юзаларни нурни қайтариш ва ютиш қобилятига, кувурларда газ ва суюқликларни оқиш қаршилигига, гидравлик машиналарни кавитацион бузилишига, юзалар ва туташмаларни бошқа таснифларига таъсир кўрсатади.

Машина деталларини толиқишига мустаҳкамлиги қўпчилик ҳолларда юза қатламидаги қолдиқ кучланишларни катталиги, ишораси ва тарқалиши чуқурлиги билан белгиланади. Нафис ишлов бериш усуллари билан олинган юқори юза тозалиги толиқишига мустаҳкамликни кескин оширади, чунки микронотекисликлар қанчалик кам бўлса, металлни толиқишидан юзасида дарз кетиш эҳтимоллари камаяди.

Коррозияга қаршилик. Металл деталларни юзаларини коррозияланишини газлар, суюқликлар, атмосфера таъсири келтириб чиқаради. Ишлов берилган юза ғадир-будурлиги қанча катта бўлса, шунчалик коррозия кучли бўлади. Юза сифатини ошириш коррозияга чадамлиликни кескин оширади.

Қўпол ғадир – будур юзаларда коррозияни келтириб чиқарувчи моддалар чуқурча ва ўйикчаларда ўтириб қолади, улар металл қатламини ўйиб, янги юзалар очиб коррозияни кучайтиради. Юзада наклёт бўлиши коррозияни 1,5-2 марта тезлаштиради, чунки бундай юзада микродарзлар кўп бўлади.

Машинасозликда, шунингдек, машина деталларини чидамлилиги ва ейилишга турғунлигига тегишили кўрсатгичлар муҳим аҳамият касб этади. Масалан, наклётланган деталларни чархлашга чидамлилиги 30-80% га, ейилишга турғунлиги эса 2-3 марта ортади ва бунда наклёт таснифи ва юза тозалиги керакли даражада бўлиши керак[10].

Машина деталларини ишлаш мудаттлари ва пухталигига металл юза қатламини роликлар билан обкаткалаш, маҳсус наклёт, термик ва кимёвий – термик ишлов бериш каби жиловловчи ва мустаҳкамловчи операциялар сезиларли даражада таъсир кўрсатадилар. Механик ишлов бериш усуллари ва тартибларини ўзгариши юзани айрим таснифларини ўзгартиради ва бу эса, ўз навбатида, деталларни эксплуатацион хусусиятларини ўзгартиради. Шунингдек, машиналарни юқори жавобгарликдаги деталларини тайёрлаш ва уларни қайта тиклашда металл юза қатламини сифатини, уни берилган иш шароитларида деталь ва бутун машинани ишлаш қобилятига таъсири ҳисобга олиниши талаб этилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Машинасозлик технологияси фанини ўрганиш предмети?
2. Машинасозлик технологияси фанини асосий хусусиятлари?
3. Ишлаб чиқариш жараёни тўғрисида тушунча?
4. Технологик жараён тўғрисига тушунча?
5. Технологик жараённи таркибий элементлари?

6. “Операция” тушунчасини изоҳланг?
7. “Ўтиш” тушунчасини изоҳланг?
8. “Юриш” тушунчасини изоҳланг?
9. Иш жойини изоҳланг?
- 10.“Ҳолат” тушунчасини изоҳланг?
11. Серияли ишлаб чиқариш ҳусусиятлари?
12. Операцияни бириткириш коэффициенти орқали ишлаб чиқариш турларини аниқлаш
13. Оммавий ишлаб чиқариш ҳусусиятлари?
14. Қандай белгиларга қараб ишлаб чиқариш турлари ажратилади?
15. Ишлаб чиқариш турлари нечига бўлинади?
16. Оммавий ишлаб чиқариш турлари?
17. Серияли ишлаб чиқариш турлари?
18. Деталлар партиясига ишлов беришни тушунтиринг?
19. “Такт” тушунчасини изоҳланг?
20. Юза ғадир-будурлиги деб нима аталади?
21. Асос чизиқ, асос узунлик, профилнинг ўрта чизиги деб нималар аталади?
22. Профилнинг ўртача арифметик Ра деб нима аталади?
23. Профиль нотекисларининг ўнта нуқтаси бўйича аниқланган баландииги P_3 деб нимага аталади?
24. Профиль нотекисликларининг энг катта баландииги P_{\max} деб нимага аталади?
25. Профиль нотекисликларининг ўртача қадами C_m деб нима аталади?
26. Маҳаллий профиль чиқиқларининг ўртача қадами C деб нима аталади?
27. Профиль таянч узунлиги η_p деб нима аталади?
28. Профилнинг нисбий таянч узунлиги t_p деб нима аталади?
29. Профиль кесимининг сатҳи p деб нима аталади?
30. Ишлов берилган юза сифати қандай кўрсаткичлар билан баҳоланади.
31. Ишлов берилган юзани макро- ва микрогеометрияси.
32. Юза ғадир – будурлиги тушунчасини изоҳланг.
33. Юза ғадир – будурлигига таъсир этувчи омиллар.
34. Нечта ғадир – будурлик синфи мавжуд?
35. Ишлов берилган юзани физик-механик хосаларини изоҳланг.
36. Юза сифатини эйилишига таъсири?
37. Юза сифатини мустаҳкамликка тасири?
38. Юза сифатини коррозияга тасири?
39. Советувчи-мойловчи суюқликларни юза сифатига тасири?
40. ДМАД технологик тизимини юза ғадир-будурлигига тасири?
41. Кесиш тартибларини юза ғадир-будурлигига таъсири?

1-МАЛИЙ МАШГУЛОТ

Механик ишлов бериш жараёнини лойихалаш

Ишдан мақсад: Механик ишлов бериш жараёнини лойихалашда дастгоҳли операцияларни тузиш, механик ишлов бериш кетма-кетлиги ва технологик воситаларни танлаш, машинасозликдаги техник мөъёрлаш, техник асосланган вақт мөъёрлари ҳамда технологик жараённи иқтисодий самарага эришиш усулларини танлашни ўргатишдан иборат.

Технологик жараённи лойихалаш учун дастлабки маълумотлар ва войиҳалаш кетма-кетлиги.

Механик ишлов бериш жараёнини лойихалаш учун дастлабки маълумотлар бўлиб детални ишчи чизмаси ва ишлаб чиқариш дастури ҳисобланади. Ишчи чизмада детални таснифловчи барча қўрсатмалар: керакли сондаги проекцияси ўлчамлари; жоизликлари, ишлов берилган юза ғадир-будирликлари, матерлал маркаси, матерлал қаттиқлиги ва термик ишлов бериш усули, битта буюмдаги деталлар сони, детални хизмат вазифаси талаблари каби кўрсаткичлар келтирилган бўлиши керак .

Етарли даражада тўла ишланмаган ишчи чизма қатор жиддий носозликларни ва нуқсон деталлар фоизини ошишини келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун технологик жараённи лойихалашдан олдин ишчи чизмани яхшилаб ўрганиш, таҳлил этиш ва агар керак бўлса берилган детални ишлов бериш шароитларига аниқлик киритиш учун конструктор билан келишган ҳолда барча керакли ўзгаришларни амалга ошириш керак бўлади.

Ишлаб чиқариш дастури, одатда вақт бирлигига (йил, чорак, ой) талаб қилинган машиналар сони кўринишида берилади, бу дастур ва машинанинг умумий чизмалари бўйича берилган цехда вақт бирлиги ичida тайёрланиши керак бўлган у ёки бошқа номдаги деталлар сонини аниқлаш мумкин. Бу маълумотлар, самаралироқ технологик жараёнларни, жиҳозлар турларини, асбоблар, технологик таъминот хажмини, механизациялаштириш ва автоматлаштириш даражаларини танлаш учун талаб қилинади. Масалан: агар тайёрланадиган бир номли деталлар сони кўп бўлмаса, универсал дастгоҳлардан фойдаланишга тўғри келади ва автоматлаштириш даражаси кичик бўлади. Агарда деталлар сони кўп бўлса маҳсуслаштирилган жиҳозлар, маҳсус мосламаларга эҳтиёж бўлади ва алоҳида жараёнларни механизациялаштириш ва автоматлаштириш учун катта имконият очилади [8].

Шунингдек, тайёрлама ва жиҳозлар тўғрисида маълумотлар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Технологик жараённи лойихалаш учун, асосан оммавий ишлаб чиқаришда детални ишчи чизмасидан ташқари тайёрламани ҳам чизмаси бўлиши керак, у тайёрлама ўрнатиладиган ва маҳкамланадиган мосламани конструкциялаш ва хисоблаш учун зарур.

Фақат тайёрлама шакли бўйича оддий бўлган холларда ва кичик серияли ишлаб чиқариш жараёнларини лойихалашда берилган тайёрлама учун қуйим ўлчамлари тўғрисидаги кўрсатмалар билангина ёки тайёрламани маълум турлари-қуйма, болғалаш, прокат ва босим учун қўйимларни умумий жадвали билангина чекланилади ва тайёрламани чизмаси берилмайди.

Тўғри ишлаб чиқилган технологик жараён, шунингдек, жиҳозларни таснифловчи маълумотларга ҳам боғлиқ бўлади, бу маълумотлар дастгоҳ паспортида берилади. Масалан, токарлик дастгоҳининг паспортида қуидаги маълумотлар берилган: марказлар баландииги, марказлар орасидаги масофа, шпинделнинг айланишлар частотаси, мотор куввати, узатишлар катталиклари, шпинделнинг рухсат этилган буровчи моменти ва бошқалар.

Тайёрламани ташқи ўлчамларини билган ҳолда ва марказлар баландииги, улар орасидаги масофа бўйича, берилган деталга ишлов бериш учун тегишили дастгоҳни танлаш мумкин. Мавжуд корхона ишлаб чиқаришда бор бўлган жиҳозлардан фойдаланиш, яъни технологик жараён янги жиҳозларга мўлжалланмасдан корхонада мавжуд бўлган жиҳозларга мосланиши керак бўлади.

Аммо янги ишлаб чиқаришни лойихалашда шунингдек алоҳида шартлар бўлиши мумкин. Корхона қурилиши навбатини ҳисоби билан технологик жараённинг лойихалашни олиб бориш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган асосий дастлабки маълумотлардан ташқари, технологик жараённи тўғри лойихалаш учун, кесувчи ва ўлчов асбобларнинг меъёрлари, кесиш тартиби бўйича меъёрий кўрсаткичлар, ёрдамчи иш турларининг меъёрий кўрсаткичларига эга бўлиш керак, шунингдек тайёрлашга мўлжалланаётган машинани тўла ўрганиш ва хизмат вазифаларини яхши тушиниш керак бўлади.

Технологик жараёнларнинг ишлаб чиқиши асосига иккита тамойил қўйилган: техник ва иқтисодий. Техник тамойилга кўра лойихаланаётган технологик жараён берилган буюмни тайёрлашда ишчи чизмани барча талабларини ва техник шартларини бажарилишини тўла таъминлаши керак.

Иқтисодий тамойилга кўра тегишли ҳолда буюмни тайёрлаш минимал меҳнат сарфи ва ишлаб чиқаришга фойдаси билан амалга оширилиши керак . Механик ишлов беришда технологик жараёнларни лойихалаш-деталь тайёрлаш жараёнини керакли техник-иқтисодий ҳисоблар билан тўла тушунтириб бериш ва қабул қилинган варлантни асослаш мақсадига эга. Технологик хужжатларни тузиш натижасида корхона мухандис-техник ходимлари ва ижрои ишчилари лойихаланган технологик жараённи амалга ошириш учун зарур бўлган йўриқнома ва керакли маълумотларни оладилар. Технологик ишланма буюм чиқариш учун керакли маълумотларни оладилар. Технологик ишланма буюм чиқариш учун керак бўлган ишлаб чиқариш воситаларини, меҳнат хажмини ва буюм тайёрлаш таннархини келтириб чиқариш имконини беради.

Технологик жараёнлар индивидуал, намунавий ва гурухлиларга бўлинадилар. Индивидуал технологик жараёнлар ўзига хос бўлган деталлар учун тузилса, намунавий меъёрлаштирилган ва стандартлаштирилган

деталлар учун гурухлisisи конструктив ва технологик ўхшаш деталлар учун тузилади. Намунавий технологик жараён тузилишини биринчи босқичида машина деталларини синфлаштириш бажарилади, бунда деталлар уларни тайёрлашда ҳосил бўладиган умумий технологик вазифаларга кўра қуйидаги синфларга бўлинишлари мумкин: валлар, втулкалар, дисклар, плиталар, устунлар, тишили филдираклар ва ҳоказолар.

Кейинги босқичда операциялар намунавий кетма-кетлиги ва мазмuni, намунавий асослаш схемалари ва жиҳозларни намунавий конструкцияларини белгилаш асосида тамойилли умумий технологик жараён ишлаб чиқиши амалга оширилади.

Технологик жараёнларни намуналаштириш ишлаб беришни янги илғор усулларини жорий этишга, ишлаб чиқаришни тайёрлаш муддатлари ва ҳаражатларини камайтиришга, механизациялаш ва автоматлаштириш жиҳозларини нисбатан кенг қўллашга ҳамда тез қайта созланадиган намунавий воситаларни ишлатишга сабаб бўлади.

Оқимли-оммавий ишлаб чиқариш, оқимли бўлмаган ишлаб чиқаришларга қараганда техник-иқтисодий ютуқларга эга. Оқимли ишлаб чиқаришда энг юқори иш унумдорлигига ва буюмнинг энг кичик таннархига эришилади, ишлаб чиқариш даври қисқаради ва ишлаб чиқариш майдонидан фойдаланиш ортади.

Сериялаб ишлаб чиқаришда хар бир иш жойида бир қанча операциялар бажарилади ва бир операциядан иккинчисига ўтишда дастгоҳларни созлашдаги тўхтаб туришларни келтириб чиқаради. Аммо тегишли технологик жараёнларни қуриб ва керакли тадбирларни ўtkазиш орқали сериялаб ишлаб чиқаришда оқимли оммавий ишлаб чиқариш тамойилларини амалга ошириш мумкин. Бунга гурухли оқим тизимида бажариладиган гурухли технологик жараёнларни қўллаб эришилади.

Гурухли оқим тизимида жиҳозлар, тизимга бириктирилган конструкцияси ва ўлчами бўйича яқин бўлган бир неча номдаги деталларга ишлов бериш йўналиши бўйича жойлаштирилади. Тизимга бириктирилган барча деталлар даврий ўтказиладиган партияларда ишлов берилади ва хар бир белгиланган вақтда тизим узлуксиз-оқимдагидек ишлайди. Бир деталга ишлов беришдан бошқасига тизимда созлашларсиз ўтиш мумкин. Бошка холларда қисман созлашлар амалга оширилади.

Гурухдаги энг мураккаб ва меҳнат хажми катта деталга кўпинча мажмуавий деталь дейилади. Ишлов бериш технологик йўналиши бўйича тўпламлаштирилади ва жойлаштирилади. Гурухдаги бошка деталларга алоҳида ўтишлар ёки операцияларни ўтказиб юбориш билан ишлов бериш мумкин. Гурухли оқим тизим, шу қаторда қайта созланувчи ҳамда автоматик бўлиши мумкин. Дастур билан бошқариладиган дастгоҳлардан фойдаланишда, деталларни танлаш ва воситани конструкциялаш масалалари соддалашади, дастгоҳни қайта созлаш вақти минимумга келтирилади.

Агар деталлар гурухини тайёрлашда алоҳида операцияларни битта ва шу дастгоҳни ўзида бир турдаги созлашда бажариш мумкин бўлса, бошка

операциялар турли хил дастгоҳлар талаб қылса ва гурухли технологик жараён бүйича бажариш мумкин бўлмаса унда умумий операцияларга гурухли созлашни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Лойиҳалаш жараёни ўзаро боғлиқ ва маълум кетма-кетлиқда бажариладиган босқичлардан ташкил топади. Уларга қуидагилар киради.

- ишлаб чиқариш тури ва иш усулларини аниқлаш;
- технологик жараён тузиладиган детални технологиябоплигини таҳлил қилиш;
- тайёрламани олиш усулини ва унга қўйиладиган талабларни танлаш;
- технологик асосларни танлаш;
- алоҳида юзаларга ишлов беришда кетма-кет бажариладиган усулларни (йўналишни) танлаш;
- деталга тўла ишлов бериш йўналишини тузиш;
- дастлабки операцияларни белгилаш;
- оралиқ қўйимларни ҳисоблаш;
- технологик ўтишлар бўйича тайёрламани технологик жоизликларини ва чегаравий ўлчамларини белгилаш;
- операциялар таркибига ва технологик ўтишларнинг концентрацияланиш даражасига аниқлик киритиш;
- жиҳоз, асбоб ва мослама танлаш;
- созланувчи ўлчамларни аниқлаш;
- мосламани конструкциялашда техник вазифани ишлаб чиқиш учун тайёрламани ўрнатиш ва маҳкамлаш схемасига аниқлик киритиш;
- ишчиларни малакасини ва вақт меъёрини белгилаш;
- техник хужжатларни расмийлаштириш.


Дастгоҳли операцияларни тузиш

Машинасозлик ишлаб чиқаришида технологик жараённи иккита тамойил асосида лойиҳалаш мумкин:

- операцияларни концентрациялаш тамойили;
- операцияларни дифференцлаллаш тамойили.

Концентрациялаш тамойили дастгоҳ операцияни битта ёки кўп сонли деталларни бир нечта юзаларига бир ёки бир нечта асбоб билан ишлов бериш бўйича ўтишларни битта операцияга бириттириб қуриш билан таснифланади.

Масалан: битта дастгоҳда бир вақтнинг ўзида тўртта юзаларга ишлов бериш (1.1-расм).




1.1-расм. Бир вақтни ўзида бир қанча юзаларга ишлов бериш

Шундай қилиб бу тамойилни асосий мақсади - операцияларни бир операцияга бирлаштириш ва вақтларини бириктириш ҳисобига операциянинг умумий сонини камайтиришга қаратилган.

Операцияларни концентрациялаш тамойили унумдорлиги юқори бўлган махсус вазифали дастгоҳларни, яъни аниқ бир детални бир нечта юзасига бир вақтни ўзида ишлов бериш учун махсус тайинланган дастгоҳларни қўллашни талаб қиласиди. Дифференцлаллаш тамойили битта юзага бир ёки бир қанча асблолар ва ишчи юришда ишлов берадиган дастгоҳли операцияларни қуриш билан таснифланади.

Дифференцлаллаш тамойилга мисол (1.2-расм).



1.2-расм. Юзаларга навбатма-навбат ишлов бериш

Бу тамойил бўйича қурилган технологик жараён нисбатан кўп сонли, лекин биргина ишлов беришдан ташкил топган оддий операциялардан тузилади, қўлланиладиган жиҳозлар оддий.

Бу тамойилларни ютуқ ва камчиликлари:

-концентрациялаш тамойилнинг асосий ютуғи - деталь тайёрлашда ишчи вақт сарфини камайтиришдан иборат. Шунинг учун ҳам оммавий ишлаб чиқариш заводиарида ҳамма вақт операцияларни концентрациялаш тамойили бўйича технологик жараёнларни қуришга интилиш кўринади;

- Операцияларни диферентсиялаш тамойилининг асосий ютуғи цех ёки корхона ишларини ишлаб чиқаришни янги объектига тез ва осон ўтказиш имкониятидан иборат. Чунки нисбатан оддий дастгоҳларни қайта созлаш мураккаб дастгоҳларга нисбатан осон ва тез кечади, ундан ташқари катта кўламдаги кенг фойдаланиладиган дастгоҳлардан фойдаланиш ва кам маҳоратли ишчиларни жалб қилиш имкони бўлади.

Операцияларни диференциялаш тамойили майда ва оддий деталларни жуда қисқа вақтда ишлов бериш билан тайёрлашда қўллаш қулай. Агар велосипед ишлаб чиқариш заводиарида кенг фойдаланиладиган оддий дастгоҳлар ўрнатилган бўлса, бундай заводиарда операцияларни диференциялаш тамойили қўлланилади. Технологик жараёнларни қуришда иккала тамойилни амалга ошириш учун кўп ўринли ва кўп асбобли операция схемалари қурилган жиҳозларни қўллаш мумкин.

Механик ишлов бериш кетма-кетлиги ва технологик воситаларни танлаш

Механик ишлов бериш усуллари ва уларни кетма-кетлиги детални конструктив шакли ва ўлчамларидан аниқланади. Деталларни конструктив шакллари ва ўлчамлари ҳаддан ташқари кўп бўлганлиги учун ҳам ишлов бериш усуллари ва уларни кетма-кетлиги ҳам шунчалик кўпкіррали бўлади. Ундан ташқари, битта детални ўзи ҳар хил ишлаб чиқариш шароитида турли технологик жараёнлар бўйича тайёрланиши мумкин. Ишлов бериш кетма-кетлигини танлашда биринчи навбатда ўрнатувчи асос юзага аҳамият бериш керак, чунки деталга механик ишлов бериш шу юзадан бошланади.

Биринчи ҳолатда кесиши операцияси технологик жараённи охирида ошириладиган бўлса, иккинчи ҳолатда эса бошланишида. Ундан ташқари ўрнатиш юзалари қўшимча операция киртишни талаб қилиши мумкин. Масалан келтирилган ҳолатда марказ тешиклар детални тайёрлаб бўлингандан кейин олиб ташланиши мумкин [9].

Умуман механик ишлов бериш кетма-кетилигини танлашда қўйидаги асосий ёндошувларга амал қилиш керак;

- пардозлаш операцияларини технологик жараённи охирига жойлаштириш керак;
- тайёрлашда нуқсон пайдо бўлиши мумкин бўлган операцияларни имкони борича технологик жараённи бошланишига қўчириш учун ҳаракат қилиниши керак;
- тешикларни пармалаш ҳамма вақт механик ишлов беришни охириги қўчирилади, асосий юза вазифасини ўтовчи тешиклар бундан мустасно;
- ишлов бериш турлари бўйича жойлашган цехларда (масалан фрезалаш цехи, токарлик цехи ва бошқалар) деталларни ташиш йўлларини узайиб кетишини олдини олиш учун ишлов бериш турлари бўйича операциялар гурухланиши керак. (токарлик операция, фрезалаш операцияси ва бошқалар).

Технологик жараённи лойиҳалашда операцияни бажариш учун керак бўладиган технологик воситалар сифатида дастгоҳлар, мосламалар, кесувчи ва ўлчов асбобларини танлаш керак бўлади. Уларнинг тўғри танланиши иш унумининг ошишига ва ишланаётган юза сифатининг яхшиланишига олиб келади.

Дастгоҳ танлаш. Дастгоҳни тайёрламанинг ўлчамига, талаб қилинаётган ўлчам аниқлиги ва юза силлиқлигига, иш унумдорлигига қараб қабул қилинади. Сўнгги ва пардозлов операциялари учун дастгоҳ танланганда унинг бикрлиги, аниқлиги ва тезкорлиги инобатга олинади.

Дастгоҳ танлаш ишлаб чиқаришнинг турига боғлиқдир. Доналаб ишлаб чиқаришда универсал дастгоҳлар, сериялаб ишлаб чиқаришда эса универсал дастгоҳлар билан бир қаторда яримавтоматик ва дастур ёрдамида бошқариладиган дастгоҳлар қўлланилади. Оммавий ишлаб чиқаришда асосан ихтисослашган агрегат ва автоматик дастгоҳлар қўлланади. Дастгоҳни тўғри танланганини билдирувчи асосий кўрсаткич - дастгоҳдан фойдаланиш коэффицентидир.

Мослама танлаш. Технологик жараённи бажариш учун қандай мосламани танлаш асосан ишлаб чиқариш турига боғлиқ. Доналаб ва кичик сериялаб ишлаб чиқаришда универсал мосламалар (исканжа, қулочли, патрон, бўлиш каллаги ва бошқалар) қўлланилади. Сериялаб ишлаб чиқаришда универсал-созланувчи (УНГ) ва универсал-йигма (УСП) мосламалар, кўп сериялик ва оммавий ишлаб чиқаришда эса асосан иқтисодий жиҳатдан ўринли бўлган маҳсус мосламалар қўлланилади.

Кесувчи асбобни танлаш. Дастгоҳ танлаш билан бирга кесувчи асбоблари ҳам тайинланади. Танланган асбоб иш унумдорлигини ошишини, кераклик аниқлик ва юза силлиқлигини таъминлаши керак. Асосан стандарт ва нормаллашган асбоблардан, жуда керак бўлганда эса маҳсус асбоблардан фойдаланиш мақсадгага мувофиқ.

Кесувчи асбобнинг матерлали, тузилиши ва ўлчамлари тайёрламанинг матерлалига, операциянинг турига, талаб қилинаётган аниқлик ва силлиқликка боғлиқ. Кесувчи асбоблар кесувчи тифида асосан қаттиқ қотишма, тезкесар пўлат, минерал-керамик матерлаллар ва синтетик ўта қаттиқ матерлаллардан (олмос, элбор ва бошқалар) ишлатилади.

Ўлчов асбобини танлаш. Ўлчов воситалари ишлаб чиқариш корхоналарининг турига ва кераклик ўлчам аниқлигига қараб тайинланади. Доналаб ишлаб чиқаришда асосан универсал ўлчов асбобларидан (штангенциркул, микрометрлар, индикатор асбоблар ва бошқалар) фойдаланилади. Сериялаб ва оммавий ишлаб чиқаришда калибр ва шаблонлар, юзаларнинг ўзаро жойланишини текширувчи мосламалар, ҳамда автоматик ўлчов воситалари қўлланади.

Машинасозликдаги техник меъёrlаш, техник асосланган вақт меъёrlари.

Алоҳида операцияларнинг вақт меъёrlарини аниқлаш техник меъёrlаш дейилади.

Куйидаги меъёrlарни белгилаш мажбурийдир:

-иш унумдорлигини узлуксиз ошириб бориш ва ишлаб чиқаришни барча воситаларидан самаралироқ фойдаланиш талаби;

-ишлаб чиқаришни режалаштириш учун ишончли дастлабки маълумотларни таъминлаш зарурати.

Берилган ишлаб чиқариш учун энг қулай, маълум ташкилий-техник шароитда технологик операцияни бажариш учун белгиланган вақт техник вақт меъёри деб аталади.

Техникани замонавий ютуқларига таяниб, ишлаб чиқаришни илгор иш тажрибаларига асосланиб, иш услубларини қўллаш шароитида дастгоҳ, асбоб ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини ишлатилиш имконияти, вақт меъёрига ўз таъсирини кўрсатади

Меъёrlашни учта усули мавжуд:

-тажрибавий – статистик;

-ҳисоблаш – аналитик;

-йифинди – тенглаштириш:

Тажрибавий-статистик усулда меъёрлашда, вақт меъёри бутун бир операцияга унинг элементлари бўйича ҳисобланмасдан, унга ўхшаш операцияни бажаришдаги ҳақиқий вақтни ўртача сарфи тўғрисидаги статистик маълумотларга асосланаб белгиланади.

Бу усулни камчилиги шундан иборатки, олдинги иш унумдорликларда эришилган ютуқларга асосланган ва илфор иш тажрибалари ҳамда техник ютуқларини ўзида акс эттирамайди.

Ҳисоблаш-аналитик усулида меъёрлашда, жиҳознинг ишлатилиш хусусиятларидан унумли фойдаланишда, операция элементларининг давомийлигини ҳисоблаш йўли билан вақт меъёри аниқланади.

Йифинди-тенглаштириш усули билан меъёрлашда барча операция учун йифинди вақт меъёри, меъёрлаштирилиши керак бўлган операцияни, шунга ўхшаш операцияларда, ҳисоблаш – аналитик усулида белгиланган вақт меъёрига эга бўлган бошқа ўлчамдаги тайёрламаларнинг ишлов бериш операциялари билан таққослаш йўли билан белгиланади. Бу усулдан тахминий вақт меъёри билан чегараланиши мумкин бўлган ҳолларда, цехларни лойиҳалашда фойдаланиш мумкин.

Вақт меъёрини таркиби. Операция учун вақт меъёри - донавий ва вақт қуйидаги формула орқали ифодаланиши мумкин:

$$T_{dona} = T_{op} + T_{tan} + T_{h.k.}$$

бу ерда; T_{op} - оператив вақт; T_{tan} - танаффус вақти; $T_{h.k.}$ - хизмат кўрсатиш вақти.

Оператив вақт T_a асосий (технологик) билан T_e ёрдамчи вақтларни ийфандисига teng:

$$T_{op} = T_a + T_e$$

У ҳар бир деталга ишлов беришда такрорланиши билан таснифланади.

Асосий (технологик) вақт тайёрлама ва детални ўлчамини, шаклини, юза қатламининг хусусиятини, матерлалини тузилишини ёки бошқа физик-механик хосасини ўзгаришига ёки йифиш жараёнида уларнинг ҳолатини ўзгаришга сарфланади.

Дастгоҳда ишлов беришда асосий вақт қуйидаги формула бўйича аниқланади.


$$T_a = \frac{L_x}{S}$$

бу эрда; L_x - ҳисобдаги ишлов бериш узунлиги (суриш йўналиши бўйича тайёрлама ёки асбобни йўли) мм.да; S - суриш қиймати (суриш тезлиги), мм/мин.

Берилган формуладан фойдаланиб, ҳар қандай ишлов бериш усули учун T_a ни аниқлаш мумкин. Масалан: йўниш учун формула қуйидаги қўринишида бўлади (1.3-расм).

$$T_A = \frac{L + (l_1 + l_2)}{n \cdot S} \text{ МИН } L_p = L + (l_1 + l_2);$$

$$n \cdot S = S \text{ ММ/МИН}$$



1.3-расм. Токарли ишлов беришда асосий вақтни ҳисоблаш схемаси

L - ишлов берилеётган юза узунлиги, мм:

l_1 - асбобни деталга нисбатан ҳаракатланишидаги урилишини йўқотиш учун зарур бўлган қўшимча масофа, мм технологик тизимни деформацияланиши ва кинематик занжирдаги оралиқ, ўлчамларни тебраниши натижасида урилиш бўлиш эҳтимоли бўлади.

l_2 - асбобни чиқиши учун ҳаракатланиш масофаси, мм.

Асосий вақт машинали ва қўлли бўлиши мумкин. Агар барча тайёрлама хусусиятидаги ўзгаришлари инсон иштирокисиз жиҳоз ёрдамида амалга оширилса, асосий вақт машинали деб аталади.

Агар барча ишлар жиҳозларсиз қўлда бажарилса асосий вақт қўлли дейилади [7]. Ёрдамчи вақт деталларнинг ўлчамлари ва шакл ўзгаришига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган ҳар хил турдаги услубларга сарфланади. Буларга: детални ўрнатиш ва маҳкамлаш, ишлов бериб бўлингандан сўнг детални бўшатиб ечиб олиш, дастгоҳни юритиш ва тўхтатиш, ўлчовни амалга ошириш, асбобни келтириш ва қайтариш ва ҳоказо ишлар киради.

Ёрдамчи вақт асосий машинали вақтни қоплайдиган ва қопламайдиган вақтларга бўлинади. Оператив вақтга жиҳозни автоматик ишлаш вақтида қўлли иш вақт сарфи қўшилмайди, бундан келиб чиқадики оператив вақтга, фақат асосий машинали вақтни қоплайдиган ёрдамчи вақт қўшилади.

Хизмат қўрсатиш вақти $T_{x.k}$ асосан икки қисмга бўлинади – иш жойида техник хизмат қўрсатиш вақти ва иш жойида ташкилий хизмат қўрсатиш вақти.

$$T_{h.k} = T_{tex.k} + T_{tash.}$$

Бу вақтда ҳар қайси деталга ишлов бериш такрорланмайди.

Техник хизмат қўрсатиш вақти дастгоҳ – мослама – асбоб – деталь тизимини созлашга, ўтмаслашган кесувчи асбобни алмаштиришга, асбобдан қириндиларни олишга ва ҳоказоларга сарфланади.

Иш жойига ташкилий хизмат қўрсатиш вақти жиҳозни тозалаш ва мойлашга, дастгоҳдан қириндиларни олишга, иш жойини тартибга келтиришга ва ҳоказоларга сарфланади.

Берилган тайёрлама партиясига ишлов беришда тайёрлов – якуний вақт $T_{\text{д.к.}}$ сарфлари амалга оширилади. Тайёрлов-якуний вақт, тайёрлама партиясига ишлов бериш учун чизмалар ва ишлар билан танишиш, жихоз, мослама ва асбобларни тайёрлаш ва созлаш, берилган партия бўйича иш тугагандан кейин воситаларни ечиш ва топшириш ҳамда ишни топшириш учун сарфланади.

Тайёрлов – якуний вақт, иш бажарадиган жихозлар, иш таснифига, созлашни мураккаблик даражасига боғлиқ бўлиб, партия хажмига боғлиқ бўлмайди, шунинг учун ҳам партиялаб иш бажаришда, берилган партиянинг аниқланадиган вақт меъёри қуидагича ифодаланади:

$$T_{\text{норм.}} = T_{\text{мя.}} + T_g \cdot n$$

бу ерда: $T_{\text{мя.}}$ - тайёрлов-якуний вақт меъёри;

T_g - донабай вақт меъёри;

n - партиядаги тайёрламалар сони.

У ҳолда калькуляцияланган вақт меъёри деб аталувчи донавий вақт қуидагича аниқланади:

$$T_k = T_g + \frac{T_{\text{мя}}}{n}$$

Техник вақт меъёри доимо бир хил даражада турмайди. Ишлаб чиқариш жараёнининг такомиллаштириш, ишчи ходимларни техник – маданиятини ўсиш миқдорида, техник вақт меъёри камаяди.

Технологик жараённи иқтисодий самарага эришиш усулларини танлаш

Технологик жараёнларни қуришда одатда корхонада мавжуд бўлган иш тажрибаларидан фойдаланилади ва мавжуд жихозга қўлланиши мумкин бўлган технологик жараёнларни самарадорлироқ варланти танланади.

Бунда таққосланадиган варлантларни объектив баҳолайдиган кўрсаткичларини топиш жуда зарур. Технологик жараён варлантларини баҳоловчи бир қанча кўрсаткичлари мавжуд. Асосий вақт коэфитсиэнти η_a асосий вақтни (T_a) донавий вақтга (T_d) нисбати билан аниқланади:

$$\eta_a = \frac{T_a}{T_d}$$

Юқори η_a операциянинг муқобил қурилганлигини таснифи, чунки вақтнинг асосий қисми бевосита детални шакли ва ўлчамларини ўзгартиришга сарфланади.

Аммо технологик жараён варлантларини фақат муқобил кесиши тартибидагина таққослаш мумкин, чунки камайтирилган кесиши тартиби асосий технологик вақтни кўпайтиради ва ўз навбатида асосий вақт коэфитсиэнтини оширади. Асосий вақтни кичик коэфитсиэнти ёрдамчи услубларга, созлашга ва асбоб алмаштиришга сарф бўладиган вақтни кўп бўлишини таснифлайди.

“ η_a ” фақат мослама конструкцияси, ўтишларни кетма-кет бажарилиш билангина фарқ қиладиган ўхшаш операцияларни қуриш мақсадга мувофиқлигини таққослаш таснифи бўлиб хизмат қилиш мумкин. Бу кўрсаткични турли ишлов бериш усулларини баҳолаш учун қўллаб бўлмайди.

Сериялаб ишлаб чиқаришга тайёрлов-якуний вақт коэффициентини технологик жараённинг таққосланадиган варлантларини қандайдир даражада таснифлайди.

$$\eta_{ta} = \frac{T_a}{T_g \cdot n}$$

бу ерда; n -партиядаги тайёрламалар сони

Бу коэффициент партия ўлчамига боғлиқ ва 0.04-0.25 чегарада бўлади. Партия ўлчами қанча катта бўлса η_{ta} та қиймати кичик бўлади. Бу коэффициентдан фақат операцияларни баҳолашда фойдаланиш мумкин.

Матерлалдан фойдаланиш коэффициенти “ γ ”: $\gamma = \frac{g}{G}$

бу ерда; g – тайёр деталь оғирлиги

G – тайёрлама оғирлиги

Булардан ташқари бу коэффициент, тайёрлама тайёрлашда – яхлит детални пайвандианган конструкция билан, қуймани-штампаш учун 0.8-0.95; айрим холларда 0.35 оралиқларда бўлади.

Берилган дастурни бажариш учун зарур бўлган, оқимдаги дастгоҳларни ҳисобланган сони m_x қуидаги нисбатдан аниқланади:

$$m_x = \sum_{i=1}^n \frac{T_{gi}}{t}$$

бу ерда: T_{gi} -операцияни бажаришда донавий вақт; t - иш муддати

Ҳисобланган m_x қийматни энг яқин бутун сонни каттасига m_b яхлитлаб дастгоҳни юкланиш коэффициенти аниқланади.

$$n_{io} = \frac{m_x}{m_b}$$

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Механик ишлов бериш технологик жараёнини тузиш тартиби.
2. Технологик жараённи тузишдаги бошлангич маълумотлар.
3. Асосларнинг бирлиги тушунчаси.
4. Дастгоҳ танлашга таъсир этувчи омиллар.
4. Мослама танлашга таъсир этувчи омиллар.
6. Кесувчи ва ўлчов асбобларини танлашга таъсир этувчи омиллар.
7. Кесиш тартибларини аниқлаш.
8. Вақт меъёрини ҳисоблаш усуллари.
9. Асосий вақт тушунчаси.
10. Донавий вақт тушунчаси.

2-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ.

Тармоқ машинасозлигидә янги инновацион технологик воситалар-МКД, мосламалар, кесувчи ва ўлчовчи асбоблар.

Ишдан мақсад: Тармоқ машинасозлигидә янги инновасиён технологик воситалар - метал қирқувчи дастгоҳлар, мосламалар, кесувчи ва ўлчовчи асбобларни ўргатишдан иборат.

Металларни кесиб ишлаш ва дастгохлар

Кесувчи асбобларнинг турли-туманлигини турли ҳил материаллар, ишлов бериладиган деталларни шакллари ва ўлчамларини ҳар хиллиги, металл қирқувчи дастгоҳларни ҳар хиллиги ҳамда ишлаб чиқариш характер (индивидуал, серияли ёки оммавий)лари билан изоҳлаш мумкин [7].

Олимлар ишлари ва ишлаб чиқариш илғорларини тажрибалари шуни кўрсатадики, асбобни тўғри ишлатиш меҳнат унумдорлигини оширишда жуда катта имкониятлар яратади. Шунингдек, янги, илғор ишлов бериш усулларини, янги кесувчи асбоблари ва дастгоҳларни қўллаш ҳам шундай имкониятлар яратади.

Ҳар қандай кесувчи асбоб детални керакли ўлчамлари ва шаклларини, талаб этилаётган ишлов бериладиган юзани сифатини ошишини, ҳамда керакли мустахкамлик, бикрлик ва хоказоларини таъминлашлари керак. Ҳар қандай кесувчи асбоб (развёртка, фреза, протяжка, кескич ёки парма ва хоказолар) тайёрлашдан маъпум қалинлиқааги материал қатламини олиб ташлаши керак. Кесиладиган қатлам катталиги ҳар хил бўлиши мумкин. Катта токарли дастгоҳида қиравчи кескич 25 ммдан ортиқ қатламни кесади, олмосли кескич 0,05 - 2 мм, развёртка кичик тешикни развёрткалаганда 0,1 - 0,15 мм қатлам кесади. Ўлчам аниқлиги ва ишлов берилаётган деталь юзасини ғадир-будурлиги турли ҳил бўлиши мумкин: парма ёрдамида ижозати 15 мм бўлган 50 ммли тешик тешиш мумкин; протяжка билан ижозати 0,1 мм бўлган тешикка ишлов берилади; қиравчи кескич билан ишлов берилгандан сўнг юза жуда қўпол бўлади, сўнгра масалан олмосли кескич билан ўша юзага ишлов берилгандан юқори сифатли, ғадир-будурлиги паст ($C=0,32-0,16$ мкм) юза олинади [7].

Келтирилган мисоллардан кўринадики кесувчи асбоб ишлаш шароитлари ва уларни иш натижаларига талаблар ҳар хил бўлади.

Кесувчи асбобларни, биринчи навбатда дастгох кесувчи асбобларини уларни иш кинематикаси ва конструкциясига қўра қуидаги асосий турларга бўлиш қабул қилинган (2.1-расм).

Эговлар

Турли ҳил шаклдаги ва кесимдаги кўп тиғли металл қиравчи асбоб. У металлни кичик қатламларини олишга мўлжалланган. Эговлар асосан қўл асбобидир, аммо баъзида айланувчан эговлар (борфрезалар) ҳам ишлатилади.

Булардан ҳар ҳил эговлар қўлланилади. Буюмларни эговлашда қандай эгов қўлланилишига қараб, эговлаш аниқлиги 0,5-0,01мм чегарасида бўлади.


Эговларнинг классификасияси. Эгов профили ва узунлиги турлича бўлган ва тобланган пўлат брусоқдан (парчалардан) ясалган кесувчи асбоб бўлиб. Ишлайдиган юзига тишлар кертилган. Эгов металл қатламини шу тишлари билан қирқиб, қириндига (қипиқقا) ўхшатиб чиқади.

Махсус эговларга ножовкасимон, рома шаклидаги, овал шаклидаги овал қовурғали ясси эговлар ва брусовкалар киради.

Эгов тишларининг турлари. Эговларнинг тишлари бир йўналишда ва бир-бирини кесиб ўтадиган икки йўналишда кертилади. Бир йўналишда кертилган эговлар мисс, бронза, жез, баббит, аллюминий каби юмшоқ металларни, шунингдек ёғоч, пробка (пукак), чарм ва шунга ўхшашларни эговлаш учун қўлланилади. Бир йўналишда кертилган тишлар эговнинг қовурғасига нисбатан $70\text{--}80^\circ$ бурчак ҳосил қиласди.


Икки йўналишда кертилган эговларнинг биринчи кертилган тишлари асосий ёки пастки тиш (кертик) деб, иккинчисига эса устки тиш (кертик) деб аталади.

Устки тишларнинг сони пастки тишлар сонига қараганда ҳар см жойда 1-2 тиш кўпроқдир. Тишларнинг бир-бирини кесишиб ўтган чизиги эговнинг ўқига параллел бўлмай унга нисбатан бироз қия жойлашиши учун шундай қилинган.



1.1-расм. Эговлар тузилиши.

Эговлар: 1-тумтоқ учли эгов; 2-ўткир учли эгов; 3-кертилиш бурчаклари: А-бир йўналишда кертилган эгов; Б-бир-бирини кесишиб ўтадиган икки йўналишда кертилган эгов. (1.1-расм.)



1.2-расм. Эговлар тишлари.

Эговнинг кертилиши: 1-тўғри; 2-нотўғри


Эговларнинг тишлари: 1) йирик; 2)майда; 3)жуда майда қилиб кертилган бўлади (1.2-расм)

Эгов тишларининг турлича кертилиши: 1-йирик тишли эгов; 2-майда тишли эгов; 3-жуда майда тишли эгов. Эговнинг узунлиги бўйича ҳар см жойда 5-80 гача тиш бўлади.

Эговларнинг ўлчамларига, тишларининг шаклига ва қандай кертилганига қараб қўйидаги номлар билан юритилади: 1) тумтоқ учли ясси дағал эгов -250мм. 2) ўткир учли, майда тишли ясси эгов 200мм 3) квадрат шакли дагал эгов -250 мм ва ҳаказо. Эговнинг ўлчами кертилган қисмининг узунлигига қараб белгиланади.

Жуда ҳам майда тишли эговлар майин эгов (бархатний напилник) деб аталади ва деталларнинг жуда тоза қилиб эговлаб пардозлашда қўлланилади.

Жуда ҳам йирик тишли эговни брусовка дейилади. Бу хил эгов қалин металл қаватини олиш (кириш) вақтида қўлланилади.



1.3-расм. Брусовка (ўнгда) ва рашпил (чапда)

Эговларнинг тишлари (1.3-расм) арра-кертиш дастгоҳларида махсус зу́било ёрдами билан ва фрезалаш ҳамда жилвирлаш йўли билан кертилади: ҳар қайси усулда кертилган тишнинг ўзига хос профили бўлади. Эгов тишларининг хиллари

Шабер

тўғрилаш ишлари учун қўл слесар асбоби. Қўл кучи остида шабер жуда ингичка қириндини қиради. Ишни осонлаштириш учун уни қирралари катта радиус бўйича бажарилади ва шунинг учун улар уни қавариқсимон кўринишда бўлади. Баъзи шаберлар пневматика ёки электр ёрдамида ишлатилади. (1.4-расм.(а)).

Кескич

энг қўп тарқалган тифли асбоб ва токарли револвер, рандалаш ва хоказо дастгоҳларда қўлланилади. Кески члар хам оддий, хам шаклдор бўлиши мумкин (1.4-расм (в)).

Парма

яхлит материалда икки харакат - асбобни ўқ атрофида айланма ва ўқ бўйлаб илгарилинма харакат ҳисобига тешик очишга мўлжалланган (1.4-расм (э))

Зенкер

асосан тешик диаметрини кенгайтиришга мўлжалланган асбоб. Пармадан фарқли ўлароқ равища зенкер яхлит материалда тешик оча олмайди, аммо тешик ўқи йўналишини тўғрилаши мумкин (1.4-расм (ж))

Развёртка

кўп тифли асбоб ва тешикларга ишлов беришга мўлжалланган. Зенкердан фарқли равища развёртка жуда кичик қатламни олади, у ўқ йўналишини тузата олмайди, аммо тешик шаклини тузатади (1.4-расм (з))

Фрезалар

кўп тифли, айланма жисм кўринишидаги катта гуруҳдаги кесувчи асбоблар. Уларда тишлар айланма жисмни сиртида ёки ён томонида бўлади. Суриш харакати йўналиши доимо фреза ўқига перпендикуляр бўлади (1.4-расм (и)).

Шевер

тишли ғилдираклар тишларидан кичик қатламларни ечишга мўлжалланган асбоб. Шевер ён томонида кесувчи қирралар ташқил этувчи ариқчалар бўлади. (1.4-расм (к))

Червякли (чиғирикли) фрезалар

обкатка усулида ишловчи кесувчи асбоб. Улар турли хил тишли рилдираклар тайёрлашда қўлланилади (1.4-расм (л)).

Протяжка


кўп тифли кесувчи асбоб. Уни бўйлама харакатида тишлар олдинма кетин қирринди ечилади, чунки хар бир кейинги тиш олдигисидан кичик катталикка катта бўлади (1.4-расм (м)).

Арралар


материални кесишига мүлжалланган асбоб. Улар күп тишли диск, лента, занжир ва хоказо күринишида бўлади (1.4-расм (о)).

Абразив асбоблар

майда абразив доначалар (карбид, кремний, коруид ва хоказолар) кесувчи қирралар сифатида ишлатилади (1.4-расм (п)).



1.4-расм. Асосий кесувчи асбоблар



1.5-pacм.

Метчиклар

ички резьбаларни қирқишига мүлжалланган кесувчи асбоблар. Улар кесувчи қирраларни ташқил этувчи винцимон ариқчаларга эга винт күринишида бўлади (1.5-расм (p)).

Плашкалар

ташқи резьбаларни киркишга мүлжалланган кесувчи асбоблар. Улар кесувчи қирраларни ташқыл этувчи қирралари бор яхлит ёки кесилган гайка күринишигага эга (1.5-расм (с))

Долбяклар

тиш долбёжкалаш дастгохларида рейкалар, цилиндрсимон тишли филдирак ва хоказоларни қирқишига мүлжалланган кесувчи асбоб. (1.5-расм (у)).

Комбинасиялашган асбоблар

ишлиов беришини осонлаштириш учун икки ёки ундан ортиқ турли хил ёки бир хил кесувчи асбоблар йиғиндиси (бирикмаси).

Кесувчи асбобларни кўпинча, шунингдек ишлов бериладиган юзалар турларига кура ҳам классификацияланади:

- турли хил ташқи юзаларга ишлов берувчи асбоблар (яssi юзалар, айланма ташқи сиртлар, ариқчалар ва хоказолар). Уларга кескичлар, фрезалар, эговлар, жилвиртошлар ва хоказолар мисол бўла олиши мумкин.
- тешикларга ишлов берувчи асбоблар: парма, зенкер, развёртка, расточкалаш кескичи, протяжка, жилвиртошлар ва хоказолар.
- резба қиррқувчи асбоблар- резьбали кескичлар, резьбали фрезалар, метчик, плашка, резба қиркүвчи каллаклар, накаткалаш роликлари ва хоказолар.
- материалларни кесиб ташлашга мўлжалланган асбоблар-дискали арралар, пичоқлар, лентали ёки занжирли арралар, ингичка абразив ва олмосли тошлар, кесувчи кескичлар ва хоказолар.
- тишили юзаларга ишлов берувчи асбоблар - дискали модулли ва бармоқли модулли фрезалар, червякли тиш қиркүвчи фрезалар, долбяклар, шевер ва хоказолар.

Кесувчи асбобларни асосий қисмлари. Ҳар бир кесувчи асбоблар - кескич, парма, развёртка, протяжка, эгов ёки фреза, уларни турли хил шаклларига қарамасдан, мўлжалига кўра ўхшаш қисмларга эга. Бу кесувчи асбоблар ҳар бири ишчи қисмга эга ва унда битта ёки бир нечта кесувчи қирралар бўлади, кескичда битта, пармада иккита, развёртка ёки фрезада кўплаб кесувчи қирралар бўлади. Кўпчилик кесувчи асбоблар ишчи қисмини иккига бўлиш мумкин:

- кесувчи, уни қисмига қирриндини ечиш бўйича асосий ишни бажариш тўғри келади;
- калибрловчи, у ишлов берилган юзани тозалаш ва иш давомида кесувчи асбоблар йўналтиришга мўлжалланган.

Ишчи қисм ва калибрловчи қисм парма, зенкер, развёртка, протяжкаларда бўлади, кескич ёки фрезада бундай бўлиниш бўлмайди.

Асбобни ишчи қисми асосий бўлиб ҳисобланади, чунки кесиши жараёни унга боғлиқ бўлади. У қирринди кесади.


Ҳар қандай кесувчи асбобларни иккинчи қисми - қўшилган (қисувчи) қисмидир. Уни вазифаси дастгоҳдан келаётган кучни кесувчи асбоблар кесувчи тифига етказишидир. Кескичда қўшилган қисми стержендир (ўзак), у дастгоҳ кескичушлагичида ўрнатилади, парма, зекнер ёки разверткада дум қисмидир, ўрнатиладиган фрезада-шпонкали ариқча, у ёрдамида кесувчи асбоблар оправкада жойлаштирилади. Бир хил кесувчи асбоблар, масалан, парма думи конусли ёки цилиндрик бўлиши мумкин. Аммо қўшилладиган қисмни шакллари ҳар хил бўлиши мақсадга мувофиқдир. Кесувчи асбобларни, шунингдек уларда қўлланиладиган материалларга кўра бўлинадилар:

- пўлатли, қирралари қаттиқ қотишмадан
- минералокерамик, қирралари минералокерамиқаан. Конструкциясига кўра қуйидаги кесувчи асбоблар мавжуд:
 - яхлит (битта таерламадан таёланган);
 - йигма кесувчи асбоблар, унда уни қисм ва элементлари ажратилиши мумкин;


- ташкилий кесувчи асбоблар, унда уни қисм ва элементларини ажратиб булмайды;
- пластиналари механик қотирилган кесувчи асбоблар (йиғма тиғли кесувчи асбоблар)
 - пластинкаси кавшарланган;
 - клейланган;
 - қотирилган тиғли (наплавка қилинган) [8].

Металларни кесиб ишлаш түғрисида умумий тушунчалар

Кесиш жараёнининг учта асосий тури бор. Кесиб ажратиш. Кесиш жараёнининг бу тури пона расмидаги асбоб билан бажарилади, бунда материал икки бўлакка бўлинади (1.6-расм). Кесиб олиш. Бу ҳолда кесиш жараёни иккита кесувчи асбоб воситасида амалга оширилади ва бунда ҳам материал икки болакка бўлинади (1.7-расм).



1.6-расм. Кесиб ажратиш



1.7-расм. Кесиб олисжх

Қириндига ажратиш. Бунда кесиш жараёни ҳар хил кесувчи асбоблар ёрдамида тайёрлама сиртида материалнинг маълум қатламини қириндига тарзида ажратиб олишдан иборат (1.8-расм). Кесишнинг юқорида кўриб ўтилган учала турида асбобнинг кесувчи қирраси кесиш жараёнида нисбий ҳаракат қиласи.


Биринчи ҳолда таъсир эттиииладиган куч кесувчи асбоб танасидан ўтиб, ўтқирлик бурчаги фи ни teng иккига бўлади, бунинг натижасида тиғнинг иккала юзасига қарийб бир хил юклама тушади, бунда қириндига ҳосил бўлмайди.

Иккинчи ҳолда кесиш кучи асбобнинг юзаларидан бири бўйлаб ўтади ва кесиш кучланиши ҳосил қиласи, бунда ҳам қириндига ҳосил бўлмайди.

Учинчи ҳолда кесиш кучи асбобнинг олдинги юзасига тушади, бунинг натижасида эса материалнинг маълум қатлами қириндига тарзида ажралади.

Турли-туман кесиш асбоблари ёрдамида металлни кесиш усуллари хилма-хил бўлишига қарамай, уламинг ҳаммасида, амалий жиҳатдан олганда, асбобнинг иш қисми кесилаётган материални бўлакларга ажратиш ёки материалнинг муайян қисмини қириндига тарзида кесиб олиш мақсадида шу материал танасига ботириладиган понадан иборат бўлади.

Ишлов берилаётган юздан қиринді кесиб олиш натижасыда аникликнинг тегишли дарражасига мувофиқ келадиган юзали, хилма-хил расмдаги деталар ҳосил бўлади.



1.8-расм. Қиринді ажратиш қавати қиринді тарзида ажратилади.

Кескич, унинг қисмлари ва элементлари

Кескич металл ишлаш саноатида энг кўп тарқалган асбобdir. Кескичдан, бажариладиган иш турига қараб, хилма-хил дастгоҳларда деталлар ишлашда фойдаланилади.


Назария ва тажрибаларга асосланиб, кескич тиги бурчагининг оптимал қийматлари ва тифнинг расми топилди. Кесиши бурчакларининг тўғри танланиши кесиши жараёнини осонлаштиришга, қиринддининг ажралиши ва чиқишига ёрдам беради, бунинг натижасида эса энергия сарфи камаяди, асбоннинг хизмат қилиш муддати ва дастгоҳнинг иш унуми ортади.

Кескич икки қисмдан: қаллак, яъни иш қисмидан ва кескични суппортга ёки тутқичга маҳкамлаш учун хизмат қиласидан тана, яъни стеижендан иборат (1.9-расм).

Кескич қаллаги элементларининг номлари 1.9-расмда келтирилган.

Олдинги юза. Кескичининг қиринді чиқадиган юзаси **олдинги юза** деб аталади.

Асосий ва ёрдамчи кетинги юзалар. Кескичининг йўнилаётган буюмга қараган юзалари **кетинги юзалар дейилади**.



1.9-расм. Токарлик кескичи

1. Кесувчи кирралар. Бу кирралар олдинги ҳамда кетинги юзаламинг кесишувидан ҳосил бўлади ва асосий ишни бажарадиган асосий кесувчи кирра билан ёрдамчи кесувчи киррага бўлинади.


2. Кескичнинг учи. Кескич каллагининг бу элементи асосий кесувчи қирра билан ёрдамчи кесувчи қирранинг туташув жойидан иборат.

3. Кескич каллагининг баландлиги. Кескич учидан таянч юзасигача бўлган ва шу юзага перпендикулар ҳолда ўлчанган масофа **кескич каллагининг баландлиги** деб аталади ва ҳарфи билан белгиланади (1.10-расм).

Кескич каллагининг баландлиги мусбат бўлиши ҳам (1.11-расм, *a*), манфий бўлиши ҳам (1.11-расм, *b*) мумкин.


4. Кескич каллагининг узунлиги. Кескич учидан чархланиш юзасининг чиқиши чизигигача бўлган ва кескич танасининг бўйлами параллел тарзда ўлчанган масофа **кескич каллагининг узунлиги** деб аталади ва / ҳарфи билан белгиланади (1.11-расм).

Суриш йўналишига кўра, кескичлар ўнақай ва чапақай кескичларга бўлинади.




1.10-расм. Кескич каллагининг элементлари

Бўйлами ёқларига параллел тарзда ўлчанган масофа кескич каллагининг узунлиги деб аталади ва л ҳарфи билан белгиланади (1.11-расм). Суриш йўналишига кўра, кескичлар ўнақай ва чапақай кескичларга бўлинади.




1.11-расм. Кескич учининг таянч юзасига нисбатан вазияти.

Кескич устига ўнг қўл кафли бармоқлар кескич учига қараб турадиган вазиятда қўйилганда кескичнинг асосий кесувчи қирраси бош бармоқ томонида турса, бундай кескич ўнақай кескич деб аталади (1.12-расм).



1.12-расм. Кескич каллагининг узунлиги



1.13-расм. Тұғри кескичлар

Кескич устига чап қўл кафти бармоқлар кескич учига қараб турадиган вазиятта қўйилганда кескичининг асосий кесувчи қирраси бош бармоқ томонда турса, бундай кескич чапақай кескич дейилади (1.12-расм).

Кескичининг режада ва ён томондан кўринишидан унинг ўқи тұғри чизик бўлса, бундай кескич тўг Ъри кескичдеб аталади (1.12-расм). Режада ўқи эгри чизик бўлган кескичлар қайирма кескичлардеб аталади (1.13-расм). Ён уринишида ўқи эгри чизикдан иборат бослган кескичлар эгик кескичлардейилади (1.14-расм) [8]

Т



Chapaqay



O'naqay



*Yuqoriga (oldinga)
egilgan*



*Pastga (ketinga)
egilgan*

1.14-расм. Қайирма кескичлар

1.15-расм. Эгик кескичлар

Каллаги танасидан энсиз болган кескичлар чўзиқ каллакли кескичлар деб аталади (1.16-расм).



Chapda



Simmetrik




O'ngda

1.16-расм. Чўзиқ каллакли кескичлар

Юзалар ва координата текисликлари. Йўнилаётган буюмдаги юзаламинг ва координата текисликларининг вазияти 1.17-расмда тасвирланган. Ишланаётган тайёрламадан кескич қиринди йўнаётганда бу тайёрламада қуидаги юзалар бўлади:

1. Ишланаётган юза — қиринди йўнилаётган юза.
2. Ишланган юза — қиринди йўнилгандан кейин ҳосил бўлган юза.
3. Кесиши юзаси — йўнилаётган тайёрламада кескичнинг кесувчи қиррасини ҳосил қиласиган юза.

Кескич бурчакларини аниқлаш учун қуидаги текисликлардан фойдаланилади:



1.17-расм. Юзалар ва координата текисликлари

1. Кесиши текислиги — кесиши юзасига уринма бўлиб, кесувчи қиррадан оттuvchi текислик.
2. Асосий текислик — бўйлама ва кўндаланг сурошларга параллел текислик.

Кескич бурчаклари

Кескич бурчакларини текширишда, худди статик вазиятдаги геометрик жисмда бўлгани каби, кесиши, кесиши текислиги вертикал вазиятда, яъни асосий текисликка тик вазиятда бўлади. Бу ҳол кескич бурчаклари асосий ва ёрдамчи бурчакларга, режадаги бурчакка бўлинади (1.18-расм).


Кескичнинг асосий бурчаклари кескич асосий кесувчи қиржасининг асосий текисликка туширилган проекциясига перпендикулар Бблтлган асосий кесувчи текислика отлchanadi.

Кескичнинг асосий кетинги юзаси билан кесиши текислиги орасидаги бурчак асосий **кетинги бурчак деб** аталади ва *a* билан белгиланади.

Кескичнинг олдинги юзаси билан асосий кетинги юзаси орасидаги бурчак ўткирлик бурчагидеб аталади ва *b* билан белгиланади.

Кесиши текислигига перпендикулар ҳолда асосий кесувчи қирра орқали отказилган текислик билан кескичнинг олдинги юзаси орасидаги бурчак олдинги бурчакдейилади ва у билан белгиланади.

Кескичнинг олдинги юзаси билан кесиш текислиги орасидаги бурчак кесиш бурчагидейилиб, б билан белгиланади. Кесиш бурчаги асосий кетинги бурчак билан отткирлик бурчаги йигтиндисига teng:



1.18-расм. Кескиш бурчакларининг чизмаси
 $\delta = \alpha + \beta$ (1)

Агар кесиш бурчаги 90° дан кичик бўлса, олдинги бурчак мусбат, агар кесиш бурчаги 90° дан катта бўлса, олдинги бурчак манфий болади.

Ёрдамчи кесувчи қирра орқали асосий текисликка перпендикулар ҳолда ўтказилган текислик билан ёрдамчи кетинги юза орасидаги бурчак ёрдамчи кетинги бурчакдеб аталади ва а х билан белгиланади. Бу бурчак ёрдамчи кесувчи қирранинг асосий текисликка туширилган проекциясига перпендикулар бўлган ёрдамчи кесувчи текисликда ўлчанади.

Асосий кесувчи қирранинг асосий текисликка туширилган проекцияси билан бўйлама суриш йўналиши орасидаги бурчак режадаги асосий бурчакдеб аталади ва φ билан белгиланади.

Ёрдамчи кесувчи қирранинг асосиый текисликка туширилган проекцияси билан бўйлама суришга тескари йўналиш орасидаги бурчак режадаги ёрдамчи бурчакдеб айланади ва φ_1 билан белгиланади.


Кесувчи қирраламинг асосий текисликка туширилган проекциялари орасидаги бурчак кескич учининг режадаги бурчагидеб аталади ва э билан белгиланади. Режадаги бу учала бурчакнинг йигиндиси 180 га teng бўлади:

$$\varphi + \varphi + \varepsilon = 180^0 \quad (2)$$

Кескичнинг уни орқали асосий текисликка параллел ҳолда ўтказилган чизик билан асосий кесувчи қирра орасидаги бурчак *асосий кесувчи қирранинг қиялик бурчаги* дейилади ва λ билан белгиланади.

Кескичнинг уни асосий кесувчи қирранинг энг юқори нуқтаси бўлганда асосий кесувчи қирранинг қиялик бурчагини манфий деб, кескичнинг уни асосий кесувчи қирранинг қиялик бурчагини мусбат деб хисоблаш қабул қилинган; асосий кесувчи қирра асосий текисликка параллел бўлган ҳолларда

асосий кесувчи қирранинг қиялик бурчаги нолга тенг бўлиши мумкин (7.14-расм).



1.19-расм. Асосий кесувчи қирранинг қиялик бурчаклари:
а—манфий; б—нол; д—мусбат.

Кескичлар олдинги юзасининг геометрик шакли

Кесувчи асбобнинг ва йўниладиган тайёрламанинг материалига қараб, кескич олдинги юзасининг қуйидаги расмларидан фойдаланилиши мумкин:


Фаскасиз ясси олдинги юза (1.20-расм, а). Бундай юзали кескичдан чўян ва қаттиқ пўлатни 0,5 мм/айл дан кичик суришларда (иссиқбардош, кўп легирланган ва тобланган пўлатлами) йўнишда фойдаланилади.

Фаскали ясси олдинги юза (1.20-расм, б). Бундай юзали кескичдан пўлатлами 0,25 мм/айл дан катта суришлар билан йўнишда фойдаланилади.

Фаскали эгри олдинги юза (1.20-расм, д). Бундай юзали кескичлардан юмшоқ ва ўртача қаттиқликдаги пўлатлами кесиб ишлашда фойдаланилади. Маълум радиусда ўйилган чукурча қириндinin жингалак бўлиб чиқишига ёрдам беради.

Манфий фаскали ясси олдинги юза (1.20-расм, е). Бундай олдинги юзали кескичдан мустаҳкамлик чегараси $\sigma_b < 785 \text{ Мн/м}$ ($\sigma_b < 80 \text{ кГ/мм}$) болган пўлат қўймалами ва чўянни хомаки йўнишда фойдаланилади.

Манфий фаскали эгри олдинги юза (1.20-расм, ф). Бундай олдинги юзасига қириндini жингалковчи чукурча қилинган кескичлардан мустаҳкамлик чегараси $ob < 785 \text{ Мн/м}^2$ ($ab < 80 \text{ кГ/мм}^2$) бўлган пўлат тайёрламаларини йўнишда фойдаланилади.



1.20-расм. Кескичлар олдинги юзаларининг схемаси

Асбобсозлик материаллар, кимёвий таркиби, турлари, хусусиятлари, қўлланилиш доираси.

Кесувчи асбобларни материалларига бўлган иккита бир-бирига қарши бўлган талаб мавжуд. Булар қаттиқлик ва зарбий қовушқоқлик (ударная вязкость).

Материал қанчалик қаттиқ бўлса уни зарбий қовушқоқлиги камроқ бўлади ва аксинча. Кесувчи асбобларга ишлатиладиган энг қаттиқ материал - олмосдир. Уни зарбий қовушқоқлиги энг кам, аксинча бронзани қаттиқлиги энг кам, лекин уни зарбий қовушқоқлиги энг катга.

Кесувчи асбоблар материалларига қўйиладиган асосий талаблар қўйидагилар:

1. Иссикликка чидамлик, яъни иш жараёнида қизиганда асбобни кесувчи қирралари қаттиқлигини сақлаб қолиш қобилияти. Юқори иссиқка чидамлилик унумли ишни таъминлайди. Карбонли ва легирланган асбоб пўлатлари энг юқори қаттиқликка $200\text{-}250^{\circ}\text{C}$ ҳароратларга эга. Ҳарорат бундан ошиб кетса кесувчи қирралар юмшаб кетади ва тезда ейилиб кетади. Тез кесувчи пўлатларни кесиш жараёнида $550\text{-}600^{\circ}\text{C}$ гача қирқиш мумкин. Ҳарорат бундан ошиб кетса қаттиқликни йқотишга олиб келади. Қаттиқ. қотишма ва олмосларни $900\text{-}1000^{\circ}\text{C}$ гача қизитиш мумкин.

2. Ейилишга чидамлилик, яъни кесувчи қирраларни чақа бўлишга қаршилик кўрсатиш қобилияти. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики хар хил пўлатларни ейилишга чидамлилиги энг ками карбонли асбоб пўлатлари дидир. Энг чидамлилари эса қаттиқ қотишмалар, минерал керамика, олмос ва элбор.

3. Термик ишлов беришда ўлчам ва шаклини ўзгартирмаслиги. Бу қобилият фақат тишлари профилли жилвирланмайдиган асбоблар учун аҳамиятга эга (юмалоқ планкалар, қўл метчиклари). Асбобни массаси қанчалик катта бўлса, деформасия хам шунчалик катта бўлади. Шаклини энг яхши сақлаб қоладиган пўлатлар ХВГ, ХВСГ. Термик ишлов беришда шаклини энг яхши хромли пўлатлар сақлаб қолади, энг ёмон эса карбонли пўлатлар. Тез кесувчи пўлатлар ҳам термик ишлов жараёнида ўз шаклини бироз йўқотади, лекин уларни одатда, кейин жилвирланади.

4. Пўлатни товланиш чуқурлиги. Тоблаш натижасида пўлатларни хаммаси хам кесими бўйича тўлиқ тобланмайди. Бу пўлатни нафақат кимёвий таркибига эмас, ҳамда пўлатни зоналарини катталигига боғлиқдир. Кимёвий таркиби бир хил лекин зоналари хар хил бўлган карбонли пўлат хар хил товланиш чуқурлигига эга. Асбобларни айрим турлари учун (пармалар) кесими бўйича тўлиқ тоблаш зарур. Бошқа асбоблар учун (метчик, развёртка) устки қатламлари қаттиқ, тобланган ички қатламлар эса юмшоқ тобланмаган бўлгани маъқул, хромли ва тез кесувчи пўлатлар кесимлари бўйича тўлиқ тобланади.

5. Юза қатламларини углеродини йўқотишга мойиллиги. Углеродли пўлатларни бундай мойиллиги кам бўлиб, улар тезкесар ва баъзи легирланган пўлатларда кучлироқ бўлади.

6. Механиқ хусусиятлар - мустахкамлик чегараси, эгилишга қаршилик ва хоказолар. Улар материалга баҳо бериш ва танлашда кам ишлатили

7. Ишланувчанлик - асбобсозлик материалларини мухим хусусиятидир. Хамма пўлатларга хам бир хилда ишлов бераб бўлмайди. Углеродли пўлатлар кесиши билан яхши ишланади, аммо шаклини жилвирлаш ва чархлашда қийинчиликларга дуч келинади. Хромли легирланган пўлатлар кесишида ёмонрок, жилвирлашда эса яхширок ишланади. Тезкесар пўлат хромли пўлатга қараганда хам яхши кесилади ва яхши жилвирланади. Қаттиқ қотишмаларга кесиши усули билан ишлов берилмайди, факат олмос доиралар билан яхши жилвирланади [8].

Кесувчи асбоблар тайёрлаш учун куйидаги асбобсозлик материаллари ишлатилади:

А) углеродли асбобсозлик пўлатлари.

Улар 1900 йилларда хам кесувчи асбоб тайёрлаш учун асосий материал бўлиб хизмат қиласар эдилар. Пўлатдаги углерод миқдори, унга эса пўлатнинг хусусиятлари бевосита боғлиқ, 0,06-1,4%ини ташкил қиласади. Асбобсозлик углеродли пўлатларни маркалари ва уларни кимёвий таркиби стандартларда келтирилган. Тегишли термик ишлов беришдан сўнг бу пўлатлар тегишли қаттиқликка эга бўлиши керак. Аммо углеродли пўлатлардан тайёрланган асбоб кесишида 200°C гача қизишга чидайди, кейин эса асбоб қаттиқлиги кескин пасаяди. Баъзи бир метал қирқувчи ёғочга ишлов берувчи асбоблар тайёрлашда (қўл метчиклари, эговлар ва хоказолар) У10А, У12А, У13, У13А каби углеродли асбобсозлик пўлатлари ишлатилади.

Б) асбобсозлик легирлаган пўлатлар.

Асбобсозлик углеродли пўлатларга легирланган элементар: хром, кремний, вольфрам, ванадий, молибден ва хоказоларни қўшиш орқали уларни ейилишга чидамлилигини ва кесиши қобилиятини ошириш мумкин. Бундай қўшимчаларга эга пўлатлар *легирланган пўлатлар* дейилади. Тегишли термик ишлов беришдан сўнг бу пўлатлар кесиши жараёнида юқорироқ температурагача қизишга- 250-300°C га чидайди. Бу эса бу пўлатлардан тайёрланган асбобда углеродли пўлатлардан тайёрланган асбобларга қараганда 1,1-1,4 марта каттароқ тезликларда ва кам ейилишда ишлаш имкониятини яратади. Легирланган пўлатларни кимёвий таркиби уларни гурухлари ва маркалари стандартлаштирилган. Кесувчи асбоб тайёрлаш учун 9ХС, X12Ф1, ХВСГ, ХВГ, В2Ф ва хоказо пўлатлар кенг қўлланилади.

В) 1900 йил бошларида олинган тезкесар пўлат таркибида 0,7% углерод, 14% вольфрам, 4% хром бўлган эди. Р харфи барча тезкесар пўлатлар маркалари олдига қўйилади, масалан, Р18. Р харфи иглизча "рапид"- тез сузидан олинган.

Бундай пўлатдан тайёрланган асбоб кесиши жараёнида 600°C гача қизишга чидайди. Тегишли ишлов берилгандан сўнг тезкесар пўлатдан тайёрланган асбобни қаттиқлиги НКС 62-65 ва хатто 67 бўлади ва углеродли ёки легирланган пўлатлардан тайёрланган асбобларга қараганда 2-3 баробар юқори кесиши тезликларида ишлаш мумкин. Тезкесар пўлатларни қаттиқлиги,

оташбардорлиги ва демак, ейилишга чидамлилигини энг самарадор усули пўлатдаги ванадий миқдорини оширишдир. Тезкесар пўлатларда марганес, кремний ва никелни миқдори 0,5%дан, олтингугуртники 0,03% ни, фосфорники 0,35%дан ортиқ бўлиши керак эмас. Агарда пўлат таркибида 0,5,%дан ортиқ миқдорда молибден бўлса у холда қўшимча М харфи билан белгиланади. Кесувчи асбоблар тайёрлашда қўйидаги маркадаги асбобсозлик пўлатлардан фойдаланилади. Р18, Р18М, Р12, Р9, Р6Н5, Р6Н5К5, Р9К5, Р9М4К8, Р9К10, Р10К5Ф5, Р14Ф4 ва хоказолар.

Г) қаттиқ қотишмалар.

Қаттиқ қотишмалар – бу кукунли металлургия усулида олинган қотишмалардир, улар нисбатан юқори қаттиқлигини 800-900°C қизишда ҳам сақлаб қоладилар. Қаттиқ қотишмали пластинкалар билан жихозланган асбоб нисбатан бошқа асбобсозлик пўлатларидан тайёрланган асбобларга нисбатан ейилишга чидамли бўлиб, юқори кесиш тезликларида ишлов беришга, яъни унумдорликни оширишга имкон беради. Қаттиқ қотишма билан жихозланган асбобни тегишли геометрик параметрларида кесиш тезлиги алюминийдан тайёрланган тайёрламага ишлов беришда 2700 м/мин ва пўлат 45дан тайёрланган тайёрламага ишлов беришда 500 м/мин.га етади. Бундан ташқари қаттиқ қотишмали асбоблар билан тобланган (ХРС 62 гача) тайёрламалар ва қийин ишлов бериладиган пўлатларни ишлаш мумкин. Энг кўп тарқалган асбоблар (кескич ва ёнли фрезалар учун охирги пайтда эса зенкер, развёртка, парма ва бошқалар) учун қаттиқ қотишма асосий материал бўлиб қолмоқда. Қаттиқ қотишмалар юқори зичликка ($9,5-15,1 \text{ г}/\text{см}^3$), қаттиқликка (ХРБ 86,5-91) ва юқори температурада ейилишга чидамликка эга. Вольфрамли гурухдаги қотишмаларда рақам кобальтни фоизли миқдорини кўрсатади. Масалан, ВК6 қотишмасида 6% кобальт ва 94% карбамид вольфрам бор. Титан вольфрамли гурух қотишмаларида К харфида кейинги сон кобальтни, Т – харфидан кейингиси эса карбамид титаннинг фоизли миқдорини кўрсатади. Масалан, Т15К6 қотишмасида 6% кобальт, 15% титан карбиди ва 79% вольфрам капбиди мавжуд. Агарда кетма-кет иккита Т харфи кўрсатилган бўлса (масалан, ТТ7К12), қотишмада титандан ташқари тантал ҳам мавжуд бўлади. Қотишмаларни қаттиқлиги карбидларнинг қаттиқлиги билан белгиланади. Қотишмада карбидлар қанчалик кўп бўлса, унинг қаттиқлиги шунчалик юқори бўлади. Аммо, қаттиқликнинг ошиши билан қотишманинг қовушқоқлиги камаяди, у мўртрок бўлиб қолади, эгилишга ва кесилишга юкланишларни ёмон кўтаради. Вольфрамли қотишмалар титан-вольфрамли қотишмаларга нисбатан қовушқоқлиги юқорироқ ва мўртлиги камроқ. Шунинг учун чўяндан тайёрланган тайёрламаларга ишлов беришда сочилиб кетадиган қирринди чиқканда ва кесувчи қирра яқинида зарбий пульсланадиган юкланиш бўлганда вольфрамли гурух қотишмалари ишлатилади. Улар шунингдек рангли ва енгил металл ва уларнинг қотишмаларидан тайёрланган тайёрламалар ҳамда нометалл материалларга ишлов беришда кўлланилади.

Вольфрамли қотишмалар маркалари ВК3М, ВК4, ВК6М, ВК8, ВК6, ВКВ ва хоказолар. М-майда доначали, В-йирик доначали структурали қотишмалар.

Титан вольфрамли қотишмалар конструкцион пўлатларга ҳамда оташбардор пўлат ва қотишмалардан тайёрланган ва юқори қовушқоқлик ва паст иссиқ ўтказувчани тайёрламаларга ишлов беришда қўлланилади. Маркалари T15K10, T15K12, T15K6, T5K12, T5K10 ва хоказолар.

Сўнгги йилларда карбид вольфрам ўрнига карбид титан, кобальт ўрнига никель қўллашга харакат қилинмоқда. Бундай қотишмалар маркалари THM20, THM25, шунингдек никель молибден ва нитрит титан асосидаги қотишмалар хам маълум (КНТ16- 84% титан нитрити ва 16% молибден никель).

Д) минералокерамик материаллар.

Қаттиқ қотишмалар кесиш жараёнини юқори унумдорлигини таъминласа хам, камёб ва қимматдир, чунки унинг таркибига нодир элементлар вольфрам, титан, тантал ва кобальт киради. Арzon, юқори унумдорликни таъминловчи минералокерамик материаллар топилган бўлиб, улар пластинка кўринишида чиқарилади. Бунда керамик пластиналар Al_2O_3 - алюминий оксидидан прессланиб ва термик ишлов бериб олинади. Уларни қаттиқлиги (HPB 89-95) оташбардошлиги (1200°C) ва ейилишга чидамлилиги юқори бўлиб, метални юқори кесиш тезликларида (чўянга ишлов беришда 3700 м/мин) ишлов бериш имкониятини беради. Уларни асосий камчилиги юқори муртлигидир, шунинг учун керамик материалларни асосан тоза ишлов беришда қўллаш тавсия этилади.

Маркалари - оқ керамика ВШ-чўянга яхши ишлов беради, қора керамика ВЗ- пўлат ва юқори мустахкам чўянга яхши ишлов беради.

Э) олмослар.

Олмослар - материалар ичida энг қаттиғи ($10000 \text{ кгс}/\text{мм}^2$), кимёвий кам фаол, паст ишқаланиш коэфисентига ва бўш адгезияга, юқори оташбардошлиқ (850°C), юқори ейилишга чидамлиликка эга; олмосни асосий камчилиги- унинг мўртлиги ва қимматлигидир. Металларни кесиб ишлашда асосан сунъий олмослар ишлатилади. Олмосли кескичлар асосан рангдор металлар, қотишка ва нометалл материалларга тоза (пардозловчи) ишлов беришда қўлланилади. Олмос кукунга айлантирилиб олмос-абразив асбоблар тайёрлашда ишлатилади.


Ж) элбор.

Элбор - янги юқори қаттиқ синтетик материал бўлиб, нитридборни куби - азот ва бор атомларидан иборат ва кубик панжарага эга модда асосида яратилган. У юқори қаттиқлик ($9400 \text{ кгс}/\text{мм}^2$), юқори оташбардорлик (1400°C), олмосга нисбатан юқорироқ мустахкамликка эга, юқори ейилишга чидамлиликка эга.

Элбор жилвиртош ва бошқа абразив асбоблар тайёрлашда кукун кўринишида ишлатилса, элбор-Р (яримкристаллик) эса устунчалар кўринишида кескичлар, ёнли фрезалар ва бошқа кескичлар [5]

Кесиш жараёнининг асосий элементлари

Цилиндрик юзаларнинг ташқи сиртига ишлов бериш, қуйидаги схема бўйича амалга оширилади (1.21-расм).




1.21 – расм. Цилиндрик юзанинг ташқи сиртига ишлов бериш

Кесишни асосий харакати- тайёрламани айланиши (n_T), суриш харакати- тайёрлама ўқи бўйлаб кескични сурилиши (S).

Бу схема токарлик дастгохларининг ишлашига асос солади. Бунга универсал токарлик дастгохларидан ташқари, токарлик яримавтоматлар ва автоматларни, токарлик револвер дастгохларини, пешонали токарлик дастгохларини, карусел дастгохларини ва бошқаларни ҳам киритиш мумкин.

Улар универсал токарлик дастгохларидан кўп асбобли созланиши, кўп ўрин холатли ва ишлов бериш доирасига тайёрламани автоматик узатиши билан фарқ қиласди.

Пешонали дастгохлар катта диаметрли диск туридаги деталларга ишлов бериш учун белгиланган. Карусел дастгохларнинг айланиш ўқи вертикаль ва кескич вертикаль юқоридан пастга суриладиган бўлиб йирик ўлчамли деталларга ишлов беради.




1.22-расм. Токарли ишлов бериш схемалари.

1.22-расмда токорлик-винтқирқар дастгоҳида тайёрламаларга ишлов бериш схемалари келтирилған. Одатда поғонали валларга (1.22-расм, б ва в) икки усулда ишлов берилади: құйимни ёки тайёрлама узунлигини қисмларга бўлган ҳолда.

Деталл ташқи юзаларини токарлашдан олдин уни ёнбошига ишлов бериш мақсадга мувофиқ ва уни схемаси 1.22 г-расмда келтирилған, шунингдек, валларга ишлов бериш (1.22-расм), ариқлар очиш (1.22 э-расм), пармалаш, зенкерлаш, развёрткалаш (1.22 ж-расм), ички юзаларни йўниб кенгайтириш (1.22-расм, з ва и) ҳамда ишлов берилган деталларни кесиб олиш (1.22 к-расм) схемалари келтирилған.


Қўлланиладиган асбоблар – токарлик кескичларни турли хиллари: ўтувчи, йўнувчи, тақалувчи, ўйиб кесувчи, қирқувчи ва бошқалар. Қаттиқ қотишмали ва ўта қаттиқ элбор материалидан тайёрланган пластиинкали тиғлар билан таъминланган (1.23-расм)

Ўнг ва чап кескичлар мавжуд бўлиб, уларни бир-биридан фарқи 7.3-расмда келтирилған.



1.23-расм. Токарли кескичлар.

Токарлик дастгоҳларида мосламаларни турли хиллари ишлатилади, улар ичида энг кўп ишлатиладигани уч қулочли патрондир (1.24 а-расм). Мосламалар сифатида турли хил режашайбалар, марказлар (1.24 б, д-расмлар), етакловчи патрон ва илгак (1.24 ж, з-расмлар), ишлов берилаётган тайёрлама бикрлигини ошириш учун люнетлар (1.24 и, жк- расмлар), турли хил оправкалар, тсангалардан фойдаланилади.



1.24-расм. Токарлашда ишлатиладиган мосламалар

Кесиш тартибининг элементлари.

Кесиш тартибини ҳисоблаш ва танлаш кесиш чуқурлиги “т”, суриш тезлиги “С” , кесиш тезлиги “В” (ёки айланишлар частотаси) ни аниқлаш билан амалга оширилади.

Бунда улар ичидан муқобили берилган дастгоҳ учун энг юқори унумдорлик ва иқтисодий қўрсаткични таъминловчиси бўлади. Кесиш тартибини ҳисоблашдаги бундай тартиб, яъни дастлаб “т” ни, кейин “С” ва охирида “В” ни аниқлаш кесиш чуқурлиги, катта сурилиш ва энг юқори кесиш тезлигини кесиш температураси, кейинчалик кескични ейилиши ва бардошлилигига энг кам таъсир кўрсатиш билан тушунтирилади.

Кесиш тартибини тўғри тайинлаш учун қуйидагиларни билиш керак :

- тайёрламанинг материали ва унинг физик-механик хоссаларини;
- тайёрламанинг ўлчамларини;
- деталь ўлчамлари ва унинг ишлов берилган юзаларининг техник шартларини;
- механик ишлов бериш учун қўйимни;
- асбобнинг кесувчи қисмининг материали ва геометрик қўрсаткичлари;
- асбоб ўлчамлари ва мақсимал рухсат этилган ейилиши ва бардошлилиги;
- берилган дастгоҳнинг кинематик ва динамик таснифлари.

Кесиш чуқурлиги асосан ишлов бериш учун белгиланган қўйимни қиймати билан аниқланади.

Дастлабки ишлов беришда амалга оширилгандек қўйимни бир ўтища олиб ташлаш қулай бўлади. Бунда кесиш чуқурлиги “т” қўйим қиймати “З” га teng бўлади.

Ярим тоза ишлов бериш $(\sqrt[6,3]{\cdot}) - (\sqrt[1,6]{\cdot})$ одатда икки ўтища бажарилади. Биринчи қора ўтиш кесиш чуқурлиги $t = (2/3 -- 3/4) Z$ да, иккинчи, якуний ўтиш эса $t = (1/3 - 1/4) Z$ да амалга оширилади.

Икки ўтища ишлов бериш, бир ўтища олинадиган қўйимдан хосил бўладиган юза тозалигининг сифати паст бўлиши билан тушунтирилади. Иккинчи якуний ўтища ушбу “нуқсонли” қатлам олиб ташланади ва ишлов берилган юзанинг сифати ошади. Катта тезлик билан қаттиқ қотишмали кескичда ишлов беришда ярим тоза $(\sqrt[6,3]{\cdot} - \sqrt[1,6]{\cdot})$ ва тоза $(\sqrt[0,8]{\cdot} - \sqrt[0,4]{\cdot})$ ишлов бериш бир ўтища амалга оширилади. Чунки юқори тезликдаги кесиш ишларида ишлов берилган юзанинг сифати юқори бўлишлиги таъминланади.

Суриш тезлиги ишлов берилган юзанинг талаб қилинган ғадир-будрлиги билан аниқланади.

Бунга боғлиқ ҳолда суриш тезлигининг ҳисоблашни икки йўли мавжуд.
- ишлов берилган юза сифатига юқори талаб қўйилмаганда;
- ярим тоза ва тоза ишлов беришда ишлов бериладиган юза сифатига юқори талаб қўйилганда.

Биринчи ҳолда суриш тезлигининг энг катта қиймати кесувчи асбобнинг мустахкамлиги ва бикрлиги, тайёрламанинг бикрлиги, узатиш механизмини деталларининг ва дастгоҳнинг асосий харакат механизми деталларининг мустахкамликлари билан чегараланади.

Танлаб олинган суриш тезлигидаги кесиш қучи P_z , кескични рухсат этилган бикрлигидаги максимал қучланиш P_{36} дан ортиб кетмаслиги керак яъни

$$P_z \leq P_{зббик}$$

Аммо:

$$P_{зббик} = \frac{3fEJ}{l^3}$$

Бу ерда : ϕ –кескични рухсат этилган эгилиши

$f \approx 0,1$ мм, дастлабки йўнишда

$f \approx 0,05$ мм, тоза йўнишда

Э - тутқич материалининг эластиклик модули,

Э – $2 \cdot 10^5 \div 2.2 \cdot 10^5$ МН/м² пўлат учун

Ж - туткичнинг инерция моменти

$J = \frac{BH^3}{12}$ -кўндаланг кесим тўртбурчак юза учун


$J = 0,05d^4$ - кўндаланг кесим айланга юза учун

Бу қийматларни биринчи тенгсизликка қўйиб қуйидагига эга бўламиз.

$$10C_p * t^x * S^y \leq \frac{3fEJ}{l^3} \text{ ёки } 10C_p * t^x * S^y \leq \frac{fE * BH^3}{4l^3}$$

у ердан: $S_{pукc} \leq \sqrt{\frac{f * E * B * H^3}{40C_p * t^x * l^3}}$

P_1 кучлар йиғиндиси таъсирида тайёрлама ҳам эгилади (1.25-расм).



1.25-расм. Кесиша таъсир этадиган кучлар

Тайёрламанинг диаметри ва узунлигига, махкамлаш усулига боғлиқ холда, тайёрламани эгилиши натижасида ишлов берилган юза бочкасимон (тайёрламани икки томонидан таянтириш ёки конуссимон консол қилиб махкамлашда) шаклларни олади.

Шунинг учун ҳам танлаб олинган суриш тезлиги тайёрламани рухсат этилган, деформасиядаги берилган қиймати чегарасидан катта бўлган кучларни келтириб чиқармаслиги зарур.

$$P_1 \leq P_{бикр.рухс}, \text{ бу ерда } P_1 = \sqrt{P_z^2 + P_y^2}$$

Тайёрлама марказга махкамланган холатда ва кескич ўртасидаги рухсат этилган максимал куч қуидагича аниқланади:

$$P_{\text{рухс.бикр}} = \frac{48EJf}{L^3} , \text{ н}$$

Патрон ва марказга махкамланган холатда:

$$P_{\text{рухс.бикр}} = \frac{768EJf}{L^3} , \text{ н}$$

Патронга консол қилиб махкамланган холатда:

$$P_{\text{рухс.бикр}} = \frac{3EJf}{L^3} \text{ н}$$

Формулалардаги Ж қ тайёрламанинг қўндаланг кесимини инерция моменти.

$$J = 0,05 * D^4$$

ф=тайёрламани рухсат этилган деформасияланиши ;

ф = 0,2-0,4 мм-дастлабки йўнишда;

ф ≤ 0,1- жилвирлаб йўнишда;

ф ≤ 1/5 δ -аниқ ишларда;

Л - тайёрламанинг таянч нуқталари орасидаги масофа.

Ишлов берилган юза ғадир-будирлигига юқори талаб қўйилган холларда суриш тезлигининг энг катта қиймати фақат юза ғадир-будирлиги бўйича чегараланади, чунки суриш тезлиги қанча катта бўлса юза ғадир-будирлик синф шунча кичик бўлади.

Токарлик дастгоҳларидаги йўнишда ишлов берилган юза ғадир-будирлигига боғлиқ холда суриш тезлиги қуидаги формула бўйича хисобланиши мумкин.

$$S = \frac{C_H \cdot R_{\max}^y \cdot r^u}{t^x \cdot \varphi^z \cdot \varphi_1^z} \text{ мм/айл}$$

Бу ерда:

C_H – ишлов бериш шароитини таснифловчи коэффицент;

R_{\max} – микронотекисликларни максимал баландлиги, мкм да;

r -кескич учидаги айлана радиуси, мм;

t -кесиш чуқурлиги, мм;

φ -режадаги бош бурчак;

φ_1 -режадаги ёрдасмчи бурчак;

C_H – ва даража кўрсатқичларидаги коэффицентлар қийматлари 7.1-жадвалда келтирилган

7.1-жадвал

Ишлов материаллар	бериладиган	C_H	у	у	x	з
Пўлат		0,008	1,40	0,70	0,30	0,35
Чўян		0,045	1,25	0,75	0,25	0,50

Умуман суриш тезлигининг қиймати тахминан олинади, чунки формулада ишлов бериладиган юза ғадир-будирлигига кесиш тезлигининг таъсири

инобатга олинмаган, шунинг учун ҳам амалда махсус жадваллардан фойдаланилади.

Ҳисобланган ёки жадвалдан танланган суриш тезликлари дастгохнинг берилган кинематикаси бўйича ўзгартирилиши керак бўлади (суриш тезлигининг энг яқин кичик қиймати олинади).

Кесиш тартибининг энг асосий маъсулиятли элементларидан бири кесиш тезлиги ҳисобланади, чунки у кесиш температурасига, натижада асбоб ейилишига катта таъсир кўрсатади.

Кесиш тезлигини ҳисоблаш учун эмперик формуулалардан фойдаланилади. Масалан токарли йўниш учун формула қуидаги кўринишга эга:

$$V = \frac{C_v}{T^m * t^{x_v} * S^{y_v}} * K_v, \text{ м/мин}$$

Бу ерда:

- С_В - материал ва ишлов бериш шароитини таснифловчи коэффициент;
- Т- асбобнинг берилган бардошлилиги;
- С- тайёрламанинг бир айланишдаги сурилиши;
- т- кесиш чуқурлиги;
- К_В – тўғриловчи коэффициент.

Топилган кесиш тезлиги бўйича айланишлар сони ҳисобланади.

$$n = \frac{1000 * V}{\pi * D}, \text{ мин}^{-1}$$

Аниқланган айланишлар сони дастгоҳ бўйича ўзгартирилади. Энг яқин кичик қиймати олинади, ёки 5%дан ошмаган энг яқин катта қиймати олинади ва ишлов бериш амалга ошириладиган хақиқий айланишлар сони топилади, бу бўйича хақиқий кесиш тезлиги ҳисобланади.

$$V_x = \frac{\pi * D * n_x}{1000} \text{ м/мин}$$

Дастгоҳ қуввати бўйича текшириш танланган кесиш чуқурлиги, суриш, кесиш тезликлари, дастгохнинг электродвигатели қуввати бўйича текширилади.

Қувватни аниқлаш учун олдин кесиш қучини аниқлаш зарур:

$$P_z = 10 * C_p * t^{x_p} * S^{y_p} * V^{n_p} * K_p (\text{Н})$$

У ҳолда кесиш учун сарифланадиган қувват

$$N_{kec} = \frac{P_z * V_x}{60 * 1020} \text{ квт}$$

Электродвигателни ҳисобланган қуввати.

$$N_m = \frac{N_{kec}}{\eta} \text{ квт}$$

Агар Н_M электродвигателни қувватидан катта бўлса, айланишлар сонини камайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Йўнишда 10-6 квалитетлар ўлчам аниқлиги ва 6-7 тоза ғадир будирлиқ синкларига эришиши мумкин.

Асосий технологик вақт қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$T_{a.m.} = \frac{L}{S_0 * n}$$

Бу ерда:

Л- кесиқични сурилиш йўналиши бўйича ҳисобланган ишлов бериш узунлиги, мм

C_0 - тайёрламанинг бир айланишдаги сурилиши, мм/айл

н- айланишлар сони, мин⁻¹

$C_{\text{мин}}$ -минутли суриш қуйидагича аниқланади

$C_{\text{мин}}=C_a * n$ мм/мин [7].

Абразив материаллар. Механик хоссалари ва қўлланилиш доираси. абразив асбобларининг қаттиқлиги, донадорлиги ва структураси.

Жилвирлаш- бу кесувчи элементлари абразив материал доначаларидан ташкил топган асбоб ёрдамида металларни кесиш жараёнидир. Жилвирлаш доирасининг ишчи қисми, бирикмада бетартиб жойлашган ва маълум шаклга эга бўлмаган, кўп сонли алохиди абразив доналарининг кесувчи тигларидан ташкил топади.

Хар бир дона бошқа хар қандай кесувчи асбоб каби олдинги ва кетинги бурчакларга эга, бу ҳолда абразив доналарининг асосий фарқи манфий олдинги бурчакларни борлиги ҳисобланади. Бундан келиб чиқиб жилвирлашда абразив доналар тайёрламага катта куч таъсирини кўрсатади, ажратилаётган материалнинг кучли пластик деформацияланиши қириндини юқори хароратгача қизишини келтириб чиқаради, шунингдек юқори кесиш тезлиги (2400м/мин. гача) хам бунга сабаб бўлади. Қириндининг харорати 1000-1200⁰ С га етади, бир қисми учқун хосил бўлиши орқали хавода ёниб кетади. Иссиқлик ва куч таъсирида ишлов берилган юзага тузилмавий, физик-механик хоссаларни ўзгаришлари содир бўлади, масалан носоз қатлам хосил бўлади. Бундай таъсирларни камайтириш учун материалга кўп микдорда мойловчи – совутувчи суюқлик бериш билан ишлов берилади.

Жилвирлашдаги қиринди хосил бўлиш жараёнида хам фреза тишлари амалга оширадиган қиринди хосил бўлиш жараёни каби ходисалар кузатилади, қириндилар сонини кўп, 1минутда 100 млн.гача жуда ингичка қиринди кесилади.

Кичик ўлчамига қарамасдан қириндли, металларни кесиб ишлов беришнинг бошқа турларида олинадиган қиринди тури ва тузилишига эга, барча доналари хам кесища иштирок этолмаганлиги сабабли меёрли қиринди билан бир қаторда юқори хароратда куйган металл чанглари хам олинади. Ишлов берилган юза абразив доначалар микроизлари йиғмаси қўринишида бўлиб, кичик гадир – будурликка эга бўлади.

Ишлов беришнинг бошқа турларида рўй берадиган умумий холлар билан бир қаторда жилвирлаш жараёни қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

-кесувчи элементлар доналар сонининг кўплиги ;

-нотўғри шаклдаги кўп томонли шаклга эга бўлган, турли геометрик шаклдаги доналар мавжудлиги;

-абразив доналар жуда юқори қаттиқликка ва ейилишга бардошлилик хусусиятига эгалиги;

-жилвирлаш доиралари ўзини-ўзи чархлаш хусусиятига, яъни жилвирлаш жараёнининг ўзида доналарни янгилаш хусусиятига эга.


Жилвирлаш доиралари ишлаши натижасида доналарни кесувчи кирраларни секин-аста синиши ва унинг ўтмаслашиши юзага келади. Айрим доналар бутунлай қўпорилиб бирикишдан чиқиб кетади, яни бу икки ходисадан бирига боғлиқ холда жилвирлаш доираси секин-аста ўтмаслашади ёки ўз-ўзини чархлаши юз беради.

Табийки жилвирлаш доираларининг ўтмаслашиши ёки ўзини-ўзи чархлаш хоссалари нафақат доналари хоссаларига балки уларни боғловсхиларига хам боғлиқ бўлади. Агар боғловчининг мустахкамлиги кучсиз бўлса дона тўла ўтмаслашгунга қадар чиқиб кетади ва ундан тўла фойдаланиб бўлмайди. Аксинча, боғловчи жуда хам мустахкам бўлса донани тўла ўтмаслашгандан кейин хам ўзида ушлаб туради ва у кесмай қўяди, уни тўғрилаш зарур, яъни ўтмаслашган абразив доналар қатламини олмосли қалам билан кесилади.

Жилвирлаш кенг тарқалган, унинг ёрдами билан деталларга юқори аниқликда тоза ва жилолаб ишлов бериш мумкин. Турли материалларга, айниқса тобланган пўлатларга ишлов бериш кенг тарқалган. Баъзи ҳолларда жилвирлаш самарадорлиги бўйича фрезалаш ва токарлаш билан рақобатлашади.

Хозирги вақтда жилвирлаш турларини сони кўп. Энг кенг тарқалгани-доиравий ташқи жилвирлаш (марказда ва марказсиз), ички жилвирлаш, яssi жилвирлаш, маҳсус жилвирлаш(резьба ва тиш жилвирлаш) ва бошқалар

Марказда доиравий ташқи жилвирлаш. Доиравий ташқи жилвирлаш доиравий жилвирлаш дастгохида амалга оширилади. (10.1-расм)



1.26-расм. Марказда доиравий ташқи жилвирлаш усуллари.

Марказда доиравий ташқи жилвирлашнинг учта тури мавжуд:

- бўйлама суриш билан;
- чуқурли жилвирлаш;
- кўндаланг жилвирлаш (ботириб жилвирлаш).

Бўйлама суриш билан жилвирлашда жилвирлаш доираси икки харакатга эга: ўз ўки атрофида айланиши ва тайёрламага нисбатан кўндаланг суриш. Тайёрлама ўз ўки атрофида айланма ва ўз ўки бўйлаб илгариланма-қайтма харакатларга эга. Бунда кўндаланг суриш тайёрламанинг бўйлама юришининг охирида амалга оширилади ва унинг бир ёки икки юришидан кейин амалга оширилади (1.26 а-расм).

Жилвирлашни бу усули нисбатан узун тайёрламалар учун қўлланилади.

Доирали ташқи чуқурли жилвирлашда доира факат айланма, тайёрлама эса айланма ва илгариланма-қайтма харакатга эга (1.26 б-расм).

Бу усул нисбатан калта цилиндрик юзаларни жилвирлаш учун қўлланилади ва юқори унумдорлиги билан фарқланади, чунки жилвирлаш учун қолдирилган қўйим нисбатан катта бўлмаган бўйлама суриш билан бир ўтишда олинади.

Кўндаланг суриш билан доиравий ташқи жилвирлашда, жилвир доираси айланма ва тайёрламага қараб кўндаланг суриш харакатига эга. Тайёрлама факат айланма харакатга эга (1.26 в-расм).

Кўндаланг суриш қиймати тайёрламанинг бир айланишига 0,0025 дан 0,02мм. гача бўлади. Тоза жилвирлашда 0,001 дан 0,12 мм/айл гача бўлади. Бундай схемада тайёрлаш имконияти бўлиши учун жилвирлаш доирасининг эни тайёрламанинг ишлов бериладиган қисмининг энидан катта бўлиши керак.

Бу усул йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришларда калта деталлар учун қўлланилади ва кенг жилвирлаш доираси билан таъминланган қувватли бикр жилвирлаш дастгохини талаб қиласи.

Усул қўйидаги афзалликларга эга:

- юқори унумдорликка эга, чунки жилвирлаш бир вақтнинг ўзида бир нечта жилвирлаш доираси билан амалга оширилгандек бўлади;
- тайёрламани шаклли ёки погонали юзалар бўйича тегишли равища доира тўғриланиб жилвирлаш имкониятини борлиги;
- тайёрламанинг бир нечта погоналарини хар хил диаметрлар билан бир вақтнинг ўзида иккита ёки кўп сонли жилвирлаш доираларида жилвирлаш имконияти мавжуд.

Бўйлама суриш билан доирали ташқи жилвирлашда кесиши тартибининг элементлари. Бўйлама суриш S бу жилвирлаш доираси ва тайёрламага нисбатан ўқлари бўйлаб унинг бир айланишига силжиши катталигидир (мм/айл), одатда у доира энини бўлагига берилади:

- $S_b = (0,3-0,5)B$ – қора ишлов бериш учун, $d < 20\text{mm}$;
- $S_b = (0,7-0,85)B$ – қора ишлов бериш учун, $d > 20 \text{ mm}$;

-Sb= (0,2-0,3)B- пўлатга тоза ишлов бериш учун;

-Sb= (0,25- 0,4)B- чўянга тоза ишлов бериш учун.

B-жилвирлаш доираси эни.

Минутига бўйлама суриш ёки столнинг бўйлама юриш тезлиги:

$$V_{cr} = \frac{S_6 B n_t}{1000} \text{ м/мин}$$

Бу ерда: n_t тайёрламани айланишлар сони, мин⁻¹

Кесиш чуқурлиги (доирани кўндаланг суриши) ишлов берилган юзага перпендикуляр юналишда ўлчанади ва ўзида жилвирлаш доираси билан бир ўтишда оладиган металл қатламини тасвирлайди:

$$t = \frac{d_t - d_a}{2}, \text{мм}$$

$t=0,01-0,025$ mm. -қора жилвирлашда;

$t=0,005-0,015$ mm. -тоза жилвирлашда.

Тизимни эластиклиги, тайёрлама ва доирани кўчиши эвазига бир ўтишдаги кесиш чуқурлиги берилганидан кичик бўлади яни $t_x < t_b$, шунинг учун хам талаб қилинган ишлов бериш аниқлиги ва сифатини олиш учун суришсиз бўйлама салт юришлар амалга оширилади, бу аниқлик коэффициенти ҳисобга олиш билан асосий вақтни кўпайтиради.

Тайёрламани айланишлар сонини қуидаги формула бўйича аниқлаш мумкин:

$$n_t = \frac{1000 V_t}{\pi D_t} \text{ min}^{-1}$$

V_t -тайёрламанинг айланиш тезлиги жилвирлаш доирасини аниқланган бардошлилигидан келиб чиқиб қуидаги эмперик формуладан топилади:

$$V_t = \frac{C_v D_t^{q_v}}{T^m t^{x_v} S_6^{y_v}} \text{ м/мин}$$

Бу ерда: T - жилвирлаш доирасини тўғрилашлар орасидаги бардошлилиги;

С-ишлов берилаётган материал физик-механик хоссаларини ҳисобга олувчи коэффициэнт:

-тобланмаган пўлатни жилвирлашда $-Cv=0,055$;

-тобланган пўлатни жилвирлашда $-Cv=0,55$.

Чўянни жилвирлашда тайёрламани айланиш тезлиги тобланмаган пўлат тайёрламасининг айланиш тезлигидан 1,3 марта катта олинади.

Жилвирлаш доирасининг айланиш тезлигини хамма вақт катта олган маъқул, лекин бу жилвирлаш доираси шакли ва боғловсхиларига боғлиқ бўлган доира мустахкамлиги билан чегараланади. Керамикали боғловсхили жилвирлаш доирасининг айланиш тезлиги 30-35 м/сек олинади, бакелитли боғловсхили жилвирлаш доирасида эса, 35-40 м/сек ва ундан юқори тезликда

ишлиш имконини беради. Доирани айланишлар частотаси қуидаги формуладан топилиши мүмкін:

$$n_a = \frac{1000 * 60 V_a}{\pi D_a}, \text{min}^{-1}$$

асосий вақт қуидаги формула бүйича ҳисобланади.

$$T_a = \frac{Lz}{\pi t S_b} K \text{ мин}$$

Бу ерда: L-столни бүйлама юриш узунлиги, мм;

z- томонларга қуим, мм.;

n_z - тайёрламанинг айланишлар частотаси, min^{-1} ;

S_b – улушли суриш, мм.;

B- жилвирлаш доираси эни, мм.;

t- юришдаги кесиш чукурлиги, мм.;


K- аниқлик коэффициенти:

-қора жилвирлашда -K=1,2-1,4;

-тоза жилвирлашда -K= 1,25-1,7

Жилвирлашдаги куч ва қувват. Жилвирлаш билан кесишга қарсхилик қылувчи кучнинг teng таъсир этувчиси хам, йўнишдаги каби учта узаро перпендикуляр ташкил этувчи кучлар (P_z , P_y , P_x)га бўлинади (1.27-расм).

Йўнишдагидан фарқи – жилвирлашда энг катта куч P_y ҳисобланади, чунки доналар олдинги бурчаклари манфий ва думалоқлашган: $P_y=(1,5-3) P_z$.



1.27-расм. Жилвирлашдаги кучлар.

Жилвирлашда қувват қуидаги эмперик формула орқали ҳисобланади:

$$N = C_N V_t^l t^x S_b^y d_t^q \text{ кВт}$$

Доиравий жилвирлаш операциялари.

Қора жилвирлаш бирламчи токарли операциясиз амалга оширилади, бунда $V_j=50 \div 60 \text{ m/s}$. Қора жилвирлашда 8-9 квалитет ўлчам аниқлиги, 5÷6 гадир-будурлик синфи олинади. Бу усул аниқ тайёрламаларга ёки тигли асбоблар билан қийин ишланадиган тайёрламаларга ишлов берилганда қўлланилади.

Бирламчи жилвирлаш одатда токарли ишлов беришдан сўнг қўлланилади ва $V_j=40 \div 60 \text{ m/s}$. Бирламчи жилвирлаш тоблашдан олдин асос юзалар яратиш учун ёки охирги ишлов беришга юзани тайёрлаш учун

қўлланилади . Ўлчам аниқлиги 6-9 квалитет, юза гадир-будурлиги 7-6 синфлар атрофида бўлади.

Охирги жилвирлаш. Бунда $V_j=35\div40$ m/s, ўлчам аниқлиги 5-6 квалитет, юза гадир-будурлиги синфи- 9-7 синфлар атрофида бўлади.

Нафис жилвирлаш. Асосан юза гадир-будурлигини 10-12 синфлар бўйича олишда қўлланилади, олинадиган қўйим 0,05-0,1 мм диаметрга ва бу ерда бирламчи жилвирлаш бажарилиши керак.

Металлқирқувчи дастгоҳларнинг класификацияси ва уларда бажариладиган операциялар

Металлқирқувчи дастгоҳлар технологик машина бўлиб хизмат қиласи ва берилган детални шакли ва ўлчамлар бўйича талаб этилган аниқлик ва ишлов берилган юза сифати билан олиш учун материалларни кесиб ишлашга мўлжалланган.

Замонавий металлқирқиши дастгоҳларга қўйилган асосий талабларни қўйидагича белгилаш мумкин:

1. Ишлаб чиқарилаётган деталга талаб қилинган шакли ва ўлчамларини аниқлигини, хамда ишлаб чиқарилган юза сифатини таъминлаган холда мумкин бўлган максимал унумдорликка эга бўлиши.
2. Бошқаришнинг оддийлиги ва қулайлиги.
3. Мумкин бўлган кичик металл сарфи ва ташқи ўлчамлари.
4. Дастребаки нарихи ва ишлатиш сарфи кичиклиги.
5. Конструкциясини технологиявийлиги.

Белгиланган талаблар бўйича замонавий дастгоҳсозликни асосий техник тараққиёт тенденцияси аникланади:

1. Кесиш ва суриш ҳаракатларни тезликларини ошириш (дастгоҳда ишлаб чиқариш вақтини камайтириш мақсадида).
2. Дастребаки аниқлигини ошириш.
3. Бикирлигини ва титрашга чидамлилигини ошириш.
4. Агрегатлаштиришни қўллаш.
5. Дастребаки унификациялаштириш.
6. Бошқаришни автоматизациялаштириш.
7. Даструр бўйича бошқарувли дастребаки жорий қилиш.

Дастгоҳларни класификацияси ва уларда бажариладиган операсиялар.

Қабул қилинган класификация бўйича дастребаки 9 гурӯхга бўлинади. Хар бир гурӯҳ 9 турга бўлинади. Дастребаки уч-тўрт рақамдан иборат индекс билан белгиланади.

Биринчи рақам – дастребаки гурӯхини белгилайди.

Иккинчи рақам – турини белгилайди.

3 ва 4 рақамлар – дастребаки мухим ўлчамлари билан боғланган.

Индексдаги ҳарф дастребаки асосий моделининг модификациясини белгилайди.

Дастгоҳларни гурӯхлари:

1. – токарлик;
2. – пармалаш ва йўниб кенгайтириш;
3. – жилвирлаш;
4. – комбинациялаштирилган;
5. – тиш ва резьба ишлов берувчи;
6. – фрезерлаш;
7. – рандалаш, протяжкалаш, долбёжкалаш;
8. – кесиб ташловчи;
9. - хар хил.

Белгилаш мисоли – 6M82

6 – фрезерлаш дастгоҳи;
 М – дастгоҳни асосий моделини варианти;
 8 – горизонтал фрезерлаш дастгоҳ;
 2 – дастгоҳнинг столини номери.

2A135

2 – пармалаш дастгоҳи;
 А - дастгоҳни асосий моделини варианти;
 1 – вертикал пармалаш дастгоҳ;
 35 – пўлатни пармалашда шартли максимал диаметри.

Дастгоҳларни шартли бўлиниши.

1. Ихтисослаштириш (специализация) бўйича:
 - а) Универсал - донавий ва майдасерияли корхоналарда қўлланади;
 - б) ихтисослаштирилган (специализированные) дастгоҳлар – конструкцияси бўйича ўхшаш, аммо ўлчамлари ҳар хил, бир турдаги деталларга ишлов бериш учун мўлжалланган. Уларга тишга ишлов берувчи, резьба кесувчи, пармалар чахловчи ва ҳоказолар киради – серияли ва оммавий корхоналарда қўлланади;
 - в) маҳсус дастгоҳлар – фақат бир берилган деталларга ишлов беришга мўлжалланган – оммавий қорхоналарда қўлланади.
2. Аниқлик даражаси бўйича:
 - а) **H** синфи - нормал аниқликдаги, бу синфга кўпчилик универсал дастгоҳлар киради;
 - б) **P** синфи - яхшиланган аниқликдаги дастгоҳлар, буларни тайёрлашда дастгоҳ деталларига ва йигишга каттик талаблар қўйилади;
 - в) **B** синфи – юқори аниқликдаги дастгоҳлар, буларни деталлари тайёрлаш ва йигиш жараёни жуда сифатли бажарилади;
 - г) **A** синфи – ўта юқори аниқликдаги дастгоҳлар, буларни деталларини тайёрлаш ва йигиш жараёни **B** синф дастгоҳларига нисбатан юқори сифат билан тайёрланади;
 - д) **C** синфи – мастер-дастгоҳлар дейилади ва **B** ва **A** синфдаги дастгоҳлар учун деталлар тайёрлашда кўлланилади.

А, В ва С синфдаги дастгоҳлар доимий температура ва намлик сақланувчи хоналарда ишлатилади.

3. Вазн бўйича:

- а) нормал вазндаги дастгоҳлар, 10 т. гача;
- б) оғир вазндаги дастгоҳлар, 100 т. гача;
- в) ўта оғир вазндаги дастгоҳлар, 100 т. дан юқори.

Металқирқиши дастгоҳлардаги ҳаракатлар.

Чизмада кўрсатилган юзани ишлаб чиқариш учун кесувчи асбоб тайёрламага нисбатан ҳаракатланиши шарт.

Асосий ҳаракат – бу кесиш ҳаракати – айланма ёки тўғри чизиқли бўлиши мумкин.

Айланма – 1, 2, 3, 4, 5 ва 6 гурухдаги дастгоҳларда учрайди.

Тўғри чизиқли – 7 ва 8 гурухдаги дастгоҳларда учрайди.

Суриш ҳаракати – бу ишлов берилаётган юза бўйича мўлжалланган қатламни (припускни) кесиб ташлаш мақсадида таёrlамани ёки кесиш асбобни ҳаракати.

Ёрдамчи ҳаракат – ишчи органларни кесиш зонасига якинлаштириш, кесиш тезликларни ва суриш ҳаракатни созлаш ва хоказо.

Ўлчамликлар:

Асосий ҳаракатни тезлиги – *B* м/мин.

Суриш ҳаракатни (тезлиги) қиймати:

- а) токар, пармалаш ва бошқа дастгоҳларда – *C* мм/айл.;
- б) рандалаш дастгоҳларида – *C* мм/иккилали юриш;
- в) фрезерлаш дастгоҳларида - *C* мм/мин.

Замонавий сонли дастурли бошқариладиган металл қирқувчи дастгоҳлар тузилиши, асосий ишчи қисмлари ва ишлаш тамоиллари

Хозирда барча замонавий машинасозлик корхоналарида замонавий сонли дастурли бошқариладиган дастгоҳлар қўлланилиб келинмоқда.

16К20Ф3 моделли токарлик дастгохи.

Бу дастгоҳ СДБ токарлик дастгоҳлари ичида энг кўп таркалган бўлиб, погонали ва турли мураккаблиқдаги эгри чизиқли профилга эга бўлган ташқисцилиндрсимон сиртлар ишлаш учун хамда битталаб, кам сериялаб, сериялаб ишлаб чиқариш шароитида резьба қирқиши учун мулжалланган. БД стандарт кодлардан бирида перфолентага эзиз олинади. Дастгоҳ ИИ класс аниқлигига. Дастгоҳнинг СДБК суппортнинг иккита координата бўйлаб сурилишини, шпиндель тезлигининг автоматик алмашлаб уланишини, асбоблар каллаксининг олтита позициядан истаган бирида индексацияланиши, шунингдек ёрдамчи командаларнинг бажарилишини таъминлайди.

Дастгох СДБК нинг «Контур 2ПТ-71» (дастгоҳнинг 16К20Ф3С1 модели), «Электроника НС-31» (дастгоҳнинг 16К20Т1 модели) ва бошка моделлари билан жихозланади.

16К20Т1 моделли токарлик дастгохи.


Конструкциясига кўра бу дастгох 16К20Ф3 моделли дастгоҳка ўхшаш, лекин у икки координатали контурли оператив «Электроника НС-31» моделли СДБК билан жихозланган бўлиб, чизикли-доиравий интерполясияни таъминлайди. Ижрочи органларнинг сурилиши хам абсолют, хам нисбий координаталар тизимида амалга ошади. СДБК нинг дискретлиги З ўки бўйлаб 0,01 мм/имп га хамда X ўки бўйлаб 0,005 мм/имп га тенг. Суриш тезлиги 0,01-20,47 мм/айл; тез суришлар тезлиги X ўки буйича 5 м/мин ни ва З ўки буйича 7,5 м/мин ни ташкил этади.

СДБК нинг «Электроника НС-31» модели БД ни киритиш ва оператор пультнинг клавиатураси ёрдамида таҳрир қилиш, шунингдек БД ни оператив хотирада саклаш ва ташқи хотирада узок муддат саклаш имконини беради. Ташқи хотира кассетаси (TXK) куринишида ясалган бўлиб, дастурларни дастгоҳдан ташқарида саклаш учун мулжалланган. Пультда терилган исталган БД, зарур бўлса, TXK га ёзилиши мумкин. TXK да сакланадиган БД ни дастгоҳда бажариш учун мазкур БД ни аввал СДБК нинг оператив хотирасига ёзиш лозим.

БД кадрларини теришда командаларнинг қуидаги адресларидан фойдаланилади: № - кадр номери; X – кескичнинг кўндаланг сурилиши; З – кескичнинг бўйлама сурилиши; Р – кўшимча геометрик параметрлар; С – шпинделнинг айланиш частотаси; Т – бурилма кескичнинг позициясини танлашга команда; Ф – резьбанинг сурилиши ёки қадами; Г – тайёрлов функцияси; М – ёрдамчи функция.

16К20Ф3С5 моделли токарлик дастгохи.

СДБК нинг Н22-1М модели билан жихозланган бу дастгох хозирги вақтда кенг тарқалган. Дастгоҳни унда жойлашган пультдан хам, СДБК пультидан хам бошқариш мумкин.



1.28- расм. Токарли СДБ дастгоҳини а) умумий кўриниши, б) схемаси .

СДБ консолли 6Р13Ф3 модели вертикал-фрезалаш дастгоҳи вазифаси ва конструктив хусусиятлари.

СДБ фрезалаш дастгоҳлари оддий щаклли планкалар, ричаглар, копкоклар, корпуслар ва қронштейнларнинг сиртларини, қулачок, андаза каби мураккаб шаклли контурларни, корпус деталларнинг сиртларини фрезалаш учун мулжалланган. Фрезалаш дастгоҳларининг технологик имкониятлари дастгоҳнинг конструкцияси, компоновкаси, аниқлик класси ва СДБ тизимининг техник характеристикаси билан белгиланади. Фрезалаш дастгоҳлари дасцилиндрсимон, учли ва шаклдор фрезалар билан фрезалаш, кескичлар билан йўниб кенгайтириш, пармалаш, зенкерлаш ва развёрткалаш мумкин.

Компоновкасига кўра дастгоҳлар консолли-фрезалаш, консолсиз, бўйлама-фрезалаш дастгоҳларига бўлинади. Дастгоҳнинг шпинделлари вертикал ва горизонтал жойлашган; асбоби қулда ва автоматик йўсинда алмаштириладиган; бир ва кўп шпинделли; уч ва ундан кўп координаталари бошкариладиган хиллари ишлаб чиқарилади.

Консол-фрезалаш дастгоҳларининг ўзига хос томони шундан иборатки, эни 200, 250, 320 ва 400 мм бўлган столи учта координата ўклари (Х, У, З) бўйлаб сурилади; бу дастгоҳлар ўлчамлари учун катта бўлмаган деталлар


ишлашга мўлжалланган бўлиб, Н ва П аниқлик классларида ишлаб чиқарилади.

Консолсиз дастгоҳларнинг эни 250, 400 ва 630 мм бўлган столи горизонтал текислиқда, фрезалаш каллакси эса вертикал текислиқда сурилади.

Столнинг эни 400-5000 мм бўлган бўйлама-фрезалаш дастгоҳларининг қўзалмас ёки қўзгалувчан ёндорда суриладиган горизонтал эки вертикал ползунчали бабкаси бўлган бир устунли ва қўзгалувчан эки қўзгалмас ёндори бўлган икки устунли хиллари ишлаб чиқарилади.

Хозирги замон фрезалаш дастгоҳлари чизиқли-доиравий интерполясиялаш имконини берадиган контурли СДБК билан (Н33-1М, Н33-2М, Н55-1 ва бошка моделлари) жихозланади.

6Р13Ф3 моделли дастгоҳнинг асосий узелларига (1.29-расм) станина, тезликлар кутиси, шпиндель каллаги, консоль, салазкали стол, редуктор киради.



1.29-расм. 613Ф3 моделли фрезалаш дастгохининг умумий куриниши.

Бикр конструкцияли станина 7 да вертикал йўналтирувчилар бўлиб, улар бўйлаб консоль 2 суриласди. Станинанинг чап томонидаги токчасига шпинделнинг айланиш частотасини ўзгартириш имконини берадиган курилмали тезликлар кутиси монтаж қилинган. Айланиш частотаси фақат кулда узгартирилади. Бунинг учун қутидаги даста паздан чиккунча пастга туширилади ва охиригача ўзимиздан нарига итарилади; лимбни буриб шпинделнинг керакли айланиш частотаси ўрнатилади (фиксаторнинг шикиллаши лимб мазкур холатда қотириб қўйилганлигини билдиради); «Итариш» («Толчок») кнопкасини босиб даста охиста бошлангич холатга қайтарилади. Дастгоҳ ишлаб турганда шпинделнинг айланиш частотасини ўзгартиришга рухсат этилмайди. Даста қайд қилинган холатга ўрнатилгандан кейингина тезликлар кутиси ишлаши мумкин. Станина ичида мой резервуари бор. Тезликлар кутисининг подшипниклари ва шестернялари унинг ичида жойлашган плунжерли насосдан мойланади. Мой насоси ва тезликлар кутисига кўлни олиб бориш учун станинада дарча қилинган.

Шпиндель каллакси 5 таркибига салазкалар, редуктор, шпиндель 6 ли ползун, ползунни ҳаракатлантирувчи юритма киради.

Дастгоҳда стол 8 ни бўйлама йўналишда ва салазка 3 ни (стол 8 билан бирга) кўндаланг йўналишда ҳаракатлантирувчи юритмалар бор. Дастгоҳ гидростанция 1 ва СДБК 4 билан жихозланган.

СДБ пармалаш-йўниб кенгайтириш дастгоҳларининг вазифаси, турлари ва конструктив хусусиятлари

СДБ пармалаш ва йўниб кенгайтириш дастгоҳлари турли материаллардан ясалган деталларда режаламасдан хамда кондукторсиз, пармалар, зенкерлар, разверткалар, йўниб кенгайтириш асбоблари ва бошка асбоблар билан тешиклар ишлаш учун мулжалланган.

СДБ пармалаш дастгоҳлари вертикал-пармалаш (диаметри 12-50 мм бўлган тешиклар ишлаш учун) ва радиал-пармалаш (йирик тайёрламаларга ишлов бериш учун) дастгоҳларига бўлинади.

СДБ пармалаш дастгоҳларининг бикрлиги ва аниқлиги юқори бўлади; ижрочи органларининг позициялаш аниқлиги $\pm(0,025-0,05)$ мм; бошқариладиган координаталарининг сони 3 та, шу жумладан, бир йўла бошқариладиганларининг сони 2 та; бериладиган суришлар дискретлиги 0,01 мм. СДБ пармалаш дастгоҳларининг хочсимон (крестсимон) столлари думалаш таянчларига ўрнатилади; салазка ва стол думалаш винти ва гайкасидан (винт-гайка) иборат узатма ёрдамида сурилади; столларни ҳаракатлантириш учун ё узгармас ток электр двигателларидан, ёки буровчи моментни гидрокучайтиргичи бўлган қадамли двигателлардан фойдаланилади. Бош юритма бир ёки икки тезликли асинхрон электр двигателдан ва тезликлар кутисидан ташкил топган. Дастгоҳлар бурилма столлар ва резьба қирқадиган патронлар билан жихозланади.

СДБ йўниб кенгайтириш дастгоҳлари горизонтал-йўниб кенгайтириш ва координатали-йўниб кенгайтириш дастгоҳларига бўлинади. Горизонтал-

йўниб кенгайтириш дастгоҳлари ичида кетинги устунлари йўк хамда бурилма столли хиллари кенг тарқалган. Бу дастгоҳларга ижрочи органларини позициялаш аниқлиги юкори; тайёрламаларга икки томонлама ишлов бериш мумкин (столни 180° буриб кўйиб); ўқдош тешикларга ишлов беришда юкори унумдорликни таъминлайди; тайёрламанинг тўртала томонидан ўзаро перпендикуляр ва кия тешикларга ишлов бериш имконини беради. Дастгоҳлар диаметри 65-320 мм бўлган суримла шпиндель билан жихозланган. СДБ йўниб кенгайтириш дастгоҳларида тешикларга узил-кесил ишлов бериш учун разверткалардан (йўниб кенгайтириш оправкалари ўрнига) фойдаланилади, бу эса ишлов беришнинг аниқлиги ва сифатини оширади хамда асбобни ўлчамга созлашни талаб қилмайди. СДБ йўниб-кенгайтириш дастгоҳларида одатда тобланган думалаш йўналтирувчилари қўлланилади. Бундай йўналтирувчилар ишқаланиш кучи кичик ва баркарор бўлишини, шунингдек, ижрочи органларнинг бошлангич тўгри чизиқли сурилиш аниқлиги узок муддат сакланишини таъминлайди. Дастроҳнинг бикрлигини ошириш учун, ишлов бериш жараёнида кузгалмайдиган ижрочи органлар йўналтирувчиларда маҳсус кискичлар билан хам котириб қўйилади. СДБ йўниб кенгайтириш дастгоҳларининг аниқлиги П ва В классларга тўгри келади. Бош (асосий) ҳаракат юритмаси сифатида асосан тезликлар кутиси ва ростланадиган ўзгармас ток двигатели, кам холларда эса механик вариатор ёки куп погонали тезликлар кутиси билан асинхрон двигатель ёки юкори моментли электр двигателдан иборатdir.

Йўниб кенгайтириш дастгоҳларининг СДБ тизимлари иш ва ёрдамчи ҳаракатларни тўгри бурчаклисикл бўйича хам, координата ўқларига нисбатан 45° бурчак остида хам дастурлаштириш имконини беради. СДБК ёрдамчи суришларни юкори тезликда (5 м/мин гача) бажаришни таъминлайди; бошкариш панелидан асбобнинг холатини ўзгартириш, суришга тузатиш киритиш, берилган қийматларни қўлда киритиш режимда бошкариш имконини беради. Ижрочи органнинг керакли холатга чикишида суриш юритмасининг погонали ёки равон тормозланиши ижрочи органнинг $\pm 0,01$ мм аниқликда позицияланиши таъминлайди СДБК пультида қуйидаги параметрлар индикацияланади: ижрочи органнинг хар ондаги холатининг координаталари; кадр номери; ишлаётган асбобнинг номери. Йўниб кенгайтириш дастгоҳларининг шпиндели горизонтал жойлашган 2611Ф2, 2А622Ф2, 2А620Ф2-1 моделлари қўп тарқалган.

2450АФ2, 2Э450АФ1, 2Д450АФ2 ва бошка моделдаги координатали-йўниб кенгайтириш дастгоҳларининг шпинделлари вертикал жойлашган; бу дастгоҳлар ижрочи органларни 0,001 мм аниқликда позициялашни таъминлайди.

Куп вазифали дастгоҳлар.


Кўп вазифали дастгоҳлар (КВД) СДБК ва асбобларни автоматик тарзда алмаштирадиган курилма билан жихозланган хамда бир ўрнатишда корпус

деталлар хамда айланма жисмлар типидаги деталларга комплекс ишлов бериш учун мүлжалланган. КВД ларнинг ушбу хиллари ишлаб чиқарилади: 1) бир шпинделли ва кўп позицияли асбоблар магазини (12-120 та асбоб сигадиган) бўлган дастгоҳлар, шпинделда асбоб 5-6 с ичида автоматик (дастур бўйича) алмашади; 2) асбоб 2-3 с вақт ичида револьвер каллакни айлантириб алмаштириладиган револьвер каллакли дастгоҳлар (асбоблар сони 5-8 та бўлади); 3) кесиш жараёнида револьвер каллакнинг ишламайдиган шпинделларида асбобларни алмаштириш имконини берадиган револьвер каллакси ва асбоблар магазини бўлган дастгоҳлар.

Ишлов беришсиклида ёрдамчи вақтни кескин камайтириб, шуссиклда машина вақтини 60-75% гача ошириш мумкин бўлганлигидан КВД ларнинг иш унуми универсал дастгоҳларнидан 4-10 марта ортик. Бу дастгоҳларда асбобларнинг автоматик алмасиши; ёрдамчи юришларда ижрочи органларнинг сурилиш тезлиги катталиги (20 м/мин гача); асбобнинг дастгоҳдан ташкарида ўлчамга созланиши; текшириш операцияларининг йўклиги ва шу кабилар хисобига ёрдамчи вақт қискарган. Хозирги замон КВД да асбоблари олдиндан керакли ўлчамга созланган алмашинувчан асбоблар магазинидан фойдаланилади, бу эса дастгоҳни қайта созлашга сарфланадиган вақтни қисқартиради.

КВД да пармалаш, пармалаб кенгайтириш, разверткалаш, резьба қирқиши, йўниб кенгайтириш, фрезалаш ва бошка ишларни бажариш мумкин. Одатда КВД да деталларга узил-кесил ишлов берилади. КВД ларнинг аниқлик катори координатали-йўниб кенгайтириш дастгоҳларининг аниқлигига тўғри келади: йўниб кенгайтирилган кейин тешикларнинг аниқлиги 6-7 – квалитетга, ишлов берилган сиртнинг гадир-будурлиги $R_a=1\div 2$ мкм га teng. КВД лар автоматик режимда бир ўрнатишда мураккаб корпус деталларнинг барча томонларига (тайёрламани махкамлаш учун фойдаланиладиган база сиртидан бошка) ишлов бериш имконини беради. Бунинг учун КВД вертикал ва горизонтал текисликда бурила оладиган стол билан жихозланади. Шпиндель ўкини дастурга мувофик дастгоҳ столи юзасига нисбатан горизонтал, вертикал ёки исталган кияликда ўрнатиш мумкин бўлган КВД ларнинг конструкциялари мавжуд. КВД лар тайёрламани ўрнатиш ва махкамлаш учун йўлдош-мосламалар (ЙМ), шунингдек ЙМ ларни автоматик алмаштирадиган курилмалар билан жихозланиши мумкин. КВД ларнинг вертикал ва горизонтал компоновкали хиллари ишлаб чиқарилади. Вертикал компоновкали КВД тайёрламанинг бир томонига ишлов бериш учун, кўп позицияли ва бурилма мосламалар булганида эса бир неча томонига ишлов бериш учун мўлжалланган.

Кўп вазифали вертикал дастгоҳининг 225ВМФ4 модели (1.30-расм) дастгоҳ ёнидаги алохида устунда жойлашган асбоблар магазини 3 (30 та асбоб сигади) билан жихозланган. Асбобни автооператор 2 алмаштиради.



1.30-расм. Кўп вазифали токарлик дастгохининг 16А90МФ4 модели:

1,5 – салазкалар; 2,6 – шпиндель бабкалари; 3 – патрон;
4 – устун; 7 – асбоб ўрнатиладиган шпиндель.

Шпиндель 4 ўрнатилган бабка 5 вертикалита (Z ўки бўйлаб), хочсимон стол 1 эса горизонтал текисликда (Х ва У ўклари бўйлаб) сурилади. Бош ҳаракат ва суриш юритмаси сифатида айланиш частотаси кенг диапазонда ростланадиган ўзгармас ток электр двигателлари ишлатилади. Дастгохнинг ижрочи органлари думалаш винти ва гайкаси (винт-гайка) дан иборат узатма

ёрдамида роликли йўналтирувчиларда сурлади; улар 0,012 мм аниқликда позицияланади.

Горизонтал КВД лар тайёрламаларга тўрт, баъзан беш томонидан ишлов бериш учун мўлжалланган. Беш томондан ишлов берадиган дастгоҳлар шпиндель каллаклари вертикал ва горизонтал ўклар атрофида бурила олади. Хочсимон бурилма столи ва вертикал йўналишда сурладиган шпиндель бабкаси бўлган горизонтал компоновкали КВД лар кўпроқ таркалган.

Токарлик-пармалаш ва токарлик-пармалаш-фрезалаш КВД лари айланма жисм типидаги деталларга комплекс ишлов бериш (йўниш, фрезалаш, пармалаш, пармалаб кенгайтириш, йўниб кенгайтириш ва хоказо) учун мўлжалланган.

Гўп вазифали токарлик дастгоҳининг 16А90МФ4 модели (расм) диаметри 800 мм гача, узунлиги 250 мм гача, массаси 600 кг гача бўлган корпус деталлар ишлашга мўлжалланган. Таерлама салазкалар 1 га ўрнатилган шпиндель бабкаси 2 да жойлашган шпиндель айлантирадиган патрон 3 га ўрнатилади. Шпиндель айланма ҳаракатдан ташкари, тайёрлама билан бирга доиравий сурилиши хам мумкин; бундай ҳаракат, масалан, эгри чизикили пазлар ишлашда зарур бўлади. асбоб ўрнатиладиган шпиндель 7 шпиндель бабкаси 6 корпусига монтаж килинган. Бу шпинделга 32 позицияли магазиндан автоматик йўсинда асбоблар узатилиб туради. Шпиндель бабкаси 6 салазка 5 билан бирга устун 4 (У ўки) бўйлаб юқорига-пастга сурлади, горизонтал текисликда устун (Z ўки) билан бирга ва кўшимча равишда салазкалар (W ўки) да сурлади. Дастгоҳда асбоб ўрнатиладига яна бир шпиндель 6 бор. Шпинделлар 6 ва 7 асбобнинг 10-2000 айл/мин частота билан, тайёрлама шпиндели эса тайёрламанинг 6,3-3800 айл/мин частота билан айланишини таъминлайди. Ана шу шпинделлар КВД да барча токарлик ишларини (шу жумладан, резьба накатлаш ишларини), шунингдек пармалаш, йўниб кенгайтириш, фрезалаш ишларини бажариш имконини беради.

Маълум тип-ўлчамли тайёрламаларга ишлов бериш учун мўлжалланган маҳсус КВД лар хам ишлаб чиқарилади. КВД ни лойихалашда агрегатлаш принципидан кенг фойдаланилади. КВД лар П ва В аниқлик классларида ишлаб чиқарилади.

Вертикал вазифали дастгоҳ – модель ГДВ500.



1.31-расм Горизонтал вазифали дастгоҳ – модель ГДФ630.

КВД қуйидаги хусусиятларга эга булган СДБ тизимлари билан жихозланади: БД нинг хажми катта; бошқариладиган координаталар сони кўп (7-8 тагача); дастгохнинг ижорчи органларини юқори аниқликда (0,005-0,01 мм) позициялаш имконини бор; шпинделнинг айланиш частотасини ва суриш тезлигини кенг диапазонда ростлаш мумкин; ишдаги ишончлилиги юқори; автоматик режимда хам, юқори даражадаги ЭХМ билан бошқариш режимда ишлай олади. КВД лар СНС типидаги позицион, контурли ва кўпинча позицион-контурли СДБК билан жихозланади, улар эса одатда ТАД билан боғланган бўлади.

Назорат саволлари:

1. Кесувчи асбоблар ва уларнинг турлари
2. Асбобсозлик материаллар, кимёвий таркиби, турлари, хусусиятлари, қўлланилиш доираси.
3. Сонли дастурли бошқариладиган дастгохларни авзалликлари.

3-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ.

Тармоқ машинасозлигида технологик машиналарни тайёрлашда янги конструкцион материаллардан фойдаланиш.

Ишдан мақсад: Тармоқ машинасозлигида технологик машиналарни тайёрлашда нометалл, композисион ва кукунли материаллар, қаттиқ қотишмалар ва минералокерамик қаттиқ қотишмалар, резина ва композицион материаллар тўғрисида умумий маълумотлар, синчловчи материаллар ва уларнинг хоссалари, нанотехнологияларни фундаментал асослари, наноматериаллар тўғрисида умумий маълумотлар, наноматериалларни механикавий майдалаш билан олиш ҳамда наноўлчамли кукунларни йигиш усусларини ўргатишдан иборат.

Нометалл, композисион ва кукунли материаллар

Замонавий материалшуносликни нометаллар, композитсон ва кукунли материаллар, айниқса наноматериалларсиз тасаввур қилиб бўлмайди ва улар

ҳозирги машинасозлик ривожланишини асосий йўналишларини белгилаб бермоқда. Шунинг учун ушбу бобда ўқувчида замонавий материалшунослик ютуқлари тўғрисида етарлича маълумотлар етказиш мақсадидаги материаллар келтирилган, айниқса наноматериалларини фундаментал асосларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган.

Замонавий нометалл материаллар

Машинасозлик саноатида нометалл материаллар металл ва унинг қотишмалари ўрнига ишлатилади.


Саноатда ишлатиладиган нометаллларга пластмассалар, ёғоч клей, локлар, бўёқдор, резиналар, зичлаштирувчи ва изолясион материиллар ва бошқалар киради. Бу материаллар керакли механик- технологик хоссага эга бўлиб, юқори кўрсаткичларга – буғ, газ, ёғ, сув ўтказмаслик ва бошқа бир қанча ижобий кўрсаткичларга эга.

Полимерлар хоссалари, ишлатилиши тўғрисида умумий тушунчалар. Пластмассаларнинг тузилиши. Пластмассалар нометалл композисион материал - полимерлар (смола) асосида бўлиб, иссиқлик таъсирида ва босим остида бирорта деталь ҳосил қилиб, совиши натижасида ўз шаклини ўзгартирмасдан қаттиқ ҳолда бўлади.

Пластмассанинг таснифли тарафи шундаки, у кам зичлилиги, коррозияга юқори бардошлиги ва қўпинча паст ишқаланиш коэффициэнтига, юқори электр ўтказмаслик (диэлектрик) ва бошқа кўп ижобий хоссаларга эга бўлади, уларнинг камчилиги- иссиқликдан юмашши, иссиқлик ўтказмаслиги, ногигроскоплиги, тез эскириши ва иссиқликдан ўз хоссаларини ўқотишидир.

Пластмассалар асосида полимерлар бўлиб, уларнинг тури ва микдоридан физик-технологик хоссалари ўзгаради.

Полимерлар- бу юқори молекуляр бирикма, 3.1-расмда кўрсатилганидек, чизиқли, шохсимон ва фазовий тузилишга эга.




3.1-расм. Полимерларнинг тузилиши: а) чизиқли, б) Шохсимон в) фазовий.

Полимерларнинг молекуласи (узун занжир) айrim бўлакларга бўлинади, кимёвий таркибига ва тузилишга қараб гомополимер ёки ҳар хил тузилишга сополимерларга бўлинади (3.2 - расм).

Полимерларда макромолекулалар ҳар хил йирик бўғинлардан иборат бўлса, улар блок сополимерлар деб айтилади, агарда макромолекуларга яна макромолекулар бошқа жисмнинг ёнига ёпишса пайвандланадиган сополимерлар деб аталади.

Пайвандланган сополимерлар ҳосил қилиб мүлжалланган хоссага эга бўлган материал олиш мумкин.




3.2-расм. Полимерларнинг тузилиш схемаси

А ва В турли макромолекулалар.

Полимерлар кристалли ва аморф ҳолда бўлиши мумкин. Полимерлар аморф ҳолдан кристалли ҳолга ўтганда уларнинг физикафий ва кимёвий хоссалари, яъни мустаҳкамлиги ва иссиқлиқбардошлиги ошади. Иссиқлик таъсири остида аморф полимерлар қаттиқ (Шиша симон) ҳолдан чўзилувчан эластик ҳолга ўтади.

Термомеханик эгри чизиги (3.3-расм) аморф полимерини қўрсатади 1 бўғинда, шиша симон ҳолда чўзилиш ε деярли йўқ, ИИ бўғинда шиша симон ҳолатдан t_c дан юқори полимер чўзилувчан хоссага эга бўлади ва ундан юқорида оқиш температурасида (t_t) t_{ok} оқувчанлик, юмшоқ чўзилувчанлик хоссага эга бўлади.



3.3-расм. Аморф полимернинг эрмомехник эгри чизиги.

Полимер материалларнинг иссиқлиқбардошлиги t_c билан ифодаланади, икки температурани - t_c ва t_t ни билган ҳолда полимерини қолиплаш температурасини аниqlаш мумкин бўлади.

Баъзи полимерлар температура ошган сари чўзилувчан ҳолга ўтмасдан парчаланади.

Чизиқли ва шоҳсимон полимерлар термопластик пластмассаларга асос бўлади. Чизиқли полимерларнинг микромолекуласи туташ занжир ҳосил қиласди, кўндалангига нисбатан бир неча юз ва минг марта узунроқ бўлади.

Шохсимон тузилишда полимернинг макромолекуласи ён тарафга ўсиш сони ҳар хил бўлиши мумкин.

Полимерларни фазовий тузилиш ҳосил қила оладиганлари термореактив пластмассаларга асос бўлиши мумкин. Фазовий тузилишлар айрим чизиқли полимерларни занжирлардан қўндаланг боғлиқлар натижасида олинади, бунинг натижасида полимер эримайдиган бўлади.

Полимерлар вақт ичидаги ўз хоссаларини қисман ўзгартирадилар, қаридилар, оқибатда механик хоссалари ўзгаради, эластиклиги пасаяди, муртлиги ошади. Полимерларнинг қариши физик-кимёвий жараёнлари бузилиши, асосан деструкция, яъни занжирнинг макромолекулалари кимиёвий тузилиши ўзгаришига олиб келади. Полимерда деструкциянинг ҳосил бўлишига қизиш, оксидловчи регентлар таъсири, нур ва бошқалар сабабчи бўлади.

Механик деструкция ишқаланиш ва материалларни узилиши натижасида рўй беради. Термик деструкция полимернинг тузилишига боғлиқ бўлади ва унинг парчаланишига олиб келади, яъни бошланғич мономерини ҳосил қиласида. Кимиёвий деструкция эса, ҳавонинг кислороди ва нур таъсирида тезланиши мумкин.

Пластмассларнинг қаришини секинлатиш учун турли турғунловчилар қўшилади, улар ҳар хил бўлиши мумкин, масалан, аминлар полимерларни оксидлашдан, қора куя, (сажа) нуртурғуни бўлиб хизмат қиласида.

Пластмассаларнинг турлари. Полимерлар молекулалари ораларидағи бирликни тури ва уларнинг температура ошиши билан ўзгаришига қараб термопластик (термопластлар) ва термореактив (реактопластлар)ларга бўлинади, буни қўйидаги 3.1 жадвалдан кўриши мумкин.

3.1-жадвал.

Пластмассаларнинг умумий таснифлари

Материаллар	Зичлиги, Г/см ³	Мустахкамлик чегараси, σ _в , МПа	Нисбий чўзилишҳ, δ %	Қаттиқлиги, ХБ	Зарбий қовушқоқлиг и, МДЖ/м ²
Термопластлар					
Полиэтиленларр ВД...	Термопластл 0,93	8-14	100-300	1,4-2,5	2,0-16,0
НД...	0,95	22-32	400-700	4,5-5,8	20,0
Фторопласт-4	2,3	16-31	250-450	3-4	10,0
Поливинилхлорид	1,5	50-70	25-400	-	10,0
Полиамидлар	1,1-1,4	50-100	100-300	10-15	10,0-17,0
Органик Шиша	1,2-1,8	4	4	17	2,0
Реактопластлар					
Фенолформоледегид Эпоксид	1,2-1,5	15-35	1-5	25-30	0,1
Епоксидликлар	1,2-1,7	28-70	3-6	-	0,1

Полиэфирликлар	1,3-1,4	42-70	2	15-20	0,1
Гетинакс	1,3-1,4	80-100	-	25-30	1,3-1,5
Tekstolit	1,4	65-100	1-3	20-35	2,5-3,0

Термопластлар полимерлар асосида олинади, уларнинг молекулалари молекула оралиқ куч билан бўш боғлангандир, бундай молекулалар борлиги полимерларни кўп маротаба иситилганда ушлашлари, совутилганда қаттиқ ҳолга ўз хоссасини йўқотмасдан ўтишини таъминлайди. Термопластларга полиэтилен, капрон, полимерлар, полихлорвинил, винилпластлар, фторопластлар ва органик шишалар киради.

Реактопластлар полимерлар асосида олинади ва молекулалар оралиғи кучидан ташқари яна кимиёвий боғлиқлик бўлади.

Мустаҳкам кимёвий боғлиқ полимерларда қиздириш натижасида ёки унга қотиравчи қўшимча ҳисобига бўлади. Қотиравчи сифатида бир неча фоиз реактопластлар киритилади, улар полимерлар молекулаларини кимёвий бирлаштиради.

Қотиравчи киритиш натижасида фазовий молекуляр тўр ҳосил қилиб, қотиравчини молекуласи шу тўрнинг бир қисми бўлиб қолади. Кимиёвий бирикма ҳосил бўлиши билан полимер қаттиқ эримас моддага айланади. Реактопласт полимер бўлиб, эпоксид ва полиэфир смолалари хизмат қиласи.

Пластмассалар пластик ва эластикларга бўлинади. Пластиклари қаттиқ бўлиб, нисбий чўзилиши жуда кам бўлад, эластиклари эса юмшоқ ва катта нисбий чўзилиш фоизига эга бўлади.

Таркибига қараб пластмассалар иккига бўлинади: тўлатилмаган ва тўлатилганга (композиционли).

Тўлатилмаган пластмассалар полимерларнинг тоза ҳолидагиси бўлиб, улар полиэтилен, полиамид ва органик шишалардир.

Тўлатилган пластмассалар мураккаб композисия бўлиб, полимердан ташқари таркибида турли аралашмалар бўлади. Аралашмалар полимернинг ўзгартиришга, иссиқлик бардошлиқ, совища ўлчамнинг кам ўзгариши ва бошқалар каби керакли хосса олишга ёрдам беради.

Полимерга қўшиладиган элементларга пластификаторлар, турғунловчи, катализаторлар, ранг ўзгартирувчилар, қотиравчилар ва турли маҳсус моддалар, масалан, селлюлоза, пахта момиги, мато, қофоз ва бошқа органик элементар киради, ноорганиклиаридан эса графит, талқ, асбест, кварц, слюда, шиша толаси ва шиша матоси кабилар мисол бўлиши Пластмассаларнинг таркибида 70% тўлатгич бўлиши мумкин.

Пластификаторлар пластмассаларга ишлов беришни осонлаштиради, уларни эластиклигини оширади, ундан ташқари эгилувчанлиги ошади, мўртлиги пасаяди ва яхши қолипланувчи хоссага эга бўлади. Пластификаторлар сифатида эфирлар, дибутиофталат, кастор ёғи ва бошқалар ишлатилади ва 10-20% миқдорида қўшилади, улар полимер билан яхши аралashiб, молекуляр муносабатни камайтиради.

Турғунловчи турли органик моддалар бўлиб, пластмассаларни қаришдан ва уларни фойдали хусусиятларини сақлашга ҳизмат қиласи.

Қотиувчилар смолаларни тез қотишига ва пластмасса қилишга ёрдам беради.

Катализаторлар – оҳак, магнезия пластмассанинг қотишига ёрдам беради. Буёвчи сифатида сурик, нигрозин ва бошқалар ишлатилади ва пластмассага керакли ранг беради. Махсус қўшимчалар турли хоссаларни ўзгартириш учун қўшилади, стеорин, олеин кислоталари пласмассаларнинг қолипга ёпишиш хусусиятини камайтиради ва ишқаланишда сирпанувчанлигини оширади.

Термопластик полимерлар ва пластмассалар. Улардан полиэтилен қатор муҳим хоссага эга, масалан, нам ва газ ўтказмайди, сувда бўкмайди, катта температура оралиғида эластик, кислотага бардош ва яхши диэлектрикдир.

Полиэтилен тайёрланнишга қараб юқори босимли (ВД) ва паст босимли (НД) полиэтиленларга бўлинади. ВД полиэтиленнинг эриш температураси 115°C , НД ники эса, $120^{\circ}\text{C}-135^{\circ}\text{C}$ га тенг бўлади. Паст босимли полиэтилен юқори босимлигига нисбатан юқори механик мустаҳкамликка эга. Улардан трубалар, шланглар, варақа, радиоаппаратураларнинг мосламалари, қўйма усулда вентил, жўмрак, золотниклар, кам кучланишда ишловчи тишли ғилдираклар ва турли идишлар тайёрланади. Юқори босимдаги полиэтиленлардан кимёвий синмайдиган идишлар тайёрланади ва халқ хўжалигида турли махсулотларни ўрашда ишлатилади.

Полиэтиленнинг асосий камчилиги - иссиқликбардошлиги пастлиги ва ундан тайёрланган махсулотни 80°C дан юқори температурада ишлатиш тавсия этилмайди. Полиэтилен босим остида, экструзияда ва механик усулда яхши пайванҷланади.

Поливинилхлорид. Пластификацияланган поливинилхлорид эластик ва пластифисирлангани қаттиқ варақали материал - винипласт деб айтилади. Поливинилхлорид асосидаги пластмассалар яхши диэлектрик ва механик хоссага, бироқ паст иссиқлик бардошлика (60°C) эга бўладилар.

Поливинилхлорид хлорланган углеводородларга ва концентрацияланган азот кислотасига нотурғун.

Винипластнинг ишчи температураси кучланишда ишлайдиган деталлар учун 0 дан $+40^{\circ}\text{C}$ гача, температура пасайган сари мўртлиги ошиб боради. Харорат кескин ўзгариши натижасида букилиши бошланади, $40^{\circ}\text{C}-60^{\circ}\text{C}$ температурагача исиши натижасида мустаҳкамлиги йўқолади, у синмайди, лекин $120^{\circ}\text{C}-140^{\circ}\text{C}$ температурада юмшайди ва айрим варақаларни бирлаштиришда, пайвандлашда фойдаланилади, ҳаво таъсирида қарийди ва ўз хоссаларини пасайтиради.

Винилпласт асосан варақа, труба, ўзак, бурчакча ҳолида чиқарилади. Винилпласт деталлар Штамплаб, эгиб, пайванлаб ва клейлаб тайёрланади ва

перхлорвинил клей ёрдамида бажарилади. Штамплаш ва эгиш 130°C температурада бажарилади.

Винилпластдан кимёвий машинасозлиқда аккумуляторлар банкаси, сепаратори, клапанлар, электролиз ванналарнинг легирлаш, насосларнинг деталлари, вентиляторларнинг парраги тайёрланади. Поливинилхлорид асосидаги ҳамма композисияларга нур ва иссиқлиқдан сақлаш учун турғулантирувчи моддалар қўшилади.

Пластикатлар сим ва кАбелларни юза қатламини қоплашда, тиббиётда ва қурилишда кенг ишлатилади. Поливинилхлориднинг пластификатор билан пастаси металларнинг коррозиядан сақлашда ишлатилади.

Полиамидлар кам ишқаланиш коэффициэнтига эга бўлиши билан бирга нисбатан юқори мустахкамликка эга бўлади. Полиамиддан кўпроқ тарқалганларига капрон киради, у арzon бўлиб, эдирилишга бардошлиги пўлат, чўян ва рангли металлар қотишмалари қаторидан ўрин олади, айниқса, унинг антифрикционлик хоссаси, 3-5% графит қўшилганда, юқори бўлади. Капроннинг иссиқлиқ ўтказувчанлиги металленикига нисбатан 250-300 марта кам бўлади. Подшипникларни конструкциялашда ундан иссиқлики олишни инобатда тутиш лозим.

Капрон кимёвий турғун бўлиб бензин, спирт ва бошқаларга бардош беради.

Капрондан деталь тайёрлашда босим остида қўймакорлик кенг қўлланилади. Капрон кескичлар билан яхши кесиб ишланади, клейланади ва пайвандланади, ундан антифракцион хусусиятга эга бўлган тишли ғилдирак кронштейнлар, қопқоқ, шайба, қистирма каби деталлар тайёрланади.

Полистирол рангиз материял бўлиб, сувга турғунбардош, юқори электроизоляцион хоссага эга, у аччик ва ҳидли муҳитда моғорламайди, хлорланган углеводородларда эса эрийди, диэлектрик хусусияти $80^{\circ}\text{C}+100^{\circ}\text{C}$ температурада ўзгармайди. Камчилиги- иссиқликка нотурғунлиги, мўртлиги, қариши ва майда дарзларни пайдо бўлиши. Майда дарзларни олдини олиш учун полистиролга пластификатор ёки минерал тўлдирувчилар қўшилади. Полистиролдан панеллар, галтак, лаборатория идишлари, трубкалар, ўзаклар, турли қалинликдаги иплар олиш мумкин, ундан тайёрланган қувурчалардан юқори частотали токлар учун изоляторли қоплама қилинади.

Фторопласт - бу полимерлар кўпроқ углерод ва фтордан ташкил топади. Саноат корхоналарида асосан нур ўтказмайдиган фторопласт-4 ва фторопласт-3 ишлатилади. Фторопласт-4 кимёвий турғун, унга факат ишқорий металлар тузининг эритмалари таъсир этади. Фторопластнинг ишқаланиш коэффициэнти жилолаш қилинган пўлатга нисбатан 4 марта кам, шунинг учун ишқаланувчи деталларда мойсиз яхши ишлайди. Фторопласт-4 дан деталь, уни кукуни $350^{\circ}\text{C}-370^{\circ}\text{C}$ температурада қолипга пресслаш усулида, олинади.

Фторопласт-3 эса 210°C температурада қиздирилганда юмшайди ва яхши қолипланади.

Фторопластдан зичлатувчи, қистирма, мембрана каби деталлар тайёрланади, ўзи ёғланувчи агрессив мухитда ишловчи подШипнида ва тиббиётда кенг ишлатилади. Металларни коррозиядан сақлаш учун фторопласт металл юзасига қопланади.

Полиметилметакрилат. Бу термопластик материал (органик шиша) қаттиқ, атмосфера, сув, таъсирига, минерал, органик эритувчиларга турғун бўлиши билан электроизолясияон ва антикоррозион хоссага эга, у варақа ёки блок Шаклида тайёрланади.

Органик шиша минералга нисбатан кам зичликка эга, мўрт эмас, (50°C - 60°C) температурада мураккаб шаклли қолипда ҳам яхши қолипланади, штампланади. Органик шиша дихлоретандан яхши эрийди, пайвандланади ва шунинг учун ҳалқ хўжалигида кенг ишлатилади.

Органик шиша минералга нисбатан юмшоқ бўлгани учун, юзаси шикастланиши мумкин, натижада унинг оптик хоссаси пасаяди.

Органик шишанинг дихлоретандаги эритмаси клей бўлиб хизмат қиласиди.

Поликорбанатлар термопластик материаллар бўлиб, юза қатлами қаттиқ зарбий қовушкоқ ва иссиқбардош каби яхши хоссаларга эга, нурни жуда яхши ўтказгани учун органик шиша ўрнига ишлатилиши мумкин. Поликорбанатлардан тишли ғилдираклар, втулка, клапанлар тайёрланади, бунда деталь тайёрлаш усули термоблокларнидек бўлади.

Пенопласт кимиёвий турғун полимер бўлиб, фторопласт, полиэтилен, полистиролдек турли деталлар: подШипник сепараторининг чамбараги, клапанлар, вентиллар ва бошқалар тайёрланади.

Полиамидлар термопластик пластмасса бўлиб, юқори хароратга (220°C - 250°C) бардош беради ва - 155°C температурада ҳам ишлаши мумкин.

Полиамидлар кимиёвий турғун, кўп кимиёвий органик эритувчиларда ҳам эримайди, минерал ёғ ва сувга бардошлиқ хоссасига эга. Концентрасияланган кислота ва ўта иситилган буғта турғун. Полиамид пленкасидан электроизоляторлар олинади ва уларни қалинлиги 5-100 м/км бўлади. Изоляторлар тайёрлашда тоза полиамид билан шиша толаси аралашмалари ҳам ишлатилади. Полиамиддан пресслаб деталь олишда у 350°C - 400°C температурагача қиздирилади ва прессланади.

Кукунли материаллар

Металлнинг кукунларидан тайёрланадиган қотишмаларини кукунли қотишмалари деб аталади. Металлургиянинг бундай қотишмалар ишлаб чиқарувчи соҳасига кукун металлургияси деб айтилади. Металларнинг кукунлари билан металлоиднинг (нометаллнинг) кукунидан ҳам қотишмалар тайёрлаш мумкин, бу қотишмаларга металлокерамик қотишмалар деган ном берилган, ушбу усуlda олинган қотишмада компонентлар суюқ ҳолда ҳам бир- бирида эримайди.

Кукун металлургияси ёрдамида ярим тайёр маҳсулот ёки тайёр деталлар олинади, бу усуlda олинган деталларни қўшимча ишловсиз тайёр

маҳсулот ҳолида ишлатилиши мумкин. Кукун металлургияси ёрдамида ғовакли материал ёки деталь олиш мумкин, шу билан бирга биметалл, яни қатлам-қатлам ҳар хил металл ва нометалл материал ёки тайёр деталь олиши мумкин.

Кукун металлургияси ёрдамида ўтга чидамли, ишқаланишга бардошли, юқори қаттиқли, маълум магнит хоссага эга, маҳсус физик-кимёвий хоссали, қуймакорликда босим билан ишлаб олиб бўлмайдиган деталлар олиш мумкун бўлади.

Кукунли материаллардан деталь ва маҳсулот олиш металл кукунини олиш, хом ашё тайёрлаш, пресслаш ва пиширишга боғлиқ бўлади.

Механик усулда кукун олишда қаттиқ ҳолдаги маҳсулотни майдалаб ёки суюқ ҳолда пуркаб, унинг кимёвий таркибини ўзгартирмасдан олинади. Қаттиқ материални майдалаш учун маҳсус тегирмон ёрдамида ёки ҳаво босимида моддани бир-бири билан ишқаланиши натижасида олинади. Суюқ материалдан кукун олишда пуркаб совитиш лозим.

Шарикли тегирмон пўлат барабандан иборат бўлиб, унинг ичига майдаловчи шариклар билан майдаланувчи материал солинади ва айлантириш натижасида материал майдаланади, олинган майда кўп қиррали кукун 100-1000 мкм ўлчамга эга бўлади.

Маҳсус икки парракли тегирмонда эса, майда 50-200 мкм ўлчамли кукун олиш мумкин. Парракларнинг қарама-қарши тарафга айланиси натижасида камерага солинган майда сим, қириндига бир-бири билан урилиши натижасида майда кукун ҳосил бўлади.

Жуда ҳам майда кукун олиш учун тебранувчи тегирмон ишлатилади. Юқори частотали тебранувчишарикли тегирмонда яхши майда кукун олиш мумкин бўлади. Қалай, қўрғошин, алюминий, мис, темир ва пўлатлардан кукун олиш учун суюқ ҳолдаги металл пуркаланади, шу муҳитга совук ҳаво, ёки инерт газлар бериб совитилади, натижада, майда (50-350 мкм), думалоқ шаклдаги кукун олинади.

Кимёвий усулда оксидларни тиклашда газ ёки қаттиқ тикловчидан фойдаланилади. Газ ҳолдаги тикловчи сифатида табиий газ, водород қенг ишлатилади. Кимёвий усулда олинган ғоваксимон металл майдаланади, бу усуллар ичидаги арзон ва осон бўлиб ҳисобланади. Нодир металлар - тантал, сирконий кукуни электролиз усулда ифлос хом ашёдан шоҳсимон дендрит ҳолида олинади, ўлчами 1-1000 мкм, бу усулда олинган маҳсулот 200°C - 300°C температурада металл кукуни ва углерод оксидига парчаланади.

Усул асосида гидрогенизация амалга ошади, яъни хром тикланади. Кальций гидрати ёрдамида керакмас модда сув билан ювилади ва натижада шоҳсимон ҳолдагидендрит металл кукуни қолади.

Физик-кимёвий усулда юқори майдаликдаги (диспресли) кукун олинади. Кукунлар ўлчамларига караб қуйидагиларга бўлинади: ўта майда (ультра 0,5 мкм), жуда майдаси (10-40 мкм), ўрта майдалиги (40-150 мкм) ва йирик (180-500 мкм).

Кукунларнинг асосий технологик хоссасига прессланувчанлиги, қовушқоқлиги ва оксидланувчанлиги киради. 1cm^3 солинган кукун дойимий ўзгармас хажмда бўлса яхши бўлади. Кукуннинг қаттиқлиги, оқувчанлиги, унинг қолипини яхши тутувчанлиги шу хоссани ташкил қиласди ва кукуннинг маълум диаметрдаги тешикдан ўтишига ва пресслашдаги зичлигига боғлик бўлади.

Юзаси фаол моддаларнинг кукунига қўшиш билан унинг прессланиш хоссасияхшиланади.

Хом ашёни тайёрлаш. Маълум микдорда ва кимёвий таркибдаги кукунни маҳсус барабанга солиб аралаштирилади. Яхши, текис аралashiши учун симоб, бензин, глитсирин ва дистилланган сув солинади.

Баъзида аралаштириш вақтида турли хоссага эга парафин, стеарин, глитсирин, яъни энгил эрувчан ва учувчан моддалар қўшимча солинади, ундан мақсад- олинадиган маҳсулотда керакли ғоваклар ҳосил қилишдир. Кукунли композицион материаллардан тайёрламани шакллантириш шиббалаш, изостатик шакллантириш, прокатлаш ёки чиқариш усулларида амалга оширилади.

Деталл ёки намунани қолиплашда прессшаклининг матрицасига металл қукуни совук ёки иссиқ ҳолда солиб прессланади ёки прокатланади ва керакли шаклдаги деталь олиш мумкин бўлади.

Совук ҳолда пресслашда прессшаклга аралашма солиниб, ишчи пуансон билан прессланади, босим олингандан сўнг итарувчи пуансон ёрдамида маҳсулот матрицадан чиқариб, юлинади. Пресслаш натижасида кукун доначалари пластик ва эластик деформацияланади, бир-бири билан зичлиги, мустаҳкамлиги ошади ва керакли шаклдаги детални олиш мумкин бўлади.

Олинадиган брикет мустаҳкамлиги қўйилган босимга боғлик бўлади, у уни баландлиги бўйича прессшакл деворлари ва кукун орасида ҳосил бўладиган ишқаланиш кучлари сабабли нотекис тақсимланади. Бир томонлама совук шиббалашдан сўнг брикет баландлиги бўйича мустаҳкамлик ва ғоваклик фарқланади, шунинг учун бир томонламали совук шибблаш баландлигини диаметрига нисбати бирдан кам бўлган оддий шаклдаги тайёрламалар учун қўлланилади, мураккаб шаклдаги тайёрламалар олиш учун эса икки томонламали шиббалаш қўлланилади.

Иссиқ шиббалашда ($0,6...0,8\text{T}$ қиздиришгача) бир вақтда тайёрламаларни шакли ҳосил қилиниши ва пишириш жараёнлари содир бўлади. Қиздириш зичлашиш жараёнини жадаллашишига олиб келади, бу эса шиббалаш босимини камайтириш имконини беради ва юқори механик хоссаларга хамда бир хил тузилмага эга ихчам тайёрламалар олиш имконини беради. Иссиқ шибблашнинг камчилиги – пресс- шаклларни кам турғунлиги, улар бор-йўги 10-12 та шиббалашга чидайдилар хамда жараённи паст унумдорлиги.

Изостатик (хар томонламали) шибблашда ташқи ишқаланишга йўқотишлар бўлмайди, хар томонламали босимни бир текислиги эса, ёпик

прессшаклларда шиббалашга қараганда, кичик босимларда тайёрламани керакли зичлигини олиш имконини беради.

Саноатда изостатик шакллантиришни учта асосий тури ўзлаштирилган: гидростатик, эластик қобиқ ёрдамида шакллантириш ва иссиқ шакллантириш.

Гидростатик шакллантиришда эластик қобиққа солинган қуқунга босим идишда юқори босимда бўлган суюқлик (сув, мой, глитсирин) ёрдамида узатилади.

Брикетларни пўлатли прессшаклга ўрнатилган эластик қобиқлар ёрдамида шакллантиришда босим бир вактда қуқунни прессшакл деворларидан изолясия қилувчи қобиқ орқали узатилади, бу усул асосан трубалар кўринишдаги йирик габаритли тайёрламалар олишда қўлланилади. Иссиқ шакллантиришда қуқун қиздириладиган ва босимга дучор қилинадиган эластик металли қобиққа жойлаштирилади, бунда Шакллантириш ва пишитиш жараёнлари қўшилади.

Пресслашгидравлик, механик ва эксцентрикли прессларда бажарилади. Аralашма таркиби ва олинадиган деталнинг бажарадиган вазифасига қараб пресслаш босими 200-1000МПагача бўлади. Кўпроқ автомат пресслар ишлатилади, улар юқори унумли бўлиб, соатига бир неча минг маҳсулот бериши мумкин. Иссиқ ҳолда пресслашни вакуумда ёки инерт газлар мухитида (температура 1200°C - 1800°C) бажарилади ва босим кучи совук ҳолда прессланганга нисбатан паст бўлади, бу усул қийин деформацияланадиган металлар (борид, карбид ва х.к.) учун қўлланилади.


Металлар қуқунини прокатлаш усули узлуксиз бўлиб, таёрганадиган маҳсулот- лента, сим, ва бошқалар совук ва иссиқ ҳолда олинади. Прокатлаш вертикал ва горизонтал ҳолда бажарилиши мумкин, кўпроқ ишлатиладигани ва қулайроғи вертикал усулдир.

Аввало қуқун бункердан иккита айланувчан ғўлалар орасига тушади. Ғўлалар сиқиб айланисида олинган маҳсулот печга ўтади ва иссиқ мухитда ковшартирилади. Қуқунинг ҳажмини сиқиб прокатлаш натижасида бир неча марта камаяди. Прокатлаб бир қатламли ёки кўп қатламли маҳсулот олиш мумкин.

Прессланган тайёрламаларни мустахкамлигини ошириш учун композицияни асосий қуқунини эриш температурасидан қўйироқ температураларда пишиши амалга оширилади. Пишитишда қуқун алоҳида заррачалари орасида, юзали оксидларни тикланиши, диффизия ва рекристализация хисобига, контактлари кучаяди. Пишиши жараённида чўкиш хосил бўлади ва қатор холларда минимал ғовакли ва юқори физик-механик хоссаларга эга тайёрламалар олиш мумкин. Одатда пиширишни қаршилик электропечларида ёки индукцион печларда тикланувчи атмосфера ёки вакуумда амалга оширилади.

Пишитиш операцияси қуқун қиздириш ва уни печда ушлаб туришга боғлиқ бўлади(3.4-расм). Печнинг температураси маҳсулотнинг эриш температурасига нисбатан 0,6-0,8 ни ташкил қиласи. Прокатлаш – қуқунлардан маҳсулот олишда юқори автоматизация даражаси ва жараённи

узлуксизлигини таъминловчи энг унумдор усулдир. У бир қатламли (3.4 арасм) ва кўп қатламли (3.4 б-расм) пилталар, турли хил профилдаги чивиқлар ва симлар олиш имконини беради.



3.4-расм. Кукуналарни прокаткалаш схемаси:

а- бир қатламли яримхомашёларни тайёрлаш учун; б- икки қатламли яримхомашёларни тайёрлаш учун; 1-бункер, 2-кукун, 3-ғўлачалар, 4-пилта, 5-тўсиқча.

Бункер 1 га тинимсиз кукун 2 келиб тушади, у айланувчан ғўлачалар 3 орасидаги тирқишига тушиб қолиб, пилта 4 га маълум қалинликда чўзилади. Шакллантириш жараёни пилтани печ орқали ўтишида ва кейинчалик керакли ўлчамлар олингунча сиқищда пишитиш билан қўшиш билан олиб бориши мумкин.

Маҳсулотни оксидланишдан сақлаш учун инерт газиаргон, гелий муҳитида ёки вакуумда қиздирилиши лозим. Тайёр маҳсулотни, кукун қовуштирилгандан сўнг, ўлчамлар турли бўлгани учун калибрлаш, кесиб ишлаш каби ишлов бериш, кимёвий-термик ва электрофизик усуллар бажарилади.

Калибрлашда маҳсулот прессшаклда босим билан маҳсус қўндаланг кесимли тешик орасидан сиқиб чиқарилади, натижада ўлчамлари ўз ҳолига келади, юзаси пардозланади ва қисман ғоваклиги камаяди.

Кесиб ишлашда олинган маҳсулотга ташқи ва ички резьба очилади, майда чуқур тешиклар пармаланади ва мураккаб шаклдаги деталларга матрица, Штампларга ишлов берилади.

Кимёвий-термик ишловга маҳсулотни азотлаш, сианлаш киради, бу оперсиялар оддий металларга ишлов бергандек бажарилади.

Электрофизик усулда маҳсулотга электроучқунли ва электроимпульсли ишлов берилади, бу усул мураккаб шаклдаги деталлар учун ишлов беришда қўлланилади.

Электроучқунли усулда электроднинг икки электрод орасидаги электр импульсидан фойдаланилади, бу усулда биттаси деталь бўлади, яъни анод, асбоб эса катод.

Элкетроимпульс усулида электродлар тескари уланади, бу эса электроуочкунли усулга нисбатан асбобларни кам едирилишига имкон беради ва иш унумдорлигини оширади, усул ток ўтказувчан электроднинг эррозион эмирилишга асосланган.

Импульс қисқа вақт ичида маҳсулот ва электрод орасида 10000°C - 12000°C темепратура ҳосил қилиши натижасида металл бир зумда эрийди ва парчаланади. Эмирилган металл диэлектрикли суюқликда совийди ва юмалоқ гранула бўлиб идиш тубига чўкади.

Қайта пресслашда эса материал яна ҳам зичлантирилади ва керакли ўлчамга келтирилади.

Қаттиқ қотишмалар ва минералокерамик қаттиқ қотишмалар

Қаттиқ қотишмалар қийин эрувчан карбидлар асосида тайёрланади, улар юқори қаттиқликка, мустахкамликка, ишқаланишда эдирилмасликка ва ўтга чидамли хоссаларга эга бўлади, бу хоссалар юқори температурада (800°C - 1000°C) ҳам сақланиб қолади. Қаттиқ қотишмалар олинишига қараб қўйма ва металлокерамикалига бўлинади. Кукуннинг қовуштиришда вольфрам ва титан карбидлари, танталнинг кобальт билан бирикамасини ҳосил қилинади, охиргисини киритишдан мақсад- қотишманинг қовушқоқлик хоссасини оширишдир.

Қўйма қаттиқ қотишмалар маҳсус электрод ҳолида тайёрланади (ГОСТ 10051-75) ва юзага қоплаш учун хизмат қиласи. В2К, В3К қотишмалар, стеллитлар, сормайт қўйма қотишмаларга киради.

Стеллитлар кобальт, вольфрам ва хром қотишмаси бўлиб, бу қотишмаларни эдирилган асбоблар, штамплар ва шунингдек, янги деталлар юзига ҳам қоплаш мумкин. Юза қатламга қўшимча қаттиқ қотишмани пуркаб қоплашни кислород-ацетилен ёрдамида бажариш мумкин. Юзага қопланган стеллит эвтектика тузулишига эга бўлади ва хром карбидини қаттиқ эритмасини ҳосил қиласи.

Қопланган қатламнинг механик хоссаси унинг совиши тезлигига боғлиқ бўлади, қанча тез совиса механик хоссаси шунча юқори, чунки доначалар майда бўлади ва бу юзаларга термик ишлов берилмайди. Одатда асбоб ва деталлар углеродли пўлатдан тайёрланади, натижада деталь ёки асбоб арzon бўлиши билан бир қаторда турғун бўлиб, қимматбаҳо легирланган пўлатларни тежайди, бу усулда чўян ва пўлат деталларга ишлов бериш мумкин бўлади.

Қўйма қаттиқ қотишмаларга сормайтлар – кўп углеродли хромли қотишмалар киради, улар эвтектикандан кейинги юқори хромли чўян бўлиб, тузилиши бирламчи карбид ва эвтектиканда (сормайт № 1) ёки эвтектиканагача бўлган хромли оқ чўян тузилиши перлит ва карбид эвтектикаси (сормайт № 2) ҳосил қиласи.

Сормайтларни диаметри 5-7 мм бўлган сим ҳолида олиниб, чўян ва пўлат деталь асбобларини юзасига қопланади, улар меъёри ва юқори температурада сирпаниб ишқаланувчи эрларда ишлатилади.

Сормайт1 пуркаб қопланган юзанинг қаттиқлиги ХРС48-50 ва уларга термик ишлов берилмайди. Сормайтга ишлов бериб, сўнгра ёғда тобланади ва 850-900°C да юқори температурали бўшатиш (отпуск) қилинади. Бу усулда деталнинг юзасига сормайт қопланганда турғунлиги 10-12 марта ошади. Донали ёки қуқунли қаттиқ қотишмалар доначаларнинг ўлчами 1-3 мм ҳолида тайёрланади. Доначали қотишмаларга станлет, стеллитлар ҳам ишлатилши мумкин, улар детални эдирилишини кескин камайтиради, шунинг учун уни қишлоқ хўжалиги машиналарида, долотлар (геологик парма) тайёрлашда ишлатилади. Сталинит таркибида 8 % - С, 13 % - Mn, 3 % - Si ва бошқалар бўлади.

Қотишмалар кувурчасимон электродларнинг ичини тўлатади ёки қўшимча бўлиб, деталь юзасига пуркашда ишлатилади. Пуркаш ҳар хил усулда, кўпроқ электр ёйида бажарилади.

Металокерамик қаттиқ қотишмалар вольфрам (WC), титан (TiC), тантал (TaC) карбидларнинг металли кобальтдаги қаттиқ эритмаси. Металлокерамик қотишмалардан тайёрланган пластинка металл кесувчи асбобларни ишчи қисми бўлиб хизмат қиласи (кескичлар, парма, фрезалар ва бошқалар).

Металлокерамик қаттиқ қотишма (ГОСТ 3882-74) учта гурухга бўлинади: вольфрамли, титан вольфрамли, титан-тантал вольфрамлига. Вольфрамли қаттиқ қотишма (мисол учун, BK3, BK3M, BK6, BK8, BK8B)лар чўян, бронза каби қаттиқ мўрт металларга ишлов беришда ишлатилади. BK6M билан жихозланган кескич билан оқ чўян, ўтга чидамли пўлатлар ва пластмассага ишлов бериш мумкин бўлади.

BK8B қотишма ўтга чидамли пўлатларни кесиб ишлашда қўлланилади. Марканинг охиридаги "B" - ҳарфи Шу қотишманинг йирик доначали, "M" ҳарфи эса майда доначалигини билдиради. Вольфрамли ва юқори кобальтли қаттиқ қотишмалар BK20, BK23, BK30 ва янги қаттиқ қотишма BK15B, BK20B ва BK25B юқори мустаҳкамлик ва зарбий қовушқоқликга эга бўлади ва улардан юқори зарб билан ишлайдиган Штамплар тайёрлашда фойдаланилади.

Қаттиқ қотишмалардан тайёрланган штампларнинг иш хизмати оддий пўлатлига қараганда 30-50 марта ортиқ бўлади.

Титан вольфрамли қаттиқ қотишмалар- T15K10, T15K6, T30K4 ва бошка маркали қаттиқ қотишмалар юмшоқ, қовушқоқ материалларга, масалан пўлат, латунларга ишлов беришда қўлланилади.T5K10 маркали қаттиқ қотишма иссиқ ҳолда боғлангандан, штамплангандан сўнг тайёрламани рандалаш ёки кесишда ишлатилади.

Титанотантал вольфрамли қаттиқ қотишмалар- TT7K12 ва TT10K8B каби маркалари иссиқ ҳолда боғланган пўлатлар юзидан қиринди олишда хизмат қиласи, бу қотишмалар юқори зарбий қовушқоқликка, кам эдирилувчанлик ва юқори мустаҳкамликка эга ($\sigma_B=1150$ Мпа) бўлиши билан вольфрамли ва титановольфрамли қотишмаларга нисбатан юқори туради.

Вольфрамли қаттиқ қотишмалар масалан, BK8 таркибида 92% вольфрам карбиди ва 8% кобальт бўлади. T30K4 таркибида 30% титан карбиди, 4%

кобальт ва қолгани 66% вольфрам карбиди бўлади. ТТ7К12 маркасида тантал билан титан карбиди жами 7% бўлиб, кобальт 12%, қолган 81% вольфрам карбиди бўлади, бошқа қотишмалар ҳам Шу тарзда ифодаланади.

Пластификатланган қаттиқ қотишма мураккаб шаклдаги асбоблар зенкер, парма, развертка, фрезалап тайёплашда ишлатилади ва майда, пластинка ёпишириб бўлмайдиган асбоблар тайёрланади.

Пластификатланган қаттиқ қотишма прессланган қаттиқ қотишма кукуни 400°C темпратурада қайнаб турган парафинга ботирилиш орқали олинади ва совигандан сўнг у билан бирикма ҳосил қиласди. Пластификацияланган ва босим билан турли шаклдаги (филералар) тешикдан ўtkазиб тайёрланган асбоб маҳсус печларда 1300°C темпратурада қизидирилади, натижада доначалар бирлашади.

Пластификацияланган қотишма печдан чиқарилгандан сўнг ишлов бериш лозим ва улар кескич сифатида ишлатилади.

Минералокерамика синтетик материал бўлиб, унинг асосида алюминий оксиди Al_2O_3 бўлади. Ҳозирги вақтда кенг ишлатиладиган минералкерамикани М-332 микролит маркаси бўлиб, қаттиқлиги ХРА 91-93 га тенг, иссиқлик ва эдирилишга бардошлиқда қаттиқ қотишмалардан устун туради. Микролитнинг камчилиги-унинг юқори қаттиқлиги ва мўртлигидир. Микролит пластинаси билан жиҳозланган асбоблар иш даврида температура 1200°C га кўтарилса ҳам ўз иш хоссасини йўқотмайдилар, шунинг учун зарбий қуч таъсир этмайдиган эрда ишлатиш мумкин. Микролит билан чўян, пўлат, рангли металлар ва уларнинг қотишмаларига ва шунингдек, моддаларга юқори тезликда ишлов бериш мумкин.

Микролитнинг тайёрлаш технологияси қўйидагилардан иборат бўлади: кукун тайёрлаб қолиплангандан сўнг прессланиб, юқори температурада (1750-1900°C) яхши жисланади. Олинган пластинкалар асбобга ковшарлаш ёки механик усулда ўрнатилади. Ковшарлаш учун пластинкаларни ковшарланувчи юзасини металлизация қилиш лозим, натижада у кесувчи асбоб юзасига яхши ёпишади.

Минералокерамикага вольфрам, молубден, бор, титан, никель қўшиб хоссаси яхшиланади. Қийин ишлов бериладиган қаттиқ металл ёки қотишмаларга минералокерамика пластинкасидан тайёрланган кескичларда ишлов бериш мумкин бўлади.

Фовакли ва ихчам минералокерамика. Фовакли металлокерамикага ҳажмининг 15-50 % фовак бўлган металлокерамика киради ва бу гурухга антифрикцион филтерлар ва терловчи материаллар киради. Антифрикцион материалларнинг таркибида графит ва бошқа компонентлар бўлади, улар ёғловчи вазифасини бажаради.

Фоваклар ёғларга тўлиб яхши ёғловчи хусусиятга эга бўлади ва бронза, графит, темир, графит металлокерамик маҳсулотлар, сирпаувчи подшипникларда ишлатилади. Бронза графит микротузилишига қараб миснинг қалай билан қаттиқ эритмасини доначаларни ҳосил қиласди, ёғ билан тўлган бўшлиқни ва графитни эркин ҳолдагисини кўриш мумкин бўлади.

Темир графитда эса тузилиши феррит, перлит ва цементитдан иборат бўлади, бундай материаллар автомобиль, дастгоҳсозлик, авиацияда кенг ишлатилади.

Филтерлар темир, бронза, никель ва коррозиябардош пўлатлар кукунидан тайёрланади, уларни ғоваклиги 40-50% дан кам бўлиши керак эмас. Филтерлар автомобиль, тракторларнинг двигателида ёқилғи, ҳаво ва турли суюқликларни тозаловчи сифатида ҳизмат қиласди.

Металлокерамик материалларни "Терловчи" деб айтишга сабаб, ғоваклар орасидан буғлатиб совитиши учун уларни терлатувчи деб айтишади, улар коррозияга бардошли бўлиб, пўлатлардан, никель ва вольфрамдан тайёрланади.

Фрикционли металлокерамик материаллар темир миснинг мураккаб кимёвий композицион аралашмаси бўлиб ҳисобланади. Фрикцион материалларни таркибига кирган компонентлар ёғловчи бўлиб, эдирилишдан сақлайди, унга қўрғошин, кварц, кум, турли сулфитлар, оксидлар ва қийин эрийдиган материаллар киради.

Магнитли металлокерамик материалларни ку Kun металлургияси ёрдамида олинади, улар магнит жиҳатидан юмшоқ (ферритлар), магнит жиҳатидан қаттиқ (дойими магнитлар) ва магнит диэлектриклардир.

Ферритлар совуқ ва иссиқ ҳолда, яъни тоза темир кукунини, қотишмалари ва оксидлар асосидаги қукунидан иборат бўлади. Ферритлар оксидловчи мухитда ҳосил қилинади.

Дойими магнитлар мураккаб металлокерамик қотишма бўлиб, темир асосида никель, алюминий, мис, кобальт билан легирланади. Пресслаб ҳосил қилинган магнитларни қўшимча термик ишлаш, тоблаш ва бўшатиш лозим. Металлокерамик дойими магнитлар мустаҳкамлиги қуймада олинишга нисбатан 3-6 марта ошиқ бўлади.

Магнитодиэлектриклар композитлар билан изоляцион диэлектрик материаллардан ташкил топади. Қўшимча бўлиб фенол смолалар, полихлорвинил, силикат ва каучук ҳизмат қиласди, изролясион компонентлар магнитодиэлектрикни 5-15% ини ташкил қиласди.

Электроконтактли металлокерамик материаллар қийин эрувчан (W, Mo, Со, Ни) металларни мис, кумуш аралашмасидан ташкил топади. Энгил эрувчан материаллар тўлатувчи бўлиб ҳизмат қиласди ва материалга юқори электр ўтказувчани хоссасини беради.

Металокерамик контактлар магнитли юргазувчиларда, иссиқлик релесида, токни ўзгартурувчиларда кенг ишлатилади.

Резина тўғрисида маълумот

Резина – бу синтетик ва табиий каучукнинг вулканизасия натижасида олинган махсулоти. Вулканизасиялаштирувчи моддалар билан вулканлаштириш натижасида каучук кимёвий ички ўзгаришлар ҳосил қилиши натижасида резина олинади.

Резина юқори эластик ва ундан тайёрланган деталлар ҳам юқори эластиклик хоссасига эга бўлади. Эластиклик хоссасига эга бўлиши билан

бирга узулишга, едирилишга юқори қаршылар күрсатади, сув, газ ўтказмаслиги юқори ва юқори диэлектрикдир. Резинанинг эластиклик хоссаси чўзилишда, едирилишда, силкинишда ҳосил бўлган кучни пасайтиришда қўлланилади.

Резина - компонентлардан иборат, унинг хоссаси шу компонентлар микдори ва сонига қараб турлича бўлади. Резинани ҳосил қилувчи аралашмаларга каучук, вулканизасияловчи модда, вулканизасияни тезлаштирувчи, тўлатувчи, қаритмайдиган, юмшатувчи ва бўёвчилар киради.

Сунъий ва табиий каучукни пластиклигини ва пухталигини ошириш учун совук ёки иссиқ ҳолда вулканизасияланади. Вулканизасияловчи сифатида каучукнинг таркибига 2-3% олтингугурт кирилилади. Вулканизасиялаш узоқ вақт чўзилгани учун унга 0,5-1,5% магний оксиди, синк оксиди ва бошқалар тезлаштирувчи сифатида қўшилади. Тезлаштирувчини фаоллаштириш учун белила ва магнезит қўшилади.

Физик-механик хоссасни ошириш учун композисиянинг таркибиغا тўлатувчи кирилилади. Тўлатувчилар кукунсимон ва матолига бўлинади. Кукунсимонга қоракуя, каолин, марганес, мел, бор, талк ва бошқалар, матоли тўлатувчиларга корт киради.

Каучукнинг оксидланиши натижасида резина қарииди, ўзининг эластиклигини йўқотади, мўртлашади, яъни физик-механик хоссаси аввалги ҳолига қайтмайди, шунинг учун резинали аралашмага қаришни камайтирадиган вазелин, воск, парафин каби бошқааралашмалар қўшилади.

Резинанинг юмшоқлигини ошириш учун унга юмшатувчи стеарин ва парафин, қарағайнинг смоласи қўшилади. Буёвчи сифатида охора, ультрамарин ва бошқа бўёқларни 10% гача қўшилади.

Резина тайёрлашда аввал, тўлаткичи вулканизасияловчи аралашма билан, хом резинаолинади, резина $145^{\circ}\text{C}-150^{\circ}\text{C}$ температурада вулканизасиялаштирилади.

Вулканизасияни иссиқ ҳолда маҳсус қозонларда сув буғи муҳитида бироз босим остида иссиқ сув ёки ҳавода тайёрланади. Агарда резина металл қолипда қолипланса, у қиздирилган бўлиши лозим. Вулканизасия натижасида каучук вулканизасияловчилар билан реакцияга кириб, резинани ҳосил қиласди.

Каучук ва қўшимчаларнинг тури, яъни кислота, ёғ, иссиқликка чидамли ва бошқа микдорига қараб турли хоссасга эга бўлган резинаолинади. У қониқарли механик хоссасга, совуққа бардош ва чегараланган иссиқликка чидамли бўлади, бу резина кўп буюмлар тайёрлашда, айниқса автомобиль саноатида шина ва бошқа деталларни таерлашда ишлатилади.


Нейритли резина – юқори мустаҳкамлиқ, иссиқ бардошлика ($110-120^{\circ}\text{C}$) эга, ёғда, бензинда бўкмайди, ҳавода ва кимёвий муҳитга тургун. Улар ёғ, бензин, иссиқликка бардошли деталлар, маҳсус кийим, транспорт ленталарини, электрок Абелнинг қопламасини тайёрлашда ишлатилади, бундан ташқари клей ва ҷарми ўрнига ишлатиладиган материаллар ва маҳсус газга қарши шлемлар тайёрланади.

Полисулфитли резиналар кам мустаҳкамликка эга, совуққа, иссиққа, бензин ва ёғга, турли газга бардош беради, шунинг учун ундан шланг, труба, бензонасос қистирмаси ва бошқалар тайёрланади.

Изопренлик резина чүзилишда юқори мустахкамликка эга, кам едирилади, совуққа, бензин, ёғга бардош, ундан лента, салник, манжет, қистирма, шина, электр ускуналари тайёрланади вахалқ хұжалигыда кенг ишлатилади.

Агарда резинанинг таркибида 25% дан ортиқ олтингугурт бўлса, у вулканизасиядан сўнг қаттиқ бўлади ва қаттиқ резина-эбонит деб аталади. Эбонит кимёвий турғун, унга ишлов бериш осон, кимёвий машинасозликда ишлатилади.

Пуркаш билан майдалаш моҳияти эритма оқимини юқори энерготүйинтирилган газ билан майдалашдан иборатdir (3.5-расм). Эритма хоссалари ва қуқун сифатига боғлиқ холда хаво, азот, аргон, гелий билан сепиши кўлланиллади. Куқун заррачалари ўлчамлари 1-0,01 мм., заррачалар Шакли – сферик ёки томчисимон.



3.5-расм. Сепиши учун форсунка схемаси.

Кимёвий-металлургиявий усулда бирламчи материални кимёвий таркиби ёки агрегатли холати ўзгаради. Кимёвий-металлургиявий усулига окисланишни тиклаш, электролизлар кирадилар. Корбанилли бирикмаларни термиқ диссоциясияси умумий кўринишда тиклаш реакциясини қўйдагича ёзиш мумкин: $\text{MeA} + \text{X} - \text{Me} + \text{A}-\text{K}$, бу эрда Me-металл; A-нометалл ташкил этувчи (кислород, хлор, фтор, тузли қолдик); X-тикловчи; K- реакцияни иссиқлик самараси .

Тикловчи сифатида танланган температурада металлга қараганда нометалл ташкил этувчига кимёвий яқинроқ бўлган модда бўлиши мумкин. Тикловчи сифатида водород, углерод окиси, аммияк, табиий газ, кокс ва бошқалар ишлатилади.

Шакллантириш мақсади – қуқундан тайёрланган тайёрламаларга, махсулотни кейинчалик тайёрланишида керак бўладиган, шакллар, ўлчамлар, зичлик ва механик мустахкамлик беришdir. Шакллантириш ўз ичига куйдириш, классификация аралашмаларини тайёрлаш, дозалаш ва бевосита Шакллантиришни олади. Куйдириш қолдик оксидларни тиклаш ва наклепни эчиш хисобига қуқунни пластиклиги ва Шиббаланишини ошириш учун

зарурдир. Қиздириш химоя (инертли, тикланувчи) атмосферада ёки 0,4...0,6 Теріш температурасыда вакуумда амалға оширилади.

Классификация – ўлчамлар бүйича ажратиш ўлча ёки хаволи сепарация усулларида 50мкм гача бўлган йирик кукунлар учун элакларида нисбатан майда кукунлар учун амалға оширилади. Арапаштиришдан олдин металли кукунларга турли хил мўлжалланишдаги технологик қўшимчалар: пластификаторлар (парафин, стеаарин ва бошқалар), улар шиббалаш жараёнини осонлаштириади; пишириш жараёнини яхшиловчи энгил эрувчан металлар; керакли ғовакли деталларни олиш учун учеб кетадиган моддалар киритилади. Тайёрланган кукунлар турли хил курилмаларда (шарли тегирмонлар, айланувчан барабанлар ва бошқалар) аралаштирилади ва сўнг улар шакллантирилади. Совуқ ҳолда шиббалашда кукун пресс шаклга солинади ва пуансон билан шиббаланади, босим таъсири остида кукунни зичлашиши ва алоҳида заррачаларни деформацияланиши содир бўлади.

Пишитилган тайёрламаларни физик-механик хоссаларини ошириш учун қайтадан Шиббалаш ва пиштиш, мойловчи материаллар билан тўйинтириш (антифрикцион деталлар учун), куйдириш, тоблаш хамда кимёвий термик ишлов бериш қўлланилади.

Композицион материаллартўғрисида умумий маълумотлар

Ҳозирда композицион материаллар замонавий технологик машиналар ва жиҳозлар ишлаб чиқаришда муҳим ўрин эгалламоқдалар, улар шу вақтгача ишлатиб келинаётган турли конструкцион материалларга (пўлат, чўян, рангли металлар ва ҳаказолар) қараганда ўзига хос хоссаларга эгалар. Композицион материаллар икки ва ундан ортиқ ташкил этувчиляр-компонентлардан иборат мураккаб тузилишдаги материал бўлиб, ҳар хил усуллар билан боғланган ва ўзига хос хоссалари бор.

Композицион материаллар анъанавий конструкцион материалларга нисбатан алоҳида хоссаларга эга, бу ижобий хоссали материалларни ва конструкцияларни яратишга олиб келди.

Биринчи композицион материал француз боғбони Ж.Моне 1867 йилда патентлаган (ховли гул туваклари сим ва цементдан ясалган).

Самолёт конструкциясида ойнапластик (“стеклопластик”) полиэфир материали ойна толаси билан синчланган (“армирован”) композицион материал 1942 йилда қўлланилган.

Композицион материаллар машинасозлик аппарати конструкцияларига қўйилган қўйидаги талабларга жавоб беради:

- енгил бўлишлиги;
- максимал мустаҳкамлик ва бикрлик;
- ишлиш даврида максимал ишлиш ресурси.

Шунинг учун композицион материаллар самолётсозлика кўп қўлланилган.

Ҳозирги замон транспорт самолётлари конструкцияларининг 15-20%; ҳарбий самолётларнинг 25-30%; ҳарбий вертолётларнинг 45-55%; стратегик

ракеталарнинг 75-80% композицион материаллардан ясалган ва бу билан жуда катта оғирлик иқтисод қилинган.

Композицион материалларга қуйидаги хоссалар йиғиндиси хос:

а) Компонентларнинг таркиби, шакли ва тақсимланиши олдиндан аниқланган;

б) Икки ва ундан ортиқ кимёвий ҳар хил материаллардан таркиб топган ва бирбирларидан ажралиб турадилар;

в) Композицион материалнинг хоссалари ҳар бир ташкил этувчининг хоссалари билан аниқланади;


г) Композицион материалнинг хоссалари, ташкил этувчиларнинг хоссаларидан фарқ қиласи;

д) Композицион материал макромасштаб миқёсида биртанли, микромасштабда бир танли эмас;

е) Композицион материал табиятда учрамайди ва инсон қашфиётидир.

Геометрик кўрсаткичларига қараб ташкил этувчилар ҳар хил бўлади. Бутун ҳажм бўйича узлуксиз-тўхтовсиз тарқалган ҳамда композицион материалнинг бир бутунлигини таъминловчи компонент -матрица дейилади (3.6-расм). Узлукли, бўлак-бўлакли материаллар синчловчи ёки пухталовчи модда ташкил этувчилар я‘ни арматура деб аталади.

Матрица билан қўшимчалар орасида маҳсус юпқа қатлам бўлиб, у ажралиш юзасини белгилайди.



3.6-расм Композицион материалларнинг тузилиши

1- матрица (боғловчи материал); 2- арматура (мустаҳкамловчи) элемент; 3- ажралиш юзаси.

Композицион материалларни синфларга ажратишда матрица ёки арматура ва қўшимчаларнинг турига, микротузилиш хоссалари ва материални олиш усулларига асосланган.

Матрица материали сифатида металл ва унинг қотишимлари; органик ва ноорганик полимерлар; керамика, углерод ва бошқа материаллар ишлатилади. Матрица материали хоссалари композицион материални олиш технологик жараёнини ифодалайди, унинг зичлигини, мустаҳкамлигини, ишлаш ҳароратини, толикишига қаршилигини, ташқи агрессив муҳитга қаршилигини ифодалайди.

Синчловчи ёки пухталовчилар матрица бўйлаб бир текисда жойлашади, булар юқори пухталика, қаттиқликка, эластиклик модулига эга вабу кўрсаткичлар матрица кўрсаткичлариникидан анча юқори.

Тўлдиргичлар пухталикни ошириб қолмай, композицион материалнинг бошқа хоссаларига ҳам ижобий таъсир қиласиди.

Тўлдиргичларнинг геометриясига, уларни матрицада жойлашишига қараб композицион материаллар кўйидагида классификация қилинади.

а) Тўлдиргичларнинг геометриясига қараб;

1. Нол ўлчамли тўлдиргичли, буларнинг ўлчамлари уч томонлама ўлчашда бир хил ўлчам кўрсатгичига эга;

2. Бир ўлчамли тўлдиргичли, ўлчамлардан бирининг ўлчамлари қолган иккитасиникидан жуда катта;


3. Икки ўлчамли, икки ўлчами қолган биттасидан жуда катта.

б) Тўлдиргичларнинг жойлашишига қараб композицион материаллар уч гурухга бўлинади:

1. Тўлдиргичларни бир ўқда-чизиқли жойлашиши билан тўлдиргичлар тола, ип, шаклидаги кристаллар шаклида бўлиб, матрицада бир- бирига параллел бўлади;

2. Икки ўқли-юзали, буларда синчловли тўлдиргичлар тола шаклида, интевид кристалларнинг матолари шаклида, матрицада фолга формасида параллел текисликларда бўлади;

3. Уч ўқли-ҳажмий, бунда синчловчи тўлдиргич ҳажм бўйича жойлашган, афзал йўналиши йўқ.



3.7-расм. Композицион материалларни макротузилиши бўйича фарқланиш схемаси.


Тўлдирувчи ва арматуранинг тартибсиз (а, б, в, г ва и), бир ўқ йўналишида (д, э, ж ва з), мураккаб (к, л ва м.) жойлашуви.

Бунда: а - кукун; б- калта толалар; в - пайрахалар; г- кукун билан калта толалар аралашмаси; д- калта толалар; э- ва и- узун толалар; ж-түқима ва юпқа материаллар чиқиндиси, з- түқима ва кукун аралашмаси.

Компонентларнинг табиатига қараб композицион материаллар қўйидаги тўрт групга бўлинади:

1. Таркибида металл ёки металл қотишмаси бор;
 2. Таркибида оксидлар, карбидлар, нитридларнинг ноорганик бирлашмалари бор;
 3. Таркибида нометалл элементли, углеродли, борли ва ҳ.к. компонент бор;
 4. Компонентлари органик моддалар бирлашмасидан (эпоксидли, полиэфирли, фенолли ва ҳ.к. смолалар) ташкил топган.

Композицион материаллар ҳозирги замон конструкцион материалларга нисбатан анча юқори нисбий бикрликка (\mathcal{E}/p) ва нисбий пухталикка ($\sigma_{\text{в/п}}$) эга (3.8-расм).



3.8-расм. Нисбий пухталик ва нисбий эгилувчанлик модули:
1 – алюминий учун; 2-пўлат ва титан; 3 – ойна пластик; 4 – бериллий ва бошқа материаллар учун

Композицион материалнинг эластиклик модулини хоҳлаган томонга, ўша томонга синчловчи кўйиб қўтариш мумкин.

Композицион материалларнинг пухталиги ҳам юқори. Оддий қотишмаларда дарз кетиш ва унинг ўсиши ишлаш вақтида тез кетади. Композицион материалда дарз кетиш матрицадан бошланади, уйса олмайди, чунки йўлда пухталовчи тўлдиргичга бориб тақалади.

Нол-ўлчамли тўлдиргичли композицион материалларматрица асосан металдан ва қотишмадан иборат. Металл асосидаги композициялар дисперс заррачалар билан бир текис пухталанади. Дисперс заррачалар: а) Микроскопик ($d=0,01$ - $0,1$ мкм); б) Майда ($d=1$ - 50 мкм) бўлади, хоссалари изотроп бўлади.

Дисперс заррачалар билан синчланган композициялар күпинча куқун металлургияси усулида олинади. Асосий босқыллари:

1. Матрица метали ва пухталовчини кукунларини аралашмасини олиш (махсус усуллар билан кукунлар олинади, сўнгра маҳсус машиналарда аралаштирилади).

2. Пўлат матрицаларда кукунни пресслаш ва ихчам тайёрламага айлантириш.

Сўнгра уни термик ишлаш – ("спекониэ") пресслаш, деформациялаш даврида маҳсулот муқобил, турғун дислокацион тузулмага эга бўлади.

Композицион материалларда ҳамма қучни матрица ўзига олади, дисперс заррачалар эса пластик деформацияни ривожланишига тўсқинлик қиласи ҳамда якка ҳолдаги дислокацияларнинг харакатига, ҳам дислокация ҳосиллари харакатига тўсқинлик-қаршилик қиласидар. Самарали пухталаниш пухталовчи модда миқдори 5-10% ташкил этганда содир бўлади.

Композициянинг пухталиқ даражасига пухталовчи дисперс заррачаларнинг ҳажмий бирлиги, унинг дисперслик даражаси ва заррачалар орасидаги масофа таъсир қиласи, заррачалар орасидаги масофа кичиклашиши билан қаршилик ортади

$$\sigma = \Gamma b / l;$$

бу Орован формуласи, бу ерда:

Г - матрица материали силжиш ("сдвиг") модули;

б-атомлар орасидаги масофа;

л-пухталовчи заррачалари орасидаги масофа.

Синчловчи тўлдирувчилар сифатида қўпинча қийин эрийдиган оксидлар, нитридлар, боридлар, карбидларнинг дисперс заррачалари (Al_2O_3 ; TiO_2 ; XfO_2 ; BN ; SiC ; WC ; TiC) хизмат қиласи, бу қийин эрийдиган бирикмалар юқори эластиклик модулига эга, зичлиги паст, матрица материалига нисбатан инерт. масалан, TiO_2 ; Al_2O_3 ларнинг эластик модули $380,5*10^3$ ва $146,12*10^3$ Мпа га тенг, зичлиги $1,0$ ва $3,97 \text{ g/cm}^3$.

Алюминий матрицали композицион материаллар (нол-ўлчамли) машинасозликда, алюминий асосидаги Al_2O_3 билан пухталанган композицион материаллар ўрин олган, улар кукун металлургияси усулида алюминий кукунини пресслаб, термик ишлаб олинади (САП). Кукун заррачаси ўзига ("тангача") шаклида бўлиб, қалинлиги 1мкм . Заррачалар юзасидаги оксид пленка қалинлиги $t=0,01-0,1 \text{ мкм}$. САП-пиширилган алюминий кукуни ("спечённая алюминиевая пудра"), таркиби: Al_2O_3 6-22%; ва алюминий, иккаласи ҳам кукун ҳолатда. САП – бу пиширилган алюминий қотишмаси ("спечённый алюминиевый сплав"). САП га Fe , Ni , Cr , Mn , Cu , лар қўшилади, яъни легирланади.

САП нинг 200С даги механик хоссалари.

Marka	Al_2O_3 ; % hajmi	σ_v , MPa	$\sigma_{0,2}$ MPa	δ_1 , %	E, MPa
SAP-1	6-8	300	200	7-9	67
SAP-2	9-12	320	230	4	71
SAP-3	13-17	400	340	3	76
D20		420	300	11	69

Дуралюмин-Ал-Су-Мг тизимидағи Ал қотишинасы Д20 нинг хоссалари тоблаш (535 +5) С ва 1800С да 124 соат ичида эскиришдан сўнг, бу шароитда Д20 нинг механик хоссалари, муқобиллашади (САП дан юқори).

САП нинг илғорлиги-яхши томонлари 3000С дан юқорида билинади, намоён бўлади, бу ҳароратда алюминий қотишиналари ўз пухталикларини йўқотади. Дисперсли-мустаҳкамланган қотишима ўз хоссаларини 0,8-Т эриш ҳароратигача ушлаб тура олади, чунки пухталанган заррачаларнинг термодинамик турғунлиги катта. Кислород алюминийда эримайди. Al_2O_3 нинг заррачалари ўзаро таъсир қилаолмайдилар, чунки орадаги алюминий матрица бунга йўл қўймайди. 5000С° да деформацияланадиган қотишима Д19 ва Д20 ларнинг мустаҳкамлиги $\sigma_b=15$ MPa ни ташкил қиласди. СА-1ники $\sigma_b=80$ MPa; САП-2ники $\sigma_b=90$ MPa; САП-3ники $\sigma_b=120$ MPa.

САП ларнинг физик хоссалари (электр ўтказиш, иссиқлик ўтказиш, термик кенгайиш коэффиценти) Al_2O_3 нинг миқдорига боғлиқ. Al_2O_3 ортиши билан физик хоссалари пасаяди, лекин, САП-3 нинг электр ва иссиқлик ўтказиши Д19 ва Д20 ларнидан юқори.

САП қотишиналари иссиқ ҳолда қониқарли деформацияланади. САП-1 совук ҳолда ҳам деформацияланади, САП осон қирқилади, аргон ёй ва контакт усууларида қониқарли пайвандланади.

САП лардан яримхомашё чиқарилади: варақлар, профиллар, кувурлар, фолга ва боашқалар. САП дан ясалган деталлар 300..5000С° да бемалол ишлайди: компрессор, трубина, вентилятор белчалари, поршень штоклари. Иссиқ ва куч остида ишлайдиган деталлар усти САП варақлари билан қопланади.

Никель матрициали композицион материаллар (нол-ўлчамли) пухталовчи компонентлари заҳарли торий диоксиди (TxO_2) ёки гафний диоксиди (XfO_2) заррачаларидир, бу материаллар ВДУ1 ва ВДУ-2 деб белгиланади. ВДУ-3 қотишинасыда матрица вазифасини никель-хромли қаттиқ эритма (20%-хром) бажаради. Пухталовчи заррача-гафний диоксиди.

Гафний ва торий оксидлари қисишида юқори микроқаттиқликни ва пухталикни кўрсатадилар, матрица эса максимум турғун. Торий ва гафний оксидларини ҳажми 2-3%.

XfO_2 оксидининг механик хоссалари юқоридаги TxO_2 никидан кам фарқ қиласди. Иссиқка бардошлиги оксид заррачаларнинг сонига, ўлчамларига, матрица диполарининг ўлчамларига, шаклига ва қурилишига

боғлиқ. Матрицанинг элементлари босим остида ва термик ишлаш даврида ҳосил бўлади.

ВДУ-1, ВДУ-2, ВДУ-3 ларнинг иссиқбардошлиги оддий ҳароратда никель асосидаги иссиқбардош пўлатларнидан паст, лекин, ҳарорат кўтарилиши билан ВДУларнинг иссиқбардошлиги (шу ҳароратдаги мустаҳкамлиги) шу ҳарорат учун никель асосидаги иссиқбардош пўлатларнинг мустаҳкамлигидан катта бўади.

ВДУ-1, ВДУ-2 пластик, шунинг учун ҳар хил ҳаракатда турли усуллар билан деформацияланади: болғалаш, штамплаш, чўқтириш, ботириш. Бир бири билан юқори ҳароратли кавшарлаш воситасида бирлаштирилади, диффузион пайвандлаш ҳам қўллаш мумкин.


ВДУ-2, ВДУ-3 қувур, чивик, варақ, сим, фолга сифатида чиқарилади, булар асосан авиаация двигателларида гидроликалар, аланга турғуни, йўниш камераси учун ишлатилади.

Бир-ўлчамли тўлдиргичли композицион материалларда пухталовчи компонент сифатида бир ўлчамли элементлар ипсимон кристалл тола (сим) шаклида ишлатилади. Толалар ва бошқа синчловчи элементлар матрица воситасида бир бўлак қилиб маҳкамланади. Матрица толаларни бузилишдан зарб ейишдан, узилишдан сақлайди. Матрица кучланишни толага узатади, агар битта тола узилса, кучни қайта тақсимлайди, бу ерда асосий шарт толалар матрица бўйлаб бир текисда бўлинган бўлиши лозим.

Композицион хоссаларга синчловчи толаларнинг пухталиги, матрицанинг бикрлиги, матрица билан тола орасидаги боғлиқлик, мустаҳкамлиги таъсир қиласи.

Толалар билан пухталаш матрицага жойлашган толаларнинг эластик модули (\mathcal{E}_t) матрица материалининг эластик модулидан (\mathcal{E}_m) дан катта бўлиши керак: $\mathcal{E}_t > \mathcal{E}_m$, бу композициянинг механик хоссаларининг юқори бўлишининг асосий ва зарурый шарти.

Композицион материаллар назарияси шуни тақозо қиласи, толалар бутун матрица бўйича бир текисда жойлашган бўлиши керак ва матрица-тола чегарасида ҳеч қандай сирпаниш бўлиши мумкин эмас, шунда куч матрица ва толалар орасида бир хил бўлинади. Композиция, матрица ва тола деформациялари тенг бўлади: $\xi_k = \xi_m = \xi_t$, бу ҳолда композиция пухталиги сувом толаларнинг ҳажмига қараб ўзгаради(8.9-расм).



3.9-расм Толали материал мустаҳкамлигининг тўлдиргич миқдорига қараб ўзгариши

Алоҳида, толаларнинг ҳажми $\vartheta_{тола} < \vartheta_{кр}$ бўлганда, кучни толалар қабул қилиб узилади ва кучни фақат матрица қабул қиласди. Ҳажм $\vartheta_{кр}$ дан ошгач ($\vartheta_{тола} < \vartheta_{кр}$), кучни тола олади ва унинг пухталиги композиция пухталигини аниқлайди.

Композиция пухталиги матрица ва тола пухталикларининг йиғиндисига тенг

$$\sigma_{в.ком.} = \sigma_{в.тола} \vartheta_{тола} + \sigma_{в.матр} (1 - \vartheta_{тола})$$

Шу каби эластик модули ҳам аниқланади.


$$\mathcal{E}_{ком} = \mathcal{E}_{тола} \vartheta_{тола} + \mathcal{E}_{матр} (1 - \vartheta_{тола}).$$

Композициянинг пухталиги $\vartheta_{тола} = 0,8-0,9$ гача бўлгунча ошади. Бундан сўнг матрица материалини тола билан тўлдириш қийин. Матрица билан тола боғланиши пасайиб, улар бир бирига нисбатан сирпаниши мумкин.

Пухталовчи толаларнинг матрицадаги критик ҳажми, қуйидагича аниқланади:

$$\vartheta_{кр} = (\sigma_{в.матр.} - \sigma_{т.матр.}) / (\sigma_{в.тола} - \sigma_{т.матр.})$$

Композицион материалларнинг тола йўналиши бўйича берилган куч таъсири остида деформацияси уч босқичда ўтади(8.10-расм).



3.10-расм. Чўзиш диаграммаси.

1 – тола; 2 – матрица; 3 – бир томонга йўналган толали композитлар учун

Биринчи (I) босқичда эластик деформация бўлади, бу толага ҳам, матрицага ҳам тегишли.


Иккинчи (II) босқичда матрица эластик-пластик ҳолатга ўтади, толалар эса эластик деформацияланади, бу ҳолда эластик модули:

$$\mathcal{E}_{ком} = \mathcal{E}_{тола} \vartheta_{тола} + (\Delta \sigma_{матр.} / \Delta \varepsilon_{матр.}) \vartheta_{матр.}$$

бу ерда: $\frac{d\sigma_{\text{мат}}}{d\varepsilon_{\text{мат}}}$, матрицанинг деформацион пухталаниши.

Учинчи (ИИИ) босқичда композиция пухталиги кескин пасаяди, чунки мўрт толалар узилади ва матрица бузилади.

Толали композитлар анизотроп материал ҳисобланадимеханик хоссалари толаларнинг куч йўналишига қараб жойлашишига боғлиқ (3.11-расм).



3.11-расм. Бир томонга йўналган толали композит мустаҳкамлигининг тола йўналиш бурчагига қараб ўзариши.

1-матрица; 2- тола

Бу камчиликни йўқотиш учун тола материалини тўғри танлаш ва ҳажмий синч толаларини, деталларини шундай танлаш керакки, куч тола бўйича таъсир қиласин.

Синчловчи материаллар ва уларнинг хоссалари

Композицион материалларни пухталаш учун юқори пухталиқдаги:

- пўлат симлар; вольфрамдан, молибдендан олинган симлар, уларнинг қотишмаларидан олинган симлар ва ҳ.к.;
- бор, углерод, ойна-шиша; алюминий нитриди ва кремний нитриди, оксиди монокристали толаларидан фойдаланилади.

Симлар - энг арzon ҳаммабоп синчловчи материал, пўлатдан ва бериллийдан олинган деталлар учун ишлатилади. Вольфрам ва молибдендан ясалган симлар ўрта ва юқори ҳароратда ишлатилади.

Ҳозирги вақтда пухталаш учун аустенит, аустенит-мартенсит, мартенсит синфидағи пўлатдан олинган тола-симлар ишлатилмоқда.

Аустенит синфидағи (Х18Н9, Х18Н10Т) пўлатларни 92% га қисиб, кирялаб сим олинади, бунда пухталиқ бирданига ортиб, пластиклик кескин пасаяди. Турғун эмас аустенитнинг мартенситга айланишини тезлаштириш учун тайёрлама совуқ (минус) ҳароратгача совитилади, бунга совуқлайн ишлаш дейилади.

Мартенсит тузилмали симнинг пухталиги аустенит тузилмалидан 40-50% юқори.

Мартенсит синфдаги пўлатлар 30Х13, Н17Н2, 13Х14Н3ФА дан, уларни 950-1000°C⁰ да тоблаб (сувда ёки ёгда), бўшатиб юқори пухталиқдаги симлар олинади. Масалан, 30Х13 дан олинган симнинг пухталиги 2000 Мпа га етади.

Аустенит ва мартенсит синфидағи пўлатлардан ясалган сим $380\text{-}4000^{\circ}\text{C}$ да пухталигини йўқотмайди.

Аустенит-мартенит синфидағи $20\text{X}15\text{H}5\text{AM}3$ пўлат пухталигини $480\text{-}500^{\circ}\text{C}$ да ҳам ушлаб туради. Совуқ ҳолда киряллаш (80%) билан унинг пухталигини сезиларли ошириш мумкин (3200 Мпагача).

Пухталаниш симнинг диаметрига боғлиқ: диаметр кичиклашиши билан пухталаниш ортади.

Вольфрам ва молибдендан олинган симлар. Вольфрам ва молибдендан ҳамда уларнинг қотишмаларидан олинган симлар, асосан кукун металлургияси усулида олинади, охирида киряланади. Вольфрам симларини олишда қўшимча сифатида TxO_2 ; SiO_2 ; La_2O_3 оксидлар ишлатилади, бу вольфрам симини мустаҳкамлигини етарли даражада ушлаб туради.

Олдин диаметри $2,75$ мм бўлган зувалалар олинади: пўлат шаклида, босим $P=4\text{-}6 \text{ тс}/\text{см}^2$ да, гидропрессларда, 3000°C ҳароратда термик ишлаб – пиширилади,

1000°C да бошланиб, аста пасайтириб, охирги даврда $400\text{-}600^{\circ}\text{C}$ га туширилади. киряланади бир неча бор юмшатилади: биринчиси 800°C да, қолганлари $600\text{-}750^{\circ}\text{C}$ да. Юмшатиш билан бирга киряланади: диаметри $d=0,3; 0,12; 0,05$ мм ли кирялар (“филера”) билан.

Диаметри $0,5$ мм бўлган вольфрам симларининг хоссалари

Сим маркаси	Ҳарорат, $^{\circ}\text{C}$	Пухталик, МПа	Узоқ муддатли пухталик, 100 соат. МПа	Окувчи аниқлик чегараси, $6*10^{-5}$
ВА	900	1320	630	760
W_+ Қўшимча- “присадка”	1000	1130	480	630
	1100	-	350	470
SiO_2 ва Ал	1220	740	330	380
ВТ-15	900	-	-	-
W_+	1000	1200	660	830
$2\% \text{ TxO}_2$	1100	1090	440	600
	1200	850	410	520
БП-20	900	2670	1170	1950
W_+	1000	2140	1060	1300
$20\% \text{ Pe}$	1100	1990	420	690
	1200	1390	240	350

ВР-20 нинг пухталиги, узоқ муддали пухталиги 1100°C гача анча юқори. ВТ-15 эса 1200°C да ҳам узоқ муддатли пухталигини сақлаган.

Молибден, вольфрам, танталдан ясалган симлар ўз мустаҳкамликларини $1200\text{-}1500^{\circ}\text{C}$ да сақлаб турадилар. Молибденли симлар ҳам шу йўсинда олинади. Молибден вольфрамга нисбатан анча пластик, вольфрамга нисбатан ($100\text{-}200^{\circ}\text{C}$) паст ҳароратдаишланади. Молибден қўшимчасиз совуқ ҳолда ҳам деформацияланади ва $0,3$ дан $0,02$ мм гача диаметрли сим олинади.

Умуман, вольфрамли ва молибденли симларни иссиқбардош композицион материалларни синчлаш учун ишлатиш мақсадга мувофиқ.

Бериллийли симлар. Бериллийни зичлиги кам: $\gamma=1850$ кг/м³; катта мустаҳкамликка ва Юнг эластик модулига эга, булар бериллийнинг нисбий таснифлари.

Бериллий сими 400-480С⁰ да киряланади, бу ҳароратда бериллий пластиклиги жуда юқори бўлади ва кам углеродли пўлат пластиклигига яқин келади. Бериллий металл қобиғи ичида масалан, никель қобиғида киряланади, кирялаб бўлгандан сўнг, қобиқ эритиб олиб ташланади ва сим юзаси электро-кимёвий сайқалланади. Металл қобиқ сифатида матрица материали ҳам ишлатилади, бу ҳолда электро-кимёвий эритиш ва сайқаллаш операциялари бўлмайди.

Диаметри 1,8 мм бўлган бериллий сими $\sigma_b=1129$ Мпа, $E=320*10^3$ МПа га эга. Қаттиқ деформацияланган бериллий толаси юқори рекристалланиш ҳарорати 700С⁰ эга. Камчилиги: паст пластиклиги ($\delta=1-2\%$) ва заҳарлилиги. Бериллий сими кўпинча матрицаси алюминий, магний ёки титандан бўлган композитларни пухталаш учун ишлатилади.


Углеродли толалар. Булар полиакрилнитрилли гидроцеллюлозали толадан ёки нефтли смола асосидаги олинган толалардан олинган. Углеродли толаларни олиш технологияси органик дастлабки толаларни иссиқ таъсирида парчаланишига асосланган. Қиздириш бошқариладиган атмосферада олиб борилади.

Углеродли толаларни ишлаб чиқариш қуйидаги операциялардан иборат:

1. Оксидлаш;
2. Карбонизациялаш;
3. Графитлаш.


Толалар 200-300С⁰ да олинади. Карбонизация 900С⁰дан юқорида водород муҳитида ўтади, унга ўтга турғунлик хоссаси берилади ва 250С⁰ дан юқорида углерод толаси ҳосил бўлади.

Ишлаш вакуумда ёки инерт газ (азот, аргон, гелий) муҳитида олиб борилади. Углерод толаси хоссаларига якунловчи ҳарорат катта таъсир қиласи. Графитлаш ҳароратини ўзгартириб, тола хоссаларини бошқариш мумкин (3.12-расм).



3.12-расм. Углеродли толалар хоссаларига графитизация қилиш ҳароратини таъсири


Углеродли толалар тузулмаси лентасимон конденсирланган углерод қатламлари тизимидан иборат. Бу **гексоганал тузулмали**, номи микрофибрillалар. Бир хил юналтирилган микрофибрillлар гурухи **фибрillаларни** ташкил қиласи. Бунда микрофибрillлар бир-бирларидан тор тиркишлар билан ажралиб туради.



3.13-расм. Углеродли толалар қурилишини схемаси:

а – умумий кўриниш; б – фибрillларнинг узунасига кесими; в – микрофибрillлани кўндаланг кесими; ла ва лс – микрофибрillлани кўндаланг ўлчамлари

Фибрillлаларнинг ўзаро жойланиши, уларни холати даражаси дастлабки хомашёга боғлиқ: толанинг чўзилиш даражасига, макромолекула таркибига, тола олиш технологиясига, шунинг учун ҳар хил дастлабки материаллардан олинган толаларнинг пухталик ва бикирлик хоссаларининг бирбирига нисбати ҳар хил, пухталик хоссалари ҳам ҳар хил.



3.14-расм. Полиакрилнитрилдан (1) ва вискозадан (2) олинган углеродли толаларнинг вақтинча қаршилиги ва эгилувчанлик модули орасидаги боғлиқлик.

Углеродли толалар пухталигига нуқсонлар ғоваклик, дарз кетиш сезиларли таъсир қиласи: Механик хоссаларига қараб улардаги толалар 2 хил бўлади (3.14-расм):

1. Юқори пухталиқдаги тола: $\sigma_b=2500-3200$ МПа, $E=(180-220)10^3$ Мпа.


2. Юқори модулли тола: $\sigma_b = 1400-2200$ Мпа, $E=(350-550)10^3$ Мпа.

Корхоналар углеродли толаларни буралган ёки буралмаган арқон формасида чиқаради. Арқондаги толалар сони: 1000-160 000 тола диаметри $d=7$ мкм. Камчиликлари: 1. Ҳавода оксидланышыга мойиллиги; 2. Металл-матрица билан кимёвий фаоллиги; 3. Полимер-матрица билан адгезия пастлиги.

Юқоридаги икки камчиликни йүқотиш учун толага металл ва керамика қоплама берилади.

Бор толаси. Диаметри $d=12$ мкм бўлган, тозаланган ва дастлаб 1100-1200°C гача қиздирилган вольфрам симиға газ фазодан ($\text{BeI}_2 + \text{X}_2$) бор ўтириши билан бор толаси олинади, натижададиаметри 15-17 мкм вольфрам бориди (WB ; W_2B_5 ; WB_4) ҳосил бўлади: буни атрофида поликристаллик бор жойлашади. Ҳосил бўлган тола диаметри ҳаммаси бўлиб 70-200 мкм бўлади. Ўрта ўзаги пухталиги умумий тола пухталигидан паст бўлади. Ўрта қисилган, атрофи чўзилган бўлади-бу кучланишга ва дарз кетишга олиб келади.

Бор толалари ўзига ҳосил хоссаларга эга: кам зичлик ($\gamma=2600$ кг/м³), етарли даражадаги юқори мустаҳкамлик ($\sigma_b=3500$ МПа), Юнг модули 420 МПа да ва эриш ҳарорати 230°C. Бор толаси ҳавода 400°C да тез оксидланади, 500°C дан юқорида матрица-алюминий билан реакцияга киришади, буни йўқотиш ва иссиқбардошлигини ошириш учун тола юзаси кремний карбиди билан 3-5 мкм қалиндлигига қопланади. Буни номи-борсик. Юқори ҳароратда борсикнинг пухталиги бор толасиникидан юқори(8.15-расм).



3.15-расм. Толалар мустаҳкамлигининг ҳароратга қараб ўзгариши:

1 – тола бордан ясалган; 2 – борсикдан ясалган; 3 – кремний карбидидан ясалган.


Корхоналарда монотола шаклида ғалтакларда чиқарилади. Бор толалари полимер ва алюминий асосли матрициалы композитлар ишлаб чиқишида қўлланилади.

Кремний карбиди толалариниоли什 технологияси бор толалари олиш технологиясидан фарқи йўқ.

Асос углерод бўлган (ўртаси) кремний карбид толалари арzon, лекин юза нуксонларига таъсирчан, пухталиги камроқ.

Металл матрициали юқори ҳароратда ишлайдиган композитларни синчлашда қўлланилади.

Шиша толалар. 1200-1400°C да эритилган шиша диаметри 0,8-3 мм бўлган филерадан ўтказилади ва тезда бир неча микрометргача чўзилади. Диаметри 3-100 мкм бўлган тола узунлиги 20 см гача барабанга ўралади. Толанинг кўндаланг кесим юзаси квадрат, тўғри тўртбурчак, думолок, учбурчак ва олтибурчак шаклда бўлади, бу зич жойлашишни ва юқори пухталикни таъминлайди. Шиша толасининг асоси-бу кремний диоксидидир (SiO_2). Шиша ҳосил қилувчи табиатига қараб силикатли (SiO_2), алюмосиликатли ($\text{Al}_2\text{O}_3\text{-SiO}_2$), алюмоборсиликатли ($\text{Al}_2\text{O}_3\text{-B}_2\text{O}_3\text{-SiO}_2$) бўлади. Юқори пухталикдаги С-шиша таркиби: 65% - SiO_2 ; 25% - Al_2O_3 ; 10% - MgO уй ҳароратида $4,5 \times 10^3$ МПа мустаҳкамликка эга. Эгилувчанлиги 87×10^3 Па. Шиша толаларининг диаметри ортиши билан унинг пухталиги камаяди (3.16-расм).




3.16-расм.Ишқорли (1), ишқорсиз (2) алюмоборсиликатли (3) ойналар мустаҳкамлигини унинг диаметрига боғлиқли

Ингичка толада микродарзлар ва говаклар кам бўллади, лекин, жуда ингичкалари ишлаш ва ишлатишда тезроқ узилади, шунинг учун диаметри ўртacha 5-15 мкм олинади.

Шиша толалари арқон, ип, лента, тўқима, матолар кўринишида композитларни синчлаш учун ишлатилади.

Ипсимон кристаллар (мўйловлар). Карбидлар ва кремний нитридлари алюминий оксида ва нитридлари ҳамда бошқа қийин эрийдиган бирикмаларнинг ипсимон кристаллари газ фазасидан транспорт реакцияси, пиролиз реакцияси билан чуктириб олинади.




3.17-расм. Бүг – суюқлик – кристалл механизми бўйича кремний кристалларини ўсиш схемаси:

1 – бүг; 2 – Ау-Си эритмасини томчиси; 3 – кремнийли ёстиқча; 4 – кремний кристалли

Тизим: пар-суюқлик-қаттиқ фаза.

Кремний карбиди ипсимон кристаллари ўсиши хлорисилан ва углеводородлар ҳисобига бўлади:



Суюқ фаза сифатида учлик фаза: темир-углерод-кремний қўлланилади. Ёстиқча сифатида-графит жараён 1250-13500С да ўтади (3.17-расм).

Кремний кристаллиги диаметри микроннинг улусидан бир неча 10 микронгача бўлади, узунлиги 60-80 мкм.

Мўйловлар ипсимон кристалларнинг тузилмали мукаммаллашган ва пухталик хоссалари назарий хоссаларга яқин.

Графит мўйловлари нисбий пухталик ва бикирлик бўйича юқори кўрсаткичга эга, лекин юқори ҳароратда металл матрицада турғун эмас.

Al_2O_3 ; СиC мўйловлари ва қийин эрийдиган бирикмалар мўйловлари металл матрицали композитлар учун энг яхши пухталовчи ҳисобланади.

Металл асосидаги толалар билан синчланган композицион материалларни олиш. Ҳар хил матрица материаллари ва турли толалар билан синчланган композитларни олиш усулини танлаш қўйидаги омилларга боғлиқ:

1. Матрица ва пухталовчиларнинг дастлабки материаллари ўлчамлари, профили ва табиати;

2. Матрица-пухталовчи чегарасида мустаҳкам боғланиш ҳосил қилиш имконияти;

3. Толаларни матрицада бир текисда тақсимланишини олиш;

4. Композицион материални олиш ва ундан деталь ясаш жараёнларини бир вақт ичida олиб бориш;

5. Жараённи иқтисодий тежамкорлиги.

Композицион материалларни олиш усуллари толаларни эритма билан тўйинтириш шароитларига қараб бўлинади:

1. Меъйёрли босимда;

2. Вакуум шароитида;

3. Босим остида;

4. Вакуумда түйинтириш ва босим остида қуйиш элементлари биргаликда.

Композицион материалларнинг хоссалари шундай деталларда, агарда толалар узлуксиз жойлашган бўлса тўла намоён бўлади. Шунингдек композицион материални олиш ва детални ясаш бир жараёнда олиб борилса, жуда мақсадга мувофиқ бўлади.

Алюминий матрициали композицион материаллар композицион материалларни матрицаси сифатида техникавий алюминий ва унинг қотишмалари ишлатилади: АМ_{тс}, АМ_т, АД1, Д16, САП ва бошқалар. Синчловчи материал сифатида юқори пухталиқдаги пўлат (08Х18Н9Т; 1Х15Н4АМ3; ЭП322 ва х.к) симлари, бериллий симлари, бор, кремний карбиди, углерод толалари ишлатилади.

Пўлат симлар билан синчланган композицион материал прокатланади, прокаткалаштартиби ҳарорат, деформация йўналиши ва даражаси билан аниқланади. Прокатлаш ҳарорати пўлатнинг пухталигини йўқотиш ҳарорати билан аниқланади, масалан, 08Х18Н9Т ва 12Х18Н10Т пўлатлари учун прокатлаш ҳарорати 380-400⁰C, (бу пўлатларнинг пухталигини йўқотиш ҳарорати=400⁰C). 15Х15Н4АМ3 ва ЭП322 пўлатлари учун прокатлаш ҳарорати 420-450⁰C (пухталикни йўқотиш t⁰=450C).

Деформация йўналиши прокатлашда синчлар йўналишига, прокатлаш даврида толалар узилиб кетмаслиги учун қияроқ қилиб олинади.

Корхоналарда композит КАС-1 ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, бунда пухталовчи-синч 1Х15Н4АМ3 пўлатидан ясалган сим (диаметри d=0,15 мм). матрица АВ ёки САП-1.

Пўлат сим билан синчланган алюминий матрициали композитларнинг механика хоссалари. Синчлаш натижасида композициянинг пухталиги 10-12 марта ошади: тўлдиргич-симининг ҳажми 25% ни ташкил қиласи, агар синчлар ҳажми 40%га етказилса, σ_в=1700 Мпа га teng бўлади.

Пўлат сим билан синчланган (25-40%) алюминий матрициали композитнинг механика хоссалари титан қотишмалари хоссаларига тенглашади, бу композитни совуқлайн деформациялаш, тоблаш ва эскиртириш орқали, уни механик хоссаларини янада ошириш мумкин (агар алюминий термик ишланадиган бўлса).

Юқори ҳароратда ишлайдиган деталлар учун матрица сифатида САП ни олиш мақсадга мувофиқ.

САП-1 ни пўлат сим(Х19Н9) билан (15%) синчланиши, уни пухталигини 250⁰C да 2,3 марта, 350⁰C да 3,9 марта; 500⁰C да 5,6 марта оширади.

Алюминий-бор толаси тизимида композитлар янада пухта ва бикр, 400-500⁰C да ҳам бемалол ишлайверади, чунки, бор ҳарорат таъсирида пухталигини камайтиrmайди.

Алюминий бор (Ал-Б) тизимида композитларга мисол: ВКА-1. Бор микдорининг ортиши билан композициянинг пухталиги ва бикрлиги ортади,

ВКА-1 да 50% бор мавжуд. Агар алюминий борсиқ толалари билан синчланса, композиция пухталиги 500°C да 600 МПа ни ташкил этади. Агар борсиқ ҳажми 65% бўлганда, пухталик 1600 Мпа га этади ва узоқ вақт (1000 соат) $300-500^{\circ}\text{C}$ да хам сақланиб туради.

Алюминий матрица углерод толаси билан пухталанган композит нисбатан арzon, лекин механик хоссалари пастроқ, агар титан билан синчланса, композитнинг эгилувчанлик модули ва ишлаш ҳарорати кўтарилади.

Никель матрициали композицион материаллар. Ишлаш вақтини ва ҳароратини кўтариш мақсадида кўпроқ иссиқбардош никель қотишмалари $1100-1200^{\circ}\text{C}$ да синчланади. Пухталовчилар: Al_2O_3 нинг ипсимон кристаллари (мўйловлари), қийин эрийдиган металл ва уларнинг вольфрам ва молибден асосидаги қотишмалари симлари; углерод ва кремний карбиди толалари. Никель ва нихром Al_2O_3 иплари билан кукун металлургияси усулида синчланади, бундай композит таснифи: 9% Al_2O_3 бўлса, $\sigma_b=1800-2100$ МПа, нисбий пухталик 22-25 км.

Иссиқбардош никель қотишмаларини вольфрам билан синчланган композитлари кўпроқ тарқалган, прокатлаш, портлатиб пайвандлаш каби пластик деформация усули билан олинади:.

Вакуумда иссиқ ҳолда прессланади: бир қават иссиққа чидамли никельхромовольфрамли қотишма XН60В, бир қават Вт15 дан сим ($d=0,15-0,18$ мм). Шу тарзда қаватма-қават прессланаверади, бу композит $1100-1200^{\circ}\text{C}$ да ишлайди. Бундай композитларнинг вакили ВКН-1. Матрица: қуйма иссиққа бардош қотишма ЖС6К, синчловчи: вольфрам сими ВА, $d=0,5$ мм.


Нанотехнологияларни фундаментал асослари

“Нано” нима дегани? “Нано” (грекча “нано”- митти) ниманидир мильярдан бир ёки 10^{-9} қисмини англатади, масалан $1\text{Nm}=10^{-9}$ м


Охирги йилларда субмикрон, нано ва кластерли материалларни, электроника, катализ, ахборотни магнитли сақлаш ва бошқа қўплаб технологик соҳаларда амалий қўллаш имкониятидан келиб чиқсан ҳолда ўрганиш жадал ривожлана бошлади.

Субмикрон ва нанокристалл материаллар ҳамда керамик материаллар ҳозирги вақтда конструкция элементлари сифатида ва замонавий микроэлектрон қурилмаларда, авиакосмик техникада, қайта ишлаш саноатининг едирилишга чидамли қаттиқ қопламалари сифатида фойдаланилмоқда. Бу соҳалардаги талабни қондириш учун тузилиш элементлари ўлчамларини субмикрон ёки наноўлчам масштабгача кичрайтириш керак. Бунда тузилиш элементлари ўлчамлари наноўлчам оралиққача камаяди, материалнинг янги физик-механик хоссалари эса массив ҳолдагидан фарқли томонини кўрсатади. Бундай наноўлчам тузилиш (нанотузилиш) нанотехнология йўналишига таъалуқлидир. Ушбу илмий-техникавий йўналишнинг керакли ташкил этувчиси нанотузилишли материалларни (бунданкейин наноматериаллар сўзи ишлатилади) ишлаб

чиқиши ҳамда ўрганиш ва бу олинган материалларни ҳар хил шароитларда текшириш ҳисобланади. Материалларни ўлчам шкаласида «донача» ўлчамлари $\sim 0,3$ дан $0,04$ мкм гача бўлғанлари субмикрокристалларга таъаллуқли ҳисобланади, бундан кичик тузилиш ўлчамидаги материаллар наноматериалларга таъаллуқлидир.




Наноматериаллар (нанокристалл, нанокомпозит, нанофазали ва ҳ.к.) деганда тузилиш элементлари («донача», кристаллча, тола, қатлам, ғовак) технологик чегараси, ҳеч бўлмаганди, бир йўналишда 100 нм дан ($1\text{nm}=10^{-9}$ м) ошмайдиган материалларни тушиниш керак.



Машхур олим, Нобел мукофоти совриндори Ж.И. Алферов таъкидлашича, “Қандайдир моддани ҳажмини бир, икки ёки уч координата бўйича нанометр масштабидаги ўлчамларигача камайтирилса янги сифат пайдо бўлади ёки бу сифат бундай объектларни композициясидан пайдо бўлса, у ҳолда бу тузилишларни наноматериалларга қаратиш, технологиялари ва улар билан ишлашни-нанотехнологияларга киритиш лозим”

уларни олиш

Нанотехнологиялар одатда $1\text{-}100$ мм масштабда бир ёки ундан ортиқ ўлчовларда жараёнларни билиш ва бошқариш, бунда ўлчам самарасини (ходисасини) ҳаракатга келтириш янги қўлланишлар имкониятини яратади янада мукаммал материаллар, асбоблар, тизимлар яратиш учун эркин атомлар ёки молекулалар ҳамда бу атом ва молекулалардан иборат моддаларни ҳажмий хоссаларидан фарқ қилувчи, объектлар ва материаллар нанометрик масштабда қўллаш икониятини яратади.



Нанотехнологияларни ривожланишини рамзий хронологиясини қўйдагича келтириш мумкун:

- Қадимда олтин нанозаррачалари билан шишага рубин ранги берилган;
- “Тҳереъс Пленй оф Роом ат тҳе Боттом” номли ишида П.Фейнман 1959 йил нанотехнологиялар ва молекулалар машиналар ғоясини илгари сурди;
- 1974 йил материаллар яратиш жараёни учун нанотехнологиялар атамасини таклиф этилди;
- 1981 йил Г.Бинник ва Г.Рорер нанотузилмаларни кузатиш учун сканер қилувчи туннелли микроскоп кашф этдилар;
- 1990-йилларда Квантли нукталар, фуллеренлар, углеродли нанонайчалар, атомлар билан манипуляция қилиш ўрганилди, майший наномаҳсулот пайдо бўлди;
- 2000-йилларда графен ва уни хоссалари тадқиқ этилди.

Нанотехнологиялар даври 1960-йил бошларидан бошланди. 1959 йил Физика бўйича Нобел мукофоти совриндори Ричард Фейнман “Қуйида жуда кўп жой бор” номли ишини эълон қилди. Р. Фейнман материаллар ва

қурилмаларни атомли ва молекулярли даражада тайёрлаш фантастис истиқболларга эгалигини кўрсатди. Бубашоратлар нанотехнологиялар даврини бошлаб берди.

Қаттиқ жисимларни қўплаб хоссалари (эриш температураси, экектрутказувчанлик, шаффоффлик ноҳиялари, магнетизм ва бошқалар) кристалл ўлчамларини 10-20 нм ва ундан кам ўлчамларгача камайтиришда ўлчамларга боғлиқлиги бошланади. Шундай қилиб, янги материалларни факат кимёвий таркиб компонентларини ўзгартириш орқали эмас, балки уларни ташкил этувчи заррачалари ўлчамлари ва шаклини созлаш натижасида олиш имкони яратилади. Нанокристаллар ва нанотузилмалар моддалархоссаларини наноўлчамли ҳолатда ўзгартиришга мисол бўлади.


Нанотехнологиялар бўйича амалий ишлар 20-аср 80-йиллари бошидан бошланди.

Нанотехнология (нанотечнологий) атамасини биринчи бўлиб, нанометрик масштабда материаллар хоссаларини бошқариш жараёнини белгилаш учун 1974-йил Токио университети профессори Нарио Танигучи таклиф этган.

Ўлчамлари 3-40 нм бўлган кўп сондаги тузилиш элементлари нанокристалларга хосдир. Нанокристалл материаллар турли хил шаклларга ва ўзига хос кимёвий, физик ва механик хоссаларга эга. Нанотузилиш тизимларидаги янги сифат ва хоссаларнинг мавжудлиги модданинг алоҳида конденсиранган ҳолати борлигидан далолат беради. Бугунги кунда ҳар хил металлар ва қотишмалардан нанотузилишли материалларни олиш маҳсус ишлаб чиқилган технологик усуллар ёрдамида амалга оширилади.

Охирги йилларда нанотузилишли материаллар физикаси ва технологияси соҳасида маълум ютуқларга эришилди. Хусусан, нанотузилишли материалларни тадқиқотнинг керакли босқичи, нанотузилиш тизимларни олишда фазалараро чегарада кечувчи жараёнларни тизимли ўрганишдан иборатdir. Бу эса, нанотузилишли материалларни шакллантиришдаги истиқболли усулларни самарали технологик кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилишга имкон беради.

Агар наноматериаллар тўғрисида гапирсак, уларни бир қанча асосий турларга ажратиш мумкин:



Наноматериалларнинг асосий турлари

Консолидар материаллар — компактлар, металлар қопламалари ва пардалари, қотишма ва бирималар, жадал пластик деформация, аморф ҳолатнинг бошқариладиган кристалланиши ва ҳар хил қоплама ва пардалар ётқизиш усулларида қўлланилади.

Наноярим ўтказгичлар, нанополимерлар ва нанобиоматериаллар изоляцияланган ёки қисман аралашган (консолидар) ҳолатда бўлиши мумкин. Фуллуренлар ва нанонайчалар фуллеренлар деб аталувчи углероднинг янги аллотропик шакли — C₆₀ ва C₇₀ кашф қилингандан (Н.Крото, Р.Керлу, Р.Смолли, 1985) бошлаб ўрганиш объектига айланди. Бундан ҳам диққат билан углерод буғлангандаги электр ёйидаги углероднинг янги шакли нанонайча топилгандан кейин (С.Ишима, 1991) ўрганила бошланди.

Наноматериаллар тўғрисида умумий маълумотлар

Хозирда наноматериаллар жуда кўп соҳаларда қўлланилади: саноатда, наноэлектроникада, нанооптикада, нанобиологияда, наноспектроскопияда, наномедицинада, наноэлементларда ва х.к.

Наноматериалларни саноатда қўлланилиши алоҳида ахамиятга эга, бу материалларнинг хоссалари тамойилли фарқ қилгани учун саноатни кўп соҳаларида ишлатилиди.

Албатта биринчи навбатда наноматериалларни қўллаш юқори механик хоссли янги конструкцион материалларни яратишга имкон беради. Нанотузилмали моддадан ясалган резьбули маҳсулот юқори мустахкам бўлади. Масалан, авиа ва автомобильсозликда ишлатилидиган титандан ясалган маҳсулот нанотузилмали қилиб олинса, унинг чидамлилиги, узоқ ишлаш муддати 1,5 марта ошади, резьбани ясашдаги меҳнат сифими камаяди.

Нанотузилмали алюминий қотишмаларидан мураккаб шаклдаги энгил маҳсулотларни юқори тезликда ўта пластик деформациялаб (босим билан ишлаб) деталлар ясаш мумкин. Бу Шароитда Штампли барча тешик, бурчак ва ҳакозолари тўлиқ тўлади, деформация кучи пасаяди, шакл хосил қилиш ҳарорати пасаяди (450°Cдан 350°Cгача). Хозирда бу усул билан ички ёнар двигатели поршенлари (мураккаб шаклдаги) ясалади.

Нитридли легирланган керамик нанотузилмали моддалардан тузилган материал оловбардош бўлади ва улардан ички ёнар двигателлар, газ турбиналари, кескич пластинкалари ясалади.

Металлургияда эса наноматериалдан ясалган олов бардош материал-керамика қўлланилади.

Хозирда нанокуқунлар кўп функцияли қўшимча сифатида жуда кенг қўлланилади: мотор, трансмиссия ва индустрисал ёғларга, пластик мойларга, босим остида ишлайдиган жараёнларда ишлатилидиган технологик мойларга, металларни қирқищдаги мойловчи-совитувчи суюқликларга, сайқаллашдаги паста ва суспензияларга қўшилади.

Таркибда пластмасса ва полимерлар бўлган композицион материалларга металларнинг нанокукунларини қўшиш анча истиқболли йўналишдир, бу йўл билан пластик магнит, электр ўтказадиган резина, ток ўтказадиган бўёқ ва клей ва х.к. хоссали композицион материаллар олиш мумкин. Металларни нанокукунлари қўшиб ёнмайдиган полимерлар олинади.

Умуман, наноматериалли қопламалар бир текисда, бир хил қалинликда, бир хил зичликда, оловбардош бўлади.

Наноўлчамли материалларни олиш усуллари.

Наноматериалларни олиш усулларига бўлиш негизида наноматериални синтез бўлиш жараёни ётади. Шу нуқтаи назардан олиш усуллари қуйидаги турларга бўлинади: механикавий, физикавий, кимёвий ва биологик.

Механикавий усул материалларга катта деформацияловчи куч таъсирига асосланган: босим, эгиш, вибрация, ишқалаш, кавитацион жараёнлар ва х.к. Физикавий усуллар асосида физикавий ўзгаришлар ётади: буғланиш, конденсация, тоблаш, термотсикллаш ва бошқалар. Кимёвий усуллар электролиз, қайтарилиш, термик парчаланиш кимёвий реакцияларга асосланган. Биологик усул оқсил танаачаларида ўтадиган биологик жараёнларга асосланган.

Ўз навбатида бу наноматериалларни олиш усуллари қуйидаги гурухларга бўлинади: механикавий майдалаш, хар хил мухитларни механикавий таъсирида жадал деформациялаш.

Нанозарралар ва нанонайчалар ҳал хил таркибдаги ўлчамлари умумий ҳолда нанотехнологик чегарадан ошмайдиган квазинанолўлчамли тузилишлардан ташкил топган. Фарқ шундаки, нанозарралар изоляцияланган ҳолатда бўла олсалар, нанокукунлар — албатта, умумий бўлади. Наноғовак материалларда ғоваклар ўлчамлари одатта 100 нм дан кам бўлади.

Супрамолекуляр тузилишлар — бу, молекулалар ва улар ансамбллари орасида ҳосил бўлувчи (кучсиз Ван-дер-ваалс, водород ва бошқа хил боғланишли) ноновалент синтез деб аталувчи жараён натижасида олинадиган нанотузилишдир. Наноматериаллар — бу битта «универсал» материал бўлмасдан, балки ҳар хил амалий қизиқ хоссаларни ўзида бирлаштирувчи турли ҳил материалларнинг кенг синфицир. Наноматериаллар бу жуда кичик, аммо унга «нано» — зарралар деб қараш фикри нотўғри ҳисобланади.

Аслида, кўпчилик наноматериаллар, сирт ёки ҳажмда нанотузилиш шаклини олган мураккаб микрообъектлардан ташкил топган бўлади. Бундайнаноматериалларни модданинг алоҳида ҳолати деб қараса ҳам бўлади, чунки наноўлчамли тузилиш элементларидан ташкил топган материалларнинг хоссалари ҳажмий моддалар хоссаларига ўхшамайди.

Демак, наноматериаллар, инсон фаолиятида фойдаланиладиган бошқа моддаларга қараганда, уларнинг бир қанча асосий ижобий қирралари рақобатбардошлиги билан таснифланади.

Биринчидан, ҳамма наноматериаллар қуролланмаган күз билан күриш мүмкін бўлмаган жуда кичик зарралардан ташкил топган. Бу — бир бирлик юзада катта функцияли наноқурилмани жойлаштириш мүмкін бўлган, айтайлик, наноэлектроникадир ёки жуда зич, 1 квадрат сантиметр 10 террабайтгача бўлган ахбаротни ёзиш учун ҳаётий зарур бўлган супер миниатюрлаштирилган ячейкадир.

Иккинчидан, наноматериаллар ўзлари жойлашган муҳит билан ўзаро таъсиrlашувчи катта сирт юзасига эга. Мисол учун, каталик актив моддалар, ўнлаб, минглаб ва ҳатто миллионлаб маротаба кимёвий ёки биокимёвий реакцияларни тезлаштириб беради.

Сувни водород энергетикаси учун титан диоксид нанозарралари ёрдамида водород ва кислородга парчаланиши маълум. Нанофильтрлар бактерияларни тутиб қолади ёки ёт киритмалар ва токсинларни ютиб қолади.

Учинчидан, наноматериаллар ўзининг физик-механик хоссалари бўйича шуниси билан ўзига хоски, бундай моддалар алоҳида «наноўлчам» ҳолатида бўладилар. Бундай самаралар маълум критик ўлчамга етгандан кейин, яъни квант-механик самаралар ҳал қилувчи ролда бўлган пайтдан бошланади. Бу хосса ярим ўтказгич материалларни идеал энергия тежамкор лазерлар ва ёруғлик нурлантирувчи элементларга айлантиради. Индивидуал нанонайчалар эса, солиштирма массасаси пўлатдан бир неча марта кичик бўлишига қарамай, аъло пўлатдан ўнлаб марта катта қаттиқликга эга. Бу ҳамма белгиларни шу билан тушинтириш мүмкинки, ҳаттоқи, бир грамм наноматериал бир тонна оддий моддани ишлаб чиқаришдан самаралироқ бўлиши мүмкин.

Нанотехнология — бу жуда мураккаб, профессионал кимёгарлар, физиклар, материалшунослар, математиклар, тиббиёт ходимлари, ҳисоблаш техникаси ва ҳ.к. соҳасидаги мутахассисларни бирдай ғайрат билан бирлаштирувчи предметлараро соҳадир. Наноматериаллар соҳасида ҳайратланарли даражада чукур фундаментал билим асослари ва инсоният билимларидан амалий фойдаланиш томонлари бир-бири билан чамбарчас уйғунлашиб кетади.

Наноматериалларни механикавий майдалаш билан олиш.

Бу усул майдаланаётган қаттиқ материалларга катта урилиш кучи ва катта ишқаланиш таъсирига асосланган бунда механик таъсири импульсли бўлиши керак. Механик таъсири заррачанинг маълум бир жойига-нуктасига таъсири қиласи. Куч импульсли маҳаллий бўлганидан кичкина вақтда нисбатан катта куч таъсири қиласи.

Механикавий майдалаш хар-хил қурилма ва мосламаларда олиб борилади: шарли, планетар, вибрацияли, қуюмли, гироскопик, оқимли тегирмонларда бажарилади, аттриторларли қурилмаларида бажарилади. Тегирмонларни ичида энг соддаси ва кенг тарқалгани бу шарли тегирмонидир.

Тегирмон цилиндр бўлиб, ичида кўпинча пўлат ёки қаттиқ қотишмали шарлар бўлади цилиндр айланганда бу шарлар кўринишидаги майдаловчи жисм бўлади, айланиш бўйича барабан бўйлаб кўтарилиб, энг юқорисига чиққанда ўз оғирлиги билан пастга отилиб тушиб, майдаланувчи материални уриб, майдалаб деформациялайди. Майдаланиш тезлиги барабаннинг айланиш тезлигига боғлиқ. Майдаланган заррача шакли-синиқ ғадир-будур.

Аттриторли қурилмалар шарли тегирмонларнинг бир туридир.

Наноўлчамли кукунларни йиғиши усуллари.

Наноматериаллар олиш усулларини кўпчилигини натижавий маҳсулоти бу-кукун. Баъзи материалларни нанотузилмаларини катта хажмда яратиш қийин, баъзан эса мумкин эмас.

Нанокукунлардан хажмий материаллар олиш учун биринчи навбатда хархил пресслаш жараёни вариантлари қўлланилади.

Жипслашган буюм олиш учун пресслашни, пиширишни, прокатлашни хархил технологик жараёнлари қўлланилади.

Амалиёт кўрсатадики, материални дисперслиги ортиши билан жипслапшишлиги камаяди.

Пресслаш-бу кукунга босим таъсирида шакл бериш-шакллаш. Натижада талаб қилинган шакл, ўлчам ва зичлик олинади.

Пресслаш статик ва динамик гурӯҳларга бўлинади, буларнинг хар бири яна кўндаланг гурӯҳларга бўлинади:

1.Пресслаш хароратига қараб: совиқ ва иссиқ пресслаш.

2. Кўйилган куч таснифига қараб: бир ўқли, икки ўқли, ҳар томонлама.

Кукун пресс-шаклга жойлаштирилади. Наноматериаллар прессланганда жараён ваакум камерасида олиб борилади бу усул билан қуидаги $\text{Д}2\text{O}_3 + \text{TiO}_2$ нанокукунлараралашмаси компаклаштирилган-прессланган.

Агар буюм баландлигини кўндаланг кесим ўлчамига нисбати бирдан катта бўлса, икки ўқли прессланади, камроқ куч сарфланади.

Ҳар томонлама қисиб прессланганда куч кам сарфланиб, сифати юқори бўлади, бунга мисол гидростатик пресслаш .

Қаттиқ материалларни олишда магнит-импульсли пресслаш ишлатилади. Усулимпульсли магнит майдонидан диамагнит магнит майдонидан итарилиб чиққан каби ”проводник“ ни отилиб чиқишига асосланган.

Индукторни импульсли магнит майдони билан концентратор юзасини ўзаро таъсири натижасида механикавий импульс қути прессшаклда йиғилади. Электр занжир уланганда концентратор магнит майдони зонасидан итариб чиқарилади ва кукун прессланади. Импульс бир неча микросекунд давом этади: босим $P=1-2\text{ГПа}$.

Дастлабки материал юкловчи мосламадан бир-бирига қарши айланайтган жувалар орасига йўналтирилади. Ишқаланиш кучлари билан кукун эргаштирилиб лентага зичланади, бу усул билан ҳар-хил қатламлар олинади ва диффузион пайвандланади.

Мундшукли шакл бериш қийин прессланадиган материаллар (қийин эрийдиган материаллар ва қотишмалар, қаттиқ қотишмалар) га қўлланилади. Кукун маълум шакл ва ўлчамдаги тешикдан қисиб чиқарилади.

Наноўлчамли тузилмалар тўғрисида умумий маълумот. Ўзининг ўлчам масштабида нанозарралар квант ва классик ҳолатлар чегарасида туради ва бу метатурғун уларга ўзига хос физик-кимёвий ва механик хоссаларни ўзида акс эттиришга имкон яратади. Наноматериалларнинг бундай хоссаларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- сиртга яқин ёки чегаравий дончалар атомлари, ҳажмдаги уларнинг тақсимотига нисбатан катта микдорда бўлиши;

- сиртда жойлашган атомларнинг сирт рельефида кичик координация сонига эга бўлиши ва бошқалар;

- нанокристаллчаларни тасвирий, чизиқли, сирт чўзилиш кучлари таъсирида нуқсонлардан тозаланиши ва бошқалар. Бунда сирт қўпчилик нуқсонларни бу жойга оқиб келиши учун амалдаги чексиз сифимга эга бўлган жой ҳисобданади ва шунинг учун кристаллча ҳажмидан «ҳайдалган» нуқсонлар оқими сирт томонга йўналган бўлади;

- сочилиш, рекомбинация ва чегарадан қайтиш каби ўлчамли самаралар;

- нанозарранинг таснифли ўлчами, янги фаза туғилиши, дислокация сиртмоқлари, доменлар ва бошқа ўлчамлардан кичиклиги;

- тизимнинг ортиқча эркин энергияси камайиши ҳисобига ўз-ўзини ташкил қилиши ва ўзини-ўзи синергетик қуришнинг термодинамика нуқтаи назаридан мақбуллиги;

- квант қонунлари, хусусан, кичик ўлчамли тизимлар (квант нуқталар, сим, ҳалқа, қатлам)да пайдо бўлиши.


Бутун наноматериаллар тўғрисида гапирадиган бўлсак, улар тузилишининг ўзига хосликларидан яна биттаси, бу сирт бўлакларини (доначалараро чегара ва учлама жойлашувлар — учта донча учрашув чизиклари)нинг қўплигидир.

Наноғовак материаллар. Наноғовак материалларни ғоваклар иккинчи фаза ролини ўйновчи, матрицада ихтиёрий ёки қонуний тақсимланган нанокомпозит материаллари деб қараса ҳам бўлади (3.18-расм), бироқ бир неча сабабларининг мавжудлиги уларни алоҳида материаллар синfigа ажратишига имкон беради.

Nanog'ovak materiallar	Tartiblashgan	Notartiblashgan
Birlashmagan bo'shliqlar		
Birlashgan bo'shliqlar		

3.18-расм. Наноғовак материалларнинг асосий турлари.

Ғовакларнинг морфологик таснифини. Бир жинсли бўлмаган ҳажмий ғоваклар морфологиясининг ўзига хос тузилиши 3.19-расмда келтирилган.




3.19-расм. Қаттиқ жисмдаги ғовак турлари:
а — ички (ёпик); б — очиқ бирлашмаган; с — очиқ боши берк

Наноғовак материалларда қўп сондаги кичик ғовак ёки каналларнинг бўлиши, (уларнинг ўлчамлари 0,3...0,4 нм дан 1 мкмгача) уларга қатор алоҳида физик хоссаларни беради. Наноғовак материаллардан аралашма молекуларни бир-биридан ажратишда ва фильтрлар сифатида фойдаланилади. Наноғовак материаллар ишлаб чиқаришда асосий материал ёки технологияси бўйича керамик, металли, яrim ўтказгичли, полимерли ва биологик турларга бўлинади.

Кимё, металлургия ва биология саноатида наноғовак материалларнинг энг қизиқ тури лойнинг алоҳида туридан олинадиган сеолит—алюмосиликатлар ҳисобланади. Махсус иссиқлик ишлови натижасида уларда ўлчамлари 0,1...10 нм атрофидаги учўлчамли очиқ каналли ғоваклар ҳосил қилинади. Ғовакнинг ўлчами сиклик тузилишдаги атомлар сонига боғлиқ бўлганлиги учун, мебрана фильтрларида маълум молекулаларни ютиш ёки аралашма молекулаларини навларга ажратишда материални осон «созлаш» мумкин бўлади.

Фуллеренлар, фуллеритлар, нанонайчалар. Углерод етарлича тарқалган элементдир. Қаттиқ ҳолатда табиатда графит ва олмос ҳолида мавжуд. 1985-йили Роберт Керл, Харолд Крото, Ричард Смолли, Хит ва О.Браендан иборат илмий гурух қаттиқ жисмни лазер нурланиши (абляция) таъсирида олинган графит буғлари ёрдамида 60 ва 70 углерод атомларига тўғри келадиган кластерларнинг амплитуда бўйича мас-спектрини ўрганди.

Кейинги текширишлар шуни кўрсатди, топилган молекулалар ичида энг турғуни катта жуфт сондаги, биринчи навбатда 60 ва 70 атомдан иборат C₆₀ и C₇₀ молекулалари бўлиб чиқди. C₆₀ бирлашмаси сферик шаклдаги футбол тўпига ўхшаш ва C₇₀ нинг шакли эса 8.20-расмдагига яқин бўлиб чиқди.




3.20-расм. Фуллерен молекулалар:

а — С60, б — С70, с — 100 углерод атомидан ортиқ фуллеренни тасаввурдаги молекуласи

Углерод атомлари сфера юзасидаги бешбүрчаклар (пентагонлар) ва олтибүрчаклар (гексагонлар) учларида жойлашади, бу молекула 12 та қора пентагон ва 20 та оқ гексагонлардан ташкил топган футбол түпини эслатади. С60 молекуласи кубпанжара ҳосил қилиб кристалланади. Углероднинг полиэдр кластерлари фуллеренлар деб ном олди. Энг кўп тарқалган молекула С60 —бакминстерфуллерен дейилади ва бундай номланиш 1967-йили сочиувчи пентагон ва гексагонни эслатувчи Монреалдаги АҚШ павилони гумбазининг архитектори Бакминстер Фуллер (Бускминстер Фуллер) фамилияси шарафига қўйилди. Шундай қилиб, фуллерен углероднинг тўртинчи аллотропиясидир (биринчи учтасиолмос, графит ва карбин). Фуллерен молекуласи органик молекула ҳисобланади, фуллеренни ўзи эса органик ва ноорганик материяни бирлаштирувчи молекуляр кристалл ҳисобланади. Фуллеренларнинг жуда катта қаттиклиги, улардан ўта қаттиқ материалларни жамлаш ва қайта ишлаш учун фуллерит микро ваnanoускуналарни, шу жумладан, олмосларни ҳам ишлаб чиқариш имконини беради. Мисол учун, С60 фуллерит олмос ва пардаларнинг қаттиклигини текшириш учун атом-кучли микроскоплар зондларида пирамidalчаларида фойдаланилади. Фуллеренлар ва улар асосидаги бирикмалар нанотузилишлар ҳосил қилишида истиқболли материаллар ҳисобланади. Кенг тарқалган материал графитдан олинадиган фуллеренлар нима учун шунча узоқ вақтдан бери кашф қилинмай келди деган савол туғилади. Бунинг сабабииккита: биринчидан, углерод атомларининг ковалент боғланиши жуда мустаҳкам: уни узиш учун 40000°C дан юқори ҳарорат керак; иккинчидан, уларнинг борлигини билиш учун жуда муракаб қурилмалар — юқори ажратиш қобилиятига эга бўлган ёритувчи микроскоп керак бўлади. Бугунги кунда яна шу нарса маълумки, нанозарралар энг қизиқарли шаклларга эга экан. Бу углерод бирикмаларини катод ўтирмасида фуллеринларни — янги графит тузилмаларнинг синтези вақтида 1991-йили япон микроскопчи олим С.Иджима кашф қилди. Энг қизиқарлиси, углерод нанонайчалари (УНТ) деб ном олган диаметри 1нм дан бир неча нм гача бўлган фуллеренсимон конструкциялар узун толалар ҳисобланади. УНТ нинг узунлигини диаметрига нисбати ~ 1000 га teng, шунинг учун уларнинг квази бирўлчамли тузилиш деб қараш мумкин. Нуқсонсиз УНТ ни графит қатлам билан ўралган


олтибурчак (гексагон) бурчакларида жойлашган углерод атомларидан ташкил топган цилиндр күринишида тасаввур қилиш мумкин. 3.21-расмда келтирилган УНТларнинг шаклларидаги фарқлар яққол күринади.



3.21-расм. Углерод найчалари:
а — «кресло» тури; б — «зигзаг» тури; с - бурама УНТ.

Бу шаклланишлар бир ўлчамли тузилиш модели сифатида илмий нуқтаи назардан ҳам қизиқарлидир ва охирги йилларда уларнинг физик ва кимёвий хоссалари тадқиқ қилинмоқда


Нанообъектларни кузатиш учун сканерловчи тунелли микроскоп Нобел мукофоти совриндори Г. Биннинг ва Г. Рорер томонидан ИБМ корпорациясини Сюрихдаги (Швейцария) лабораториясида ишлаб чиқилган.



3.22-расм. Сканерловчи тунелли микроскоп


Сканерловчи тунелли микроскоп (3.22-расм) сканерли зондли микроскоп варианти бўлиб, юқори фазовий ечимга эга ўтказувчи юзалар рельефини ўлчашга мўлжалланган.

Атомли-кучли микроскопни (ACM) тузилиши эса 3.23-расмда келтирилган




3.23-расм АСМмикроскопи тузилиши

АСМда хромосомани күриниши эса 3.24-расмда көлтирилген



3.24-расм АСМда хромосомани күриниши

Атомлар билан манипуляция қилиш мисоли (3.25-расм)да көлтирилген



3.25-расм

Ксенон атомлари никелда ИБМ ҳарфлари шаклида жуда қаттық материал игнаси ёрдамида маҳаллийлаштирилган.

Нанотехнологияларни икки тамоиллари мавжуд:

- “қуидан-юқорига” туридаги нанотехнологиялар:
- юқоридан-қуига” туридаги нанотехнологиялар.


“Қуидан-юқорига” туридаги нанотехнологияларда атомлар ва молекулалардан нанотузилишли материаллар олинади, яъни тузилмани бошланғич элементларини нанометрли үлчамларга эга заррачаларга иириклаштиришга эришилади.

Бу турдаги технологияларга, изоляция қилинган нанозаррачалар, нанокукунлар ва ихчам наноматериаллар олишда құлланиладын қуидаги усуллар мавжуд: бұғ кейинчалик конденсация қилинадын газофазани синтез; плазмокимёвий синтез; коллоидлиэритмалари ётқизиш; термик ажратиши; плёнка ва қопламаларни электр ётқизиш; детанатсиён синтези ва босқалар.


“Юқоридан-қуиға” турдаги нанотехнология нанотузилмавий материаллар технологияси бўлиб, унда заррачаларни нанометрик ўлчамларига нисбатан йирик заррачалар, кукунлар ёки қаттиқ жисмдоналарини майдалаш орқали эришилади.

Бу турдаги технологияларга, масалан, хажмий тайёрламалардан ихчам наноматериаллар олиш усуллари киради: аморфли материалларни кристаллаш; жадал пластис деформациялаш; қаттиқ эритмаларни ва ностехиометрик бирикмаларни тартиблаш.

Углеродли нанотехнологиялар қуидаги тузилишга эга (3.26-расм)



3.26-расм Углеродли нанотузилмалар
Графен ўзига хос, бошқаларда учрамайдиган хоссаларга эга.




Nature, 2007, v. 446(1), p. 60.

Nano Lett., 2008, v. 8 (8), p. 2442.

Grafen monoatom qatlamini termadinamik turg'unligi yuzani issiqli fluktatsiya keltirib chiqargan gofrlash orgali ta'minlanadi

Yassi qatlam qalinligi=0.35nm

Gofrlangan qatlam qalinligi=1nm



$$\frac{Qalinligi}{Uzunligi} = \frac{0,35\text{нм}}{35\text{мкм}} = 10^{-5} = \frac{1\text{мм}}{100\text{м}}$$

Ko'ndalang o'lchamlarni qalinlikga nisbati $10^5 \dots 10^7$ bo'lganda, grafenni monoatom qatlami uni o'zini og'irligidan bir necha barobar kuch ta'siri buzilmasdan ko'taradi.

3.27-расм.

Нанотехнология жуда кенг предметлараро йўналиш бўлиб, физика, кимё, материалшунослик, биология, интеллектуал соҳа технологияси, юқори технологияли компьютер техникаси ва х.к. соҳа мутахассисларини бирлаштиради.

Нанотехнологияларда фулеренларнинг ўзаро боғлиқлиги наноматериаллар ва нанотузилмаларни яратишда физикавий, кимёвий ва биологик билимлар ва усулларни кенг ишлатилиши, ҳамда инсон фаолиятини турли йўналишларида, жумладан, техника ва тиббиётда турли муоммаларни очишида нанотехнологияларни қўлланилиши муҳимлиги билан аниқланади.

Турли йўналишлардаги билимларни ва рағбатлантириш жамғармалари синергизмга олиб келадилар ва янги билимларни келтириб чиқарадилар, бу эса нанотехнологияларни жўшқин ривожланишига сабаб бўлмоқда. Нанотехнологияларни жўшқин ривожланиши янги фан-нанотоксиологияни келтириб чиқарди. Нанотаксикология наноматериалларни заарлигини ўрганишdir.

Ҳатто инерт бирималардан эритилган наноматериаллар, масалан олтин, нанометрик оралиқда юқорифаол бўлиб қолади.

Баъзи нанозаррачалар бирламчи жойлашув жойларидан узоқроқ жойларга, масалан қон ёки мийяга силжиш қобилятини кўрсатадилар, бу эса инсон саломатлиги учун хавф солиши мумкун.

1990-йиллар охирларига келиб нанотехнология маҳсулотлари кенг ишлаб чиқарилмоқда. Кундалик ҳаётимизда нанотехнология маҳсулотларига куйидагилар мисол бўлиши мумкун: (3.28-расм)



-Nanoabrazivga ega mashina moyi



-Titan diaksidi mirozarrachalariga ega krem



-Nanokumishli yopishg'ich

3.28-расм. Нанотехнологияли майший маҳсулотлар.

Нанотехнологияларни тезкор суръатларда ривожланиши наноэлектроникани ҳам янги ривожланиш босқичига олиб чиқади. 20-асрни охирги учдан бири ва 21-асрни бошлари микроэлектроникани жамиятга таъсирини янада ошиб бориши билан изоҳлашади. Бу тўлалигича ярим ўтказгичли микроэлектроникага асосланган техника йўналишлари-ҳисоблаш

техникаси, информатика, алоқа воситаларини мисли күрилмадан ютуқлари билан боғлиқдир.

Биринчи интеграл схемалар пайдо бўлган ўтган аср 80-йиллари бошидан бери транзисторлар ўлчамлари 1мм. дан ўнлаб нм. гача камаяди. Ҳозирда битта кристаллда 10^9 дан траизисторлар жойлаштириш имконини берувчи 90нм ва 65 нм технологиялари ўзлаштирилган, элементлар ўлчами 45нм бўлган қурилмалар ишлаб чиқариш бошланди. Айрим элементларни 32, ҳатто 22 нм гача камайиши кутилмоқда. Бу фундаментал чегара бўлиб, унинг ортидан нанофизика бошланади. Тўлиқ даражада квантли самара пайдо бўлмоқда, электрон тўқималарни квантли-механик интерферкцияси билананиқланмоқда.

Якунда нанотехнологиялар, наноматериалларни жамиатга бўладиган таъсирини изоҳлаш учун машхур олим Палф Мерклни қўйдаги сўзларини келтирамиз; “Нанотехнологиялар материални манипуляция қилишида, худди компьютерлар ахборотни манипулоция қилгандек, революацияни оширадилар”.

Материалшуносликнинг ижтимоий жихатлари

Мутахассис хам мукаммал маҳсулот яратиши зарур. Аммо ишлаб чиқарувчи каби сотувдаги маҳсулотнинг нархи истеъмолчини қониқтириши ва бундан ташқари компанияга фойда келтиришини аввалдан тахмин қила олиш и лозим.

Бугунги кунда иқтисодчи фақатгина бутунжаон бозорларидаги маҳсулотнинг якуний нархи атамаси хақида ўйламаслиги керак. Кўпгина давлатларда маҳсулотнинг кимёвий таркиби тегишли (масалан, CO₂ ажралиши), маҳсулотнинг яроқлилик муддати тугаганидан кейинги қайта ишловларга боғлиқ белгиланган чекловлар мавжуд. Ишлаб чиқарувчи компанииялар бу каби кўпгина омилларни хисобга олганликларига ишонч хосил қилишлари лозим. Масалан, алоҳида холатлар мавжуд бунда маҳсулотдаги захарли моддаларни бартараф этиш давлат томонидан тартибга солинади, арzon технологик жараённи юзага келтиради.

Қуйида материал танлашда мухандислик амалиётларига таъалуқли иқтисодий фикрлар қисқача кўриб чиқилади. Мухандислик иқтисодининг алоҳида бўлимларини тушиниш учун талаба ушбу бўлим сўнгидан келтирилган иловага мурожат этиши мумкин.

Маҳсулотнинг якуний баҳосига таъсир этувчи, мухандис томонидан бошқарилувчи учта омил мавжуд: 1) Деталл конструкцияси; 2) Уни тайёрлаш учун материал танлаш; 3) Маҳсулот ишлаб чиқариш учун технология танлаш. Ушбу омиллар бир бирига боғлиқ: конструкция материал танлашга таъсир этиши мумкин, қолган иккита омил хам (маҳсулот конструкцияси ва материал) ўз ўрнида маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясига таъсир этади. Қуйида ушбу учта омилнинг иқтисодий ташкил этиувчилари қисқача кўриб чиқилади.

Махсулот тузилиши

Махсулот нархининг бир қисми унинг тузилишига боғлиқ. Бунда ўлчам, махсулот қолипи ва Шакли, махсулот ишлатилиш жараёнида унинг холатини аниқлаш тушунилади. Масалан, агар махсулот механик қуч таъсирида ишласа махсулотга таъсир ўтказувчи кучни аниқлаш зарур. Махсулотнинг чизмасини тайёрлаш талаб этилади: бунинг учун кўпинча махсус дастурлар билан жихозланган компьютерлар ишлатилади. Кўпинча алоҳида деталлар кўп сонли деталлардан ташкил топган мураккаб қурилма ёки тизимнинг ташкил этиувчилари бўлиши мумкин (масалан, телевизор, автомобиль ёки ДВД плеэр). Шу сабабли лойихаловчи хар бир деталнинг ягона системада изчил ишлашини хисобга олиши лозим.

Махсулот таннархи махсулот тайёрлангунга қадар унинг тузилишидаги устунлигига кўра нархланади. Шу сабабли мос келувчи материал ва конструкция махсулотнинг яқуний баҳосига таъсир этади.

Махсулотни лойихалаш бу – кўп босқичли жараён, унда қарши кўрсатмалар қондирилади ва турли ечим қабул қилинади. Мухандис муқобил тузилишга эга махсулот мавжуд бўлмаслиги мумкинлигини хам яхши тушиниши лозим.

Материаллар

Иқтисодий муроҳазалардан келиб чиқиб биз қўйилган талабга жавоб берувчи минимал таннархга эга талаб этилган таркибли материал ёки материалларни танлашимиз лозим. Материал гурухи танлангандан сўнг берилган махсулотни тайёрлашда мавжуд чекловлар, берилган тузилиш, турли номзодларни таққослашнинг нисбий қиймати билан асосланиши лозим. Одатда материал нархи оғирлик бирлигини хисоблаш билан аниқланади. Ягона махсулот хажми унинг ўлчами ва геометрик тузилишига кўра хисобланади, сўнг материал зичлиги кўрсаткичларидан фойдаланиб махсулот хажмининг оғирлиги аниқланади. Шу билан бирга махсулот қолиплашнинг технологик жараёни давомида таннархни аниқлашдаги инобатга олиниши керак бўлган, рад этиб бўлмас йўқотишлар юзага келишини хисобга олиш лозим.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, махсулот тайёрлаш технологияси танланган материал ёки махсулот тузилиши орқали аниқланади. Технологик жараённинг бутун даври одатда бирламчи ва иккиламчи операциялардан ташкил топади.

Бирламчи операциялар тўлдириш, пластик деформациялаш, кукунни преслаш, босим остида қўйиш)дан иборат, бунда хом ашё яқуний махсулот Шаклига яқин тайёрлама холига келтирилади.

Иккиламчи операцияларда (бу термик ишлаш, пайвандлаш, Шлифлаш, пармалаш, бўяш, безатиш бўлиши мумкин) заготовкага яқуний махсулот Шакли берилади. Синтез ва қайта ишлаш

Махсулот ишлаб чиқариш технологияси

Жараён қийматини аниқлашнинг асосий ташкил этувчилари бўлиб сармоя киритиш, ускуна тайёрлаш, иш хаққи тўлаш, машина вақти нархи ва чиқинди қиймати хисобланади. Албатта қийматни таҳлил қилишда технологик жаранни унумдорлиги асосий ўринни эгаллайди. Агар алоҳида деталларнинг қиймати бошлангич холатда хисобланса у холда тизим яратишида йигма операциялар қийматини хисобга олиш лозим.

Ва нихоят умумий қийматга тайёр махсулотни этказиб бериш ва қадоқ назорати харажатлари киради. Махсулотнинг якуний қийматини аниқлашда Шунингдек махсулот тузилишига тўғридан тўғри боғлиқ бўлмаган материал ёки технологияни қолиплаш каби бошқа омиллар хам белгиланган ўринни эгаллайди.

Материалшуносликнинг ижтимоий жихатлари, атроф муҳит муҳофазаси ва иқтисодий масалалар

Махсулотнинг кейинги синтези ва қайта ишлаш натижаларидан сўнг мухандислик материаллари деб аталувчи материал вужудга келади, буларга металл қотишмалар, керамик кукунлар, Шиша, пластмасса, композитлар, яримўтказгичлар ва эластомерлар киради. Ушбу мухандислик материаллари кўшимча Шаклда қайта ишланади ва истеъмолчи учун тайёр махсулот, курилма, асбоблар тайёрланади, улар қўйидаги босқичларни ўз ичига олади, “махсулот дизайнни, ишлаб чиқариш, ўрнатиш”. Истеъмолчи ушбу махсулотларни сотиб олади ва улар эскириб яроқсиз холга келгунча ундан фойдаланади, сўнг ташлаб юборади. Бу вақтда махсулотнинг таркибий қисмлари қайта ишланиши ёки қайта (махсулотнинг қайта ишлаш даври ёрдамида) ишланади ёки чиқинди сифатида қайта фойдаланишга тикланади, одатда улар ёқилади ёки қаттиқ чиқинди Шаклида Шахар чиқиндихоналарига ташланади Шу сабабли улар бутун материал даври давомида эрга қайтади.

Хисоб китобларга кўра хар йили бутун дунё бўйлаб 15 миллиард тонна хом ашё олинади: уларнинг айримлари қайта тикланади, айримлари эса йўқ. Вақт ўтгани сари эрнинг деярли ёпик тизим эканлиги унинг материаллари ва ресурслари чеклангани тобора аниқ бўлиб бормоқда. Бундан ташқари жамиятнинг этуклашиши ва ахоли сонининг ортиши билан мавжуд ресурслар камайиб бормоқда, Шу сабабли мавжуд материал ресурсларидан оқилона фойдаланишга кўпроқ эътибор қаратиш лозим.

Бундан ташқари хар бир босқичда энергия узатилиши керак; Кўшма штатларда аниқланишича саноатнинг қайта ишлаш соҳаларида ишлатилаётган энергиянинг таҳминан ярми материал тайёрлаш ва ишлаб чиқаришга йўналтирилади, энергия манбаа хисобланади, айрим босқичларда унинг сақланиши ва ишлаб чиқаришда фойдали йўналтирилиши, фойдаланилиши ва қайта ишлаш учун тикланиши бўйича чоралар кўрилиши керак.

Нихоят барча материаллар даврий босқичларининг атроф мухит билан ўзаро таъсири бор. Атмосфера, сув, эр холати мухим даражада материал даврини кесиб ўтилишига боғлиқ. Айрим экологик ва ландшафт бузилишлари шубхасиз хом ашё қазиб олиш жараёнига зарар этказади. Ифлослантирувчи моддалар ҳаво ва сувга қайта ишлаш ва синтез жараёнида чиқарилади, бундан ташқари хар қандай кимёвий захарли моддалар йўқ қилиниши ёки ташлаб юборилиши зарур. Якуний махсулот қурилма ёки асбоб ўз фаолияти давомида атроф мухитга минимал даражада таъсир ўтказиши керак; Бундан ташқари ўз фаолияти сўнгида унинг таркибий материаллари қайта ишлаш учун тикланиши ёки экологик зарарнинг кам микдорда йўқотилиши (у органик парчаланувчи бўлиши) керак.

Фойдаланилган махсулотлардан чиқинди сифатида воз кечмасдан уларни қайта ишлаш бир неча сабабларга кўра фойдалидир. Биринчидан қайта ишланган материаллардан фойдаланиш эрдан хом ашё олиш заруратини бартараф этади, бинобарин табий ресурсларни тежаш ва қазиб олиш билан боғлиқ хар қандай экологик оқибатларни олдини олади. Иккинчидан икиилемчи хом ашёни қайта ишлаш ва текшириш учун талаб этиладиган энергия сарфини табий йўлдагига нисбатан камайтиради; масалан: ичимликлар учун ишлатиладиган алюмин қадоқни қайта ишлашдан кўра, табий алюминий рудасини аниқлаш учун тахминан 28 баробар кўпроқ энергия талаб этилади. Нихоят қайта ишланган материалларни танлашнинг хеч қандай зарурати йўқ.

Шундай қилиб материаллар даври материаллар аро таъсир, энергия ва атроф мухит орасидаги боғлиқликни қамраб олган мавжуд тизимдир. Бундан ташқари келажак муҳандислари дунё бўйлаб атроф мухитга экологик салбий таъсирни камайтириш, эр ресурсларидан самарали фойдаланиш, турли босқичлардаги ўзаро боғлиқликни тушинишлари лозим. Кўпгина давлатларда экологик муаммолар давлат назорат органлари томонидан яратилган стандартлар орқали хал этилади. (масалан, электрон компонентларда кўрғошиндан фойдаланиш аста секин якунланмоқда). Бундан ташқари саноат нуқтай назаридан мавжуд экологик муаммоларга самарали эчим таклиф этиш муҳандисларга юклатилган.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ хар қандай экологик муаммони бартараф этиш махсулот нархига таъсир қиласи. Тарқалган англашилмовчиликка кўра экологик сохта махсулотга қараганда экологик тоза махсулот ёки жараён ўз табиатига кўра бир мунча қиммат.

Назорат саволлар:

1. Куқун металургия нималардан иборат?
2. Металлар кукуни олиш усулини айтиб беринг.
3. Қаттиқ қотишмаларга хос хоссаларни айтиб беринг.
4. Металокерамика деб нимага айтилади?
5. Говакли металокерамика қаерда ишлатилади?
6. Нано ўлчами нимага teng.

7. Нано ўлчамли материаллар қанда қилинади?
8. Дисперсли тизим нима?
9. Гел қандай тизим?
10. Заррачаларни квалификация қилиш турлари?
11. Нометалл материалларнинг металларга нисбатан яхши ва ёмон томонлари.
12. Нометалл материалларнинг тутган ўрни айникса келажакда.
13. Композицион материал қанақа материал.
14. Полимер деб қанақа материалга айтилади.
15. Полимер молекулаларининг қурилишининг хусусиятларини санаб чиқинг.
16. Полимер макромолекула шаклсининг полимер хоссаларига таъсири.
17. Полимерларни классификация қилиш белгилари.
18. Полимерларнинг хоссаларини санаб чиқинг.
19. Полимерларнинг термомеханик хоссалари деб нимага айтилади?
20. Термопластик ва термореактив полимерларнинг бир-биридан асосий фарқи нимада?

АДАБИЁТЛАР

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

12. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. - Т.:“Ўзбекистон”, 2011.

13. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.

14. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

II. Норматив-хукукий хужжатлар

15. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.

16. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.

17. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-куватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнданги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида »ги ПҚ-4391- сонли Қарори.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон Фармони.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши қурашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли Қарори.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори.

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли Қарори.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли Қарори.

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли Қарори.

32. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

III. Махсус адабиётлар

33. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Ниҳол” нашриёти, 2013, 2016.–2796.

34. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.

35. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.- Т.: Aloqachi, 2017.- 256 стр.

36. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков и К, 2018. - 304 с.

37. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Accoun 2015. - 134 pp.

38. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.

39. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.

40. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.
41. Karimova V.A., Zaynudinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– T.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014. –192 b.
42. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. –Toshkent: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” DIN, 2015. -572b.
43. Tanenbaum, Modern Operating Systems, Prentice Hall, 2009 (deutsche Übersetzung Moderne Betriebssysteme, Pearson Studium, 2009)
44. А.А. Сафоев “Машинасозликда технологик жараёнларни лойиҳалаш” маъruzalар курси - Т.,ТТЕСИ, 2009. 96 б.
45. А.А.Сафоев “Машинасозлик технологияси” фанидан лаборатория ишларини бажариш учун услубий кўрсатма - Т. ТТЕСИ 2007. 65 б.
46. Q.T Olimov, R.X. Nurboev, L.P. Uzoqova, D.X. Bafoev Yengil sanoat jihozlarini ta’mirlash va tiklash asoslari. O’quv qo’llanma.-Т. Академия, 2005. 176 б.

IV. Интернет сайлар

47. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: www.edu.uz.
48. Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uz
49. www.Ziyonet.uz

